

У.Х.Худайбердиев

АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

У.Х.ХУДАЙБЕРДИЕВ

**АҲОЛИ ТУРМУШ
ДАРАЖАСИ**

Монография

Самарқанд – 2021

У.Х.Худайбердиев. Аҳоли турмуш даражаси.
Монография. – Самарқанд, СамИСИ. 2021. – 150 б.

~~Монографияда хизмат кўрсатиш соҳасининг турлари, тўғри савдо ва овқатланиш хизматлари, транспорт хизматлари, таълим хизматлари, шу жумладан мактабгача таълим муассасаларининг ривожланиши ва муаммолари, умумий ўрта таълимнинг ривожланиши ва муаммолари, олий таълимнинг ривожланиши ва унинг муаммолари шунингдек, тиббий хизматлар: ривожланиши ва муаммолари, алоқа хизматлари: ривожланиши ва муаммолари, сугурта хизматлари: ривожланиши ва муаммолари, меҳмонхона хўжалигининг ривожланиши ва муаммолари, банк хизматлари: ривожланиши ва муаммолари, туризм хизматлари: ривожланиши ва муаммоларига бағишланган.~~

Монография илмий изланувчиларга, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларга, магистрларга, докторант ва профессор ўқитувчиларга мўлжалланган. Ундан соҳа мутахасислари ва мавзуга қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар: М.Қ.Пардаев – и.ф.д., проф.
Д.Қ.Усманова - и.ф.н., доцент

Монография Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти кенгашида муҳокама қилинган ва нашр учун тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
I боб. Мамлакат аҳолисининг сони ва таркиби	
1.1. Мамлакат аҳолисининг сони.....	8
1.2. Мамлакат аҳолисининг таркиби.....	11
1.3. Аҳолининг ҳаракат кўрсаткичлари.....	17
II боб. Аҳоли даромадлари ва харажатлари	
2.1. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар.....	23
2.2. Аҳоли даромадларининг кўпайиши.....	28
2.3. Аҳоли харажатлари статистикаси.....	50
2.4. Аҳолининг товарлар ва хизматлар истеъмоли харажатлари.....	52
III боб. Аҳолининг турмуш даражасини ифодаловчи маданий-маърифий кўрсаткичлар	
3.1. Таълим хизматлари.....	63
3.2. Мактабгача таълимнинг ҳолати ва ривожланиши.....	66
3.3. Умумий ўрта таълимнинг ҳолати ва ривожланиши.....	71
3.4. Ўзбекистон Республикаси ўрта-маҳсус касб-хунар таълими.....	78
3.5. Олий таълимнинг ҳолати ва ривожланиши.....	82
3.6. Тиббий хизматларнинг ҳолати ва ривожланиши.....	92
3.7. Аҳолининг ахборот ресурс марказлар, китоб, журнал, газеталар билан таъминланиш ҳам уларнинг турмуш даражасини ифодалайди.....	97
IV боб. Даромадлар тенгсизлиги ва камбағаллик	
4.1. Аҳоли даромадлари тенгсизлиги моҳияти.....	108
4.2. Истеъмол саватчаси ва камбағаллик.....	111
4.3. Камбағаллик чегараси ва даражаси.....	116
4.4. Пандемия ва камбағаллик.....	119
4.5. Камбағалликни қисқартириш йўллари.....	126
Хулосалар	130
Фойдаланилган адабиётлар	137
Иловалар	140

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
VA. SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 62142

КИРИШ

Аҳоли турмуш даражаси мураккаб ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Дунё аҳолисининг турмуш даражаси мамлакатларнинг географик жойлашуви, иқлими, табиий фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги, иқтисодий ривожланиши, уруш-жанжалларнинг мавжудлиги ва шу каби омиллар сабабли турличадир. Лекин бир мамлакат худудидаги аҳолининг турмуш даражаси ҳар хилдир. Бунга сабаб кишиларнинг ақл-идроки, билим ва тажрибаси, тадбиркорлиги, оилада ёш болаларнинг кўплиги ёки оилада ногиронли ёш кишиларнинг мавжудлиги каби омиллардир. Собиқ СССР даврида Ўзбекистон аҳолиси асосан пахта етиштириш билан шуғулланиб, давлат мулкига асосланган жамиятда, оладиган даромад (меҳнат ҳақи) жуда кам бўлиб, оила турмушини таъминлашга базур етган.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, иқтисодиётда бозор муносабатларини танлади. Бозор муносабатлари турли мулк шаклига асосланган бўлиб, инсонларнинг ақл-идрокини, билим ва тажрибасини, тадбиркорлигини намоён қилишга имконият яратди. Натижада аҳоли қонунда тақиқланмаган турлича фаолият билан шуғулланиб даромадини кўпайтиришга эришдилар.

Аҳолининг турмуш даражаси ва уни яхшилаш йўллари республикамиз олимлари эътиборида бўлиб келмоқда. Хусусан, бу мавзу академиклар М.Шарифхўжаев, С.Ғуломов, профессорлар Ё.Абдуллаев, М.Қ.Пардаев, М.Расулов, Н.Тухлиев, Г.Шодиева каби олимларнинг илмий ишларида¹ баён

¹ Олимларнинг бу мавзу бўйича чоп қилинган илмий ишлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

қилинган. Лекин аҳолининг турмуш даражаси мураккаб ва серқирра бўлиб, юқоридаги олимларнинг ишларида уларнинг айрим томонлари (даромадларни кўпайтириш, харажатларни оптималлаштириш, камбағалликни қисқартириш кабилар) кўриб чиқилган. Шунинг учун ҳам монографияда аҳоли турмуш даражасининг деярли барча кўрсаткичлари бир-бири билан боғлиқ тарзда комплекс кўриб чиқилди.

Аҳоли турмуш даражаси энг аввало уларнинг сони, таркиби ва ўзгаришига боғлиқ бўлганлиги учун, ишнинг I боби “Мамлакат аҳолисининг сони ва ҳаракати”га бағишланди. Мамлакат аҳолиси сони мунтазам равишда кўпайиб келмоқда. Фақат мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолиси 1990 йилдаги 20,3 миллион кишидан ҳозирги пайтда 34,0 миллиондан ошди, яъни 167,5 фоизга кўпайган.

Монографиянинг II боби “Аҳоли даромадлари ва харажатлари”га бағишланган бўлиб, даромадларнинг таркиби: меҳнат ҳақи, тадбиркорлик даромадлари, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинадиган ва бошқа даромад турлари баён қилинган бўлиб, уларни кўпайтириш йўллари кўрсатилган.

Аҳоли турмуш даражасини кишиларнинг таълим олиши, соғлиги ва маънавий ҳаёти ҳам белгилайди. Шунинг учун ишда аҳолининг таълим олиши, соғлиги ва маънавий-маданий кўрсаткичлари ҳам алоҳида бобда баён қилинган. Бунда мамлакатимизда таълимга, айниқса мактабгача таълимга катта эътибор берилганлиги кўрсатилган.

Аҳоли соғлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда аҳоли соғлигига катта эътибор берилмоқда. Жойларда “Она ва бола” Скрининг

марказлари, Перинетал марказлари ташкил этилганлиги сабабли, оналар ва чақалоқлар ўлими, касалликлар кескин камайди.

Монографияда даромадлар тенгсизлиги ва камбағаллик чегараси ифода этилган. Камбағалликни камайтириш йўллари белгилаб берилган.

Монография олий ўқув юрти талабаларига, илмий иш билан шуғулланувчиларга ва бу мавзуга қизиқувчи барча ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

І БОБ. МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНING СОНИ ВА ТАРКИБИ

1.1. Мамлакат аҳолисининг сони

Аҳоли деганда бирор худудда яшайдиган инсонларнинг жамоаси тушунилади. Аҳоли сони, таркиби, уларнинг худудлар бўйича жойланиши муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон аҳолиси 34,0 млн. кишидан кўпроқ бўлиб, улар Қарақалпоқистон Республикаси, 12та вилоят 119 та шаҳарлар, 1071 та шаҳар типигаги қўрғонларда, 11015 та кишлоқ аҳоли худудларида яшайдилар. Аҳоли сони кўрсаткичи ижтимоий кўрсаткич ҳисобланганлиги сабабли, мактабгача таълим муассасалари, таълим масканлари, тиббиёт муассасалари, маиший-маданий хизмат кўрсатувчи объектлар, аҳоли сони, уларнинг таркиби ва худудлар бўйича яшашига қараб жойлаштирилади.

Аҳоли бир вақтнинг ўзида ҳам маҳсулотлар(товар, иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмол қилувчилар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аҳолининг сони, унинг таркиби ва худудлар бўйича жойлашишига қараб маҳсулотлар(товар, иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқарувчи корхоналар, савдо ва умумий оватланиш корхоналари ҳамда бошқа истеъмол хизматларини кўрсатувчи субъектлар ташкил этилади.

Шунинг учун аҳолининг аниқ сони, унинг таркиби ва худудлар бўйича жойланиши аҳолини тўлиқ ёппасига рўйхатдан ўтказишни тақоза этади. Аҳолини тўлиқ, ёппасига рўйхатдан ўтказиш катта таёргарликни, маблағни ва вақтни талаб этади. Шу сабабдан ҳам БМТ мамлакатларга аҳолини ёппасига рўйхатдан ўтказишни

ҳар ўн йилда бир марта ўтқазилгани тавсия этган. 2011 йил апрель ойида Ўзбекистон аҳоли сони танлаб кўзатиш йўли билан аниқланди. Ушбу танлаб кўзатиш сўровномасида 12 та савол киритилган. Саволда исми, фамилияси, миллати каби саволлар бўлган. Айрим саволларга жавобларнинг бир неча варианты берилган. Мисол учун “маълумоти” деган саволга:

1. Олий маълумоти;
2. Тўлиқсиз олий маълумотли;
3. Ўрта махсус маълумотли;
4. Умум ўрта маълумотли;
5. Тўлиқсиз ўрта маълумотли;
6. Бошланғич маълумотли каби саволларга

бўлинган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан аҳолини ёппасига рўйхатдан ўтқазилган 2022 йилга режалаштирилган. Хозирги пайтда бу тадбирни самарали ўтқазилган мақсадида таёргарлик ишлари олиб борилмоқда, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги таржибаси ўрганилмоқда.

Аҳолини ёппасига рўйхатдан ўтқазилган асосий мақсад, уларнинг ҳаққоний (реал), ишончли сонини ва таркибини аниқлаш, аҳолининг ҳудудлар бўйича жойлашганлигини, иш билан бандлигини, маълумот даражасини ва шу каби кўрсаткичларни ўрганиш ҳисобланади. Бу маълумотлар ўз навбатида, келгусида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини ривожлантириш учун асос бўлади. Ўзбекистон аҳолиси мунтазам равишда юқори суръатлар билан кўпаймоқда. Бунга сабаб никоҳнинг кўплиги, оиланинг мустаҳкамлиги. Давлат раҳбарларининг аҳоли саломатлигини яхшилаш айниқса хомиладор аёллар билан хомиланинг яхши ҳамда соғлом ривожланиши

учун Республика перинитал маркази, унинг Тошкент шаҳридаги ва вилоят марказларидаги филиаллари ташкил этилди.

Ўзбекистон аҳолиси 1865 йил 3320 минг кишини ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич 33255,5 минг нафарга етди, яъни аҳоли 10 баравардан кўпроққа кўпайди. Ўзбекистон аҳолиси очарчилик йилларида (1920-1925) ва II жаҳон уруши йилларида (1940-1945 йй.) камайди. Бундай сабаблар бўлиб, аҳоли сони камаймаганда, Ўзбекистон аҳоли сони бундан ҳам кўпроқ бўларди.

Ўзбекистон аҳоли сони бўйича МДХ мамлакатлари бўйича (Россия ва Украинадан кейинги) 3-ўринда туради.

Аҳолини худудлар бўйича жойланишини ҳам ўрганиш муҳим. Вилоятлар, туманлар, қишлоқлар бўйича аҳоли сонини ва унинг таркибини ўрганиш, бу худудларда ижтимоий объектларни (болалар боғчаси, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасалари каби), ишчи кучларини иш билан таъминлаш мақсадида махсулот ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи субъектларни жойлаштириш режалаштирилади.

Мамлакат аҳолисини худудлар бўйича ўрганганда, энг кўп аҳоли Самарқанд вилоятида 3798,9 минг киши (11,4%), Фарғона вилоятида 3683,3 минг киши (11,1%), Қашқадарьё вилоятида 3213,1 минг киши (9,7%) ва Андижон вилоятида 3066,9 минг киши (9,2%) яшаши аниқланди. Аҳолиси кам бўлган вилоятлар Сирдарё 829,9 минг киши (2,5%), Навои 979,5 минг киши (2,9%) ҳисобланади.

Лекин бу вилоятларнинг худудлари, табиий шароити ҳар хил. Шунинг учун ҳам улар жойлашган аҳолининг зичлик кўрсаткичларини ўрганиш лозим. Аҳолининг зичлик кўрсаткичи 1 кв.км туғри келадиган

аҳоли сони билан ўлчанади ва бу кўрсаткич ҳудуд аҳоли сонини ҳудуд майдонига бўлиб топилади.

Аҳолининг ҳудудлар бўйича зич жойланишида Фарғона водийси вилоятлари олдинги ўринларда туради. Бу водий вилоятларининг табиати ва бошқа географик омилларга боғлиқ бўлиб, қадимдан шундай бўлган.

Аҳолининг зич жойланиши бўйича Андижон вилоятида 1 кв.км.га 713 киши, Фарғона вилоятига 545 киши, Наманган вилоятига 370 киши тўғри келади. Аҳолининг жойлашуви бўйича Навои вилоятида 1 кв.км.га 9 кишига яқин, Қорақалпоғистон Республикасида 11 кишидан кўпроқ тўғри келади. Аҳолининг бундай жойлашишига сабаб бу ҳудудларнинг катта қисмини Қизилқум чўли эгаллаганлигини, бундай жойларда инсон ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар йўқлиги асосий сабабдир.

1.2. Мамлакат аҳолисининг таркиби

Мамлакат аҳолисининг таркибини ёши, жинси, миллати, маълумоти ва бошқа белгилари бўйича ўрганиш мумкин. Давлат статистика органларида аҳолининг ҳар бир ёши бўйича маълумотлар бор. Аҳолининг ёшини гуруҳлаб ўрганганда, уларни меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар (уларни ўз навбатида 3 ёшгача, 3 ёшдан 7 ёшгача, мактаб ёшидагилар гуруҳларига ажратиш), меҳнат қилиш ёшидагилар ва нафақа ёшидагиларга гуруҳлаш мумкин (1.1-жадвал).

Аҳоли жинси бўйича ўрганилганда 2019 йил бошига эркаклар 50,2 фоизини (16397,9 минг кишини), аёллар эса 49,8 фоизини (16258,8 минг кишини) ташкил этишини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби бўйича
гуруҳланиши

№	Кўрсаткичлар	Сони, минг киши	Салмоғи, %
1	Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичиклар	9864,7	30,2
2	Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар	19610,1	60,0
3	Меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар	3181,9	9,8
Жами:		32656,7	100,0

Лекин уларни ёши бўйича гуруҳлаб ўрганилганда, ёши ўлғайиб борган сайин, қариялар сафида аёллар хиссасининг кўпайиб боришига гувоҳ бўламиз (1.2-жадвал).

1.2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ёшларнинг ичида эркак салмоғи кўпроқ, ёш катталашиб борган сайин аёллар салмоғи ошиб (40 ёшдан бошлаб) бормоқда. Демак ўғил болалар кўпроқ туғилади деган хулосага келиш мумкин. Лекин турли сабабларга кўра(асосан эркакларнинг кўпроқ тамаки маҳсулотларини чекиши ва спиртли ичимликларни ичиши сабаб бўлса керак) аёллар эркакларга нисбатдан узоқроқ яшар эканлар.

2018 маълумотига кўра 1000 эркакка ўртача 990 та аёл тўғри келган бўлса, 80 ёшдан катталар бўйича 1639 та аёл тўғри келар экан.

Халқимизда “Қизларнинг жони қирқта бўлади” деган ибора бежиз айтилмаган шекилли, чунки улар эркакларга нисбатдан узоқроқ умр кўришар экан.

**Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби бўйича
тақсимланиши**

Ёш гуруҳлари	Жаъми аҳоли	Аёллар		Эркаклар	
		Сони, минг киши	Сал- моғи, %	Сони, минг киши	Сал- моғи, %
0-2 ёшгача	2106,4	1010,7	48,0	1095,7	52,0
...
6-7 ёшлилар	1255,8	606,0	48,3	649,8	51,7
...
16-17 ёшлилар	1012,3	494,1	48,8	518,2	51,2
...
20-24 ёшлилар	3097,9	1514,5	48,9	1583,4	51,1
...
35-39 ёшлилар	2310,4	1153,9	49,9	1156,5	50,1
...
50-59 ёшлилар	3033,4	1575,9	52,0	1457,5	48,0
...
70-74 ёшлилар	274,8	148,7	54,1	126,1	45,9
...
80-84 ёшлилар	148,5	88,6	60,0	59,9	40,0
...
85 ёш ва какталар	134,6	87,1	64,7	47,5	35,3

*Манба: Ўзбекистон демографик йиллик тўплами.
Тошкент-2019 йил, 62 бет асосида муаллифлар ҳисоблади.*

Статистик маълумотларга қараганда (2018 йил) аҳолининг ўртача умр кўриш ёши 74,6 ёш бўлганда, эркаклар 72,3 ёш, аёллар эса 77,0 ёш умр кўрар эканлар.

Аҳолининг оилавий ҳолати қайд қилинган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони билан тавсифланади (1.3 ва 1.4- жадвалларга қаранг).

1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тузилган никоҳлар сони (мингта)

Вилоятлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2015 йил	2018 йил	2018 йилни 2000 йилга нисбатан фарқи, %
Қорақалпоғистон Республикаси	11,4	9,7	17,8	13,8	14,5	127,2
Андижон	13,6	15,8	27,9	28,3	30,3	222,8
Бухоро	11,1	11,9	18,3	16,3	16,1	147,0
Жиззах	6,3	7,5	10,9	11,3	14,0	245,5
Қашқадарё	16,1	16,0	26,7	31,3	31,6	196,4
Навоий	6,1	7,2	9,6	9,0	9,0	179,7
Наманган	12,8	15,0	23,7	24,7	26,5	207,2
Самарқанд	19,2	20,0	36,3	33,9	37,5	196,4
Сурхондарё	11,3	11,6	22,3	23,3	26,8	238,9
Сирдарё	4,3	4,4	7,0	7,2	8,3	198,5
Тошкент	14,6	17,6	24,2	22,4	25,1	173,3
Фарғона	17,0	21,1	33,4	30,9	35,5	209,8
Хоразм	10,6	11,2	15,3	16,2	16,0	154,8
Тошкент шаҳри	14,5	15,0	18,9	19,0	20,3	141,1
Ўзбекистон Республикаси	168,9	184,0	292,3	287,6	311,4	184,5

1.3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, никохлар сони мутлоқ миқдорда йилдан – йилга кўпайиб бормоқда. Агарда 1980 йилда никохдан ўтганлар сони 173,6 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб уларнинг сони 311,4 минг кишига етган яъни 1,8 бараварга кўпайган. Лекин бу кўпайишнинг асосий сабаби, аҳоли сонининг ортиши билан боғлиқ, чунки никохлар коэффиценти (ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда, промилледа ўзгармаган, балки 1980 йилги 10,8 промилледадан, 9,4 промиллегача) пасайган. Никохдан ажралишлар ҳам мутлоқ миқдорларда кўпайган.

Агарда 1980 йилда 22,5 мингта ажралишлар бўлса, 2018 йилга келиб, ажралганлар сони 32,3 минг кишига етган. Бу ҳам аҳоли сонининг кўпайиши билан боғлиқ. Ҳар 1000 кишига ҳисоблаганда ажралишлар коэффиценти камайган (1.4- жадвал).

Оилавий ҳолатни ҳудудлар бўйича ўрганганимизда никохдан ўтганлар ва ажралишлар бир-биридан фарқ қилади. Мамлакат миқёсида никохдан ўтганлар 2018 йилда 2000 йилга нисбатан 184,5 фоизга кўпайган бўлса, Жиззах вилоятида ушбу даврда 245,5 фоизга, Сурхондарё вилоятида 238,9 фоизга, Андижон вилоятида эса 222,8 фоизга кўпайган. Нисбатан Қорақалпоғистон Республикасида 127,2 фоиз, Тошкент шаҳрида 141,1 фоизга, Бухоро вилоятида 147,0 фоизгина кўпайган.

Никохдан ажралишлар ҳам ҳудудлар бўйича ҳар хилдир. Республикамиз бўйича 2018 йил 2000 йилга нисбатдан 167,0 фоиз ошган бўлса, Андижон вилоятида шу даврда 420,0 фоизга, Қашқадарёда 293 фоизга, Сурхондарёда 235,2 фоизга ошган. Ажралишлар турли сабаблар билан бўлиши мумкин, лекин бизнинг миллатимиз ва менталитемизга тўғри келмайдиган, салбий ҳолатдир.

1.4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича
ажрашишлар сони

(мингта)

Вилоятлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2015 йил	2018 йил	2018 йилни 2000 йилга нисба- тан фарқи, %
Қорақалпоғистон Республикаси	0,6	0,5	0,9	1,1	1,3	216,6
Андижон	1,1	0,7	1,4	2,8	4,2	420,2
Бухоро	1,2	1,0	0,9	1,8	1,8	194,5
Жиззах	0,7	0,5	0,5	0,8	1,1	160,0
Қашқадарё	0,6	0,9	0,8	1,7	1,6	293,0
Навоий	1,1	0,8	0,5	1,1	1,0	-90,9
Наманган	1,2	1,2	1,7	2,1	2,5	208,3
Самарқанд	1,8	1,6	1,9	3,1	3,7	217,1
Сурхондарё	0,9	0,7	0,5	1,5	1,9	235,2
Сирдарё	0,6	0,6	0,6	0,8	1,1	222,5
Тошкент	2,6	2,2	2,2	3,6	3,7	150,9
Фарғона	2,2	1,1	1,5	3,1	3,1	147,8
Хоразм	0,7	0,7	0,9	1,0	1,0	147,9
Тошкент шаҳри	4,6	3,9	3,5	5,1	4,3	-93,8
Ўзбекистон Республикаси	149,9	16,4	17,8	29,6	32,3	167,0

Хозирги пайтда маҳалла фаоллари, хотин-қизлар билан ишлайдиган ташкилот аъзолари ноиттифоқ oilалар

билан ишлар олиб бориб, кўпгина оилаларни ажралишдан сақлаб, яраштириб қуймоқда.

1.3. Аҳолининг ҳаракат кўрсаткичлари

Мамлакат, бирор ҳудуд ёки шаҳар аҳолисининг сони ўзгариб туради. Бу табиий ҳолат бўлган туғилиш ва ўлимга ҳамда кўчиб келиш ва кўчиб кетишга боғлиқдир.

Туғилиш ва ўлим аҳолининг табиий ва ижтимоий таъминот, табиат ва экология, ҳамда халқнинг анъаналарига ҳам боғлиқдир. Ўзбеклар қадимдан болажон халқ бўлиб, оилаларнинг фарзандлари кўп бўлган. 6-10 фарзандли хатто 15 фарзандли оилалар ҳам бўлган.

Аҳолининг табиий ҳаракати мутлоқ сонларда(неча киши туғилган, неча киши ўлган) ва нисбий миқдор(промилледа)ларда ифодаланади. Туғриқхоналар қанча чақалоқлар туғилганлари тўғрисида маълумот(хисобот) бериб турадилар. Инсонларнинг ўлими ҳам қайд қилиб борилади.

Ўзбекистонда туғилганлар сони мунтазам равишда купайиб бормоқда. 1980 йилда мамлакат миқёсида 540,0 минг чақалоқ туғилган бўлса, 2018 йилга келиб 768520 нафар чақалоқ туғилган ёки ушбу даврда 1980 йилга нисбатан 142,0 фоизга кўпайган.

Туғилиш коэффиценти 1000 кишига нисбатан қанча чақалоқ туғилганлигига белгилаб, туғилганлар сонини 1000 кўпайтириб аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади.

Туғилиш коэффиценти 1980-1990 йилларда энг юқори бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан 34-38гача чақалоқ туғилган. Лекин кейинги йилларда аҳолининг табиий

кўпайиши бироз пасайиб, hozирги пайтда ҳар 1000 кишига 22-24 чақалоқ туғилмоқда.

Аҳолининг кўпайишини худудлар бўйича кўриб чиқсак 2018 йил 2000 йилгача мамлакатимиз миқёсида 145,7 фоизга кўпайган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида фақатгина 110,2 фоизга, Хоразм вилоятида 124,9 фоизга, Сирдарё вилоятида 128,2 фоизга кўпайган. Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятларида туғилиш юқори суръатларда бўлиб, ушбу даврда тегишли равишда 164,9%, 163,1% ва 161,4% фоизни ташкил этган.

Туғилганлар сонидан вафот этганлар сонини айирсак аҳолининг

табиий кўпайиш сони келиб чиқади. Ўзбекистонда аҳоли сони табиий кўпайиш йўли билан кўпаймоқда. Туғилганлар сони йилданғйилга кўпайиб борганлиги сабабли, мамлакатда аҳолининг табиий кўпайиши сони ортиб бормоқда. Агарда 1980 йилда туғилганлар сони 540,0 минг бўлиб, вафот этганлар сони 118,9 мингни ташкил этиб, аҳолининг табиий кўпайиши 421,1 минг кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилга келиб, 613607 кишини ташкил этди яъни 145,7 фоизга кўпайган.

Лекин бу даврда аҳоли сони ҳам кўпайган, аҳолининг кўпайиш тенденцияси тўғрисида тўғри хулоса чиқариш учун нисбий миқдордан яъни аҳолининг табиий кўпайиш коэффициенти кўрсаткичидан фойдаланишимиз керак. Бу кўрсаткич аҳолининг табиий кўпайган сонини(туғилганлардан ўлганлар сонини айриганда) 1000 га кўпайтириб, аҳолининг ўртача сонига бўламиз. Бу кўрсаткич ушбу давр(йил)да аҳолининг ҳар 1000тасига қанча табиий кўпайиш тўғри келганини билдиради. Аҳолининг табиий кўпайиши 1980 йилда ҳар 1000

кишига 26,4 кишини, 1985 йили 30,1 кишини, 1986 йили қарийиб 31 кишини ташкил этган бўлса, кейинги йилларда камайиб 18-19 кишига тушиб қолди. Бу асосан туғилиш суръатининг пасайишига боғлиқ.

Кейинги йилларда нафақат шаҳар, балки қишлоқ аҳолиси ҳам фарзандларини 4-5тадан оширмаяпти. Тиббий хулосаларга кўра аёл киши фарзанд кўргандан кейин уч йил ичида ўзининг соғлигини тўлиқ тиклаб, келгуси фарзандларига хомиладор бўлишга тайёр бўлар экан.

Европа мамлакатларининг кўпчилигида, МДХ мамлакатларидан

Россия Федерацияси ва Украинада туғилганлар сонидан ўлганлар сони кўп бўлиб, бу мамлакатларда бир қанча йиллардан бери аҳолининг табиий камайиши кузатилмоқда.

Аҳолининг ўлими ҳам мутлоқ сонларда(қанча киши вафот этган) ва 1000 кишига нисбатан, промилледа ҳисобда олиб борилади. Аҳолининг ўлим коэффиценти ўлганлар сонини 1000 кўпайтириб, аҳоли сонининг ўртачасига бўлиб топилади. Йиллар давомида мамлакатимизда ўлганлар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

1980-1990 йилларда 120,0-134,0 минг киши вафот этган бўлса, 2015-2018 йилларда 150,0-160,0 минг киши вафот этмоқда. Бу аҳоли сонининг кўпайганлиги билан боғлиқ. 1980 йилларда мамлакатда 15,0-16,0 млн. киши бўлган бўлса, 2015 йилларда аҳоли сони 2 баравар кўпайиб 30,0 млн. кишидан ошиб кетди. Шунинг учун, аҳоли вафотининг ўзгаришини ўрганганда нисбий миқдор, ўлим коэффиценти кўриб чиқамиз. Бу кўрсаткич бўйича 1980 йилларда ҳар 1000 кишига 7 киши вафот этганлиги тўғри келса, 2015 йилларга келиб

бу кўрсаткич 4,5-5,0 промиллегача тушиб қолди, яъни 64,3 фоизга пасайди.

Аҳоли ўлимини ҳудудлар бўйича кўриб чиқсак, 2000 йиллардан 2018 йилгача Тошкент шаҳрида 86,3 фоизга, Навоий вилоятида 98,5 фоизга ўлим камайган. Қашқадарё вилоятида 135,0 фоизга, Андижон вилоятида 133,5 фоизга, Сурхондарё вилоятида 131,1 фоизга кўпайган. Бу рақамлар шундан далолат бераптики, йирик шаҳарларда тиббиёт ривожланганлиги, аёлларнинг турмуш даражаси яхшилиги ва бошқа омилларга асосан ўлим нисбатан кам. Ўлим кўпайган ҳудудлардаги асосий сабаб, ушбу даврда аҳоли сонининг кўпайганлиги ҳамда бу вилоятларда аҳолининг кўпроқ қисми қишлоқ жойларда яшаётганлигидир.

Мамлакат ёки ҳудуд аҳолиси сонининг миграция(кўчиб келиш ва кўчиб кетиш жараён)и билан боғлиқ ўзгариш аҳолининг механик ҳаракати ҳисобланади. Агарда маълум даврда аҳолининг ҳудудга кўчиб келганлар сони кўчиб кетганлардан кўп (кўчиб келганлар>кўчиб кетганлар) бўлса аҳолининг механик кўпайиши ҳисобланади. Агарда кўчиб кетганлар ҳудудга кўчиб келганлардан кўп бўлса аҳолининг механик камайиши ҳисобланади.

Аҳолининг механик ҳаракати ҳам мутлоқ миқдорларда(неча киши чет эллардан кўчиб келган, неча киши чет элга кўчиб кетган), ҳамда нисбий миқдорлар(промилле)да коэффиценти ҳисобланади. Кўчиб келганлар коэффиценти ҳудудга кўчиб келганлар сонини 1000га кўпайтириб, аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади.

Аҳолининг кўчиб кетганлар коэффиценти ҳам кўчиб кетганлар сонини 1000га кўпайтириб, аҳолининг ўртача сонига бўлинади. Аҳолининг механик ўзгариши

кўэффиценти кўчиб келганлар сонидан кўчиб кетганлар сонини айириб, 1000га кўпайтириб аҳолининг ўртача сонига бўлиб топилади.

1.5-жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг механик ҳаракати

(киши)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2018 й. 2017 й. нисбат и, фоизда
	2000	2005	2010	2015	2018	
Кўчиб келганлар сони	145880	144778	138077	139280	160103	109,8%
Кўчиб кетганлар сони	212472	246386	183858	168579	174832	82,3%

1.5-жадвал маълумотларидан кўришиб тўрибдики, Ўзбекистондан кўчиб кетганлар сони кўчиб келганлардан кўпроқ. Собиқ СССРнинг парчаланиши даврида ва мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида яхудийлар, руслар ва қрим татарлари кўплаб кўчиб кета бошладилар. Шу сабали кўчиб кетганлар сони кўпроқ бўлди. 2000 йилда ҳам кўчиб кетганлар нисбати кўчиб келганлардан 1,5 барабар (212476:145880) кўп бўлган. Лекин Ўзбекистондаги тинчлик, барқарорлик ва бағрикенглик сиёсати натижасида кўчиб кетишлар камайди ва 2018 йилдаги кўрсаткич(174812 киши) 2000 йилга нисбатан 82,3 фоизни ташкил этади, яъни кўчиб кетишлар сони ушбу даврда 18 фоиз камайган.

Мамлакатга кўчиб келаётганлар сони йилдан йилга кўпаймоқда. 2000 йилда 145880 нафар киши кўчиб келган бўлса, 2018 йилга 160103 нафар киши келган, яъни қариб 110 фоиз кўпайган.

Кўчиб кетганларнинг айримлари борган жойларига куника олмасдан, кайтиб кўчиб келаяптилар. Ўзбекистонда ҳам фуқаролигини олмаганлар ҳам бор. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳозирги пайтда 50 минга яқин кишилар ҳали фуқаролик мақомига эса эмаслигини такидлади.

Ўзбекистон Конституциясининг 18 моддасида мамлакат ҳудудида яшаётган барча фуқаролар миллати, ирки, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар тенг ҳуқуқга эга эканлиги қайд этилган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 130дан кўпроқ миллат ва элат халқлари ўзаро ҳамжихатликда тинч, фаровон ҳаёт кечирмоқдалар.

II БОБ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ

2.1. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар

Аҳолининг турмуш даражаси инсонларнинг моддий, манавий маърифий эҳтиёжларини қондириш жараёнларини ифодаловчи кўп қиррали, мураккаб ижтимоий-иқтисодий категориядир.

Турмуш даражаси аҳоли даромадлари, харажатлари, истеъмол даражаси ва унинг таркиби, уй-жой билан таъминланганлиги ва шу қабиларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам иқтисодий адабиётларда аҳоли турмуш даражасини турли кўрсаткичлар тизими билан ифодалаб, уларни турли белгилар бўйича гуруҳларга ажратганлар.

Ё.Абдуллаевнинг фикрича “аҳоли турмуш даражаси битта кўрсаткич билан эмас, аҳоли даромади ва турмушининг турли қирраларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими билан ифодаланиши лозим. Бу тизим қуйидаги асосий бўлимларни ўз ичига олади:

- умумлаштирувчи синтетик кўрсаткичлар;
- аҳолининг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- аҳолининг маърифий - маънавий даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- аҳолининг социал шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар².

Иқтисодчи олим К.Хақбердиев “Аҳоли турмуши

² Abdullayev Yo. Makroiqtisodiy statistika: 100 savol va javob. T.: «Mehnat», 1998 y. 182 b.

тушунча сифатида кенг манодаги тўрт йўналишдаги кўрсаткичларни қамраб олади: аҳолининг сифат кўрсаткичларни, аҳолининг турмуш даражаси, ижтимоий хавфсизлик, атроф-мухитнинг сифати” деб кўрсатиб, биринчи йўналиш кўрсаткичларига: демография, аҳолини такрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, оилаларни шакллантириш қобилиятлари, таълим ва касбий маҳорат даражаларини киритади³.

Г.С.Шерстнева ўзининг “Социальная статистика” китобида Россия Федерацияси ҳукумати ва бутун Россия бирлашган қасаба уюшмалари 2004-йил 29-декабрда келишиб тузилган шартномада аҳоли турмуш даражасини ифодалаш учун ўттиз бешта кўрсаткич олинганлигини ёзади⁴. Бу кўрсаткичлар ичида мамлакатнинг иқтисодиётини ифодаловчи ялпи ички маҳсулот, асосий капиталга инвестиция, бюджетнинг ижтимоий соҳага харажатлари, доимий аҳоли сони каби кўрсаткичлар билан бир вақтда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган жуда кўп ўрғача иқтисодий кўрсаткичлар ҳам келтирилган. Албатта бу кўрсаткичлар аҳолининг турли қатламларининг турмуш даражасини тўлиқроқ ифодалайди. Лекин бу кўрсаткичларнинг айримлари моҳияти жиҳатидан бир-бирига жуда яқин ёки улар бир-бирига қарама-қаршидир. Шунинг учун ҳам бундай кўрсаткичларнинг бирини аниқласа, иккинчи кўрсаткични аниқлаш қийин бўлмайди.

БМТ турли мамлакатларда қўлланилаётган турмуш даражаси кўрсаткичларини ўрганиб, унинг даражасини ифодаловчи қуйидаги асосий кўрсаткичларни тавсия этган:

³ To'xliyev N. va boshqalar. O'zbekiston iqtisodiyoti asoslari. T.: O'zbekiston ensiklopediyasi. 2006 y. 269 bet.

⁴ Sherstneva G.S. Sotsialnaya statistika: konspekt leksiy. M.: EKSMO, 2009. – S. 39-40.

• туғулиш, вафот этиш ва бошқа аҳолини характерлайдиган кўрсаткичлар;

- турмушнинг санитария-гигиена шароитлари;
- озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш;
- турар жой шароитлари;
- таълим ва санъат;
- меҳнат шароити ва бандлик;
- аҳоли даромадлари ва харажатлари;
- яшаш қиймати ва истеъмол баҳолари;
- транспорт воситалари;
- дам олишни ташкил этиш;
- ижтимоий таъминот;
- инсоннинг эркинлиги.

Демак, юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш керакки, аҳоли турмуш даражаси жуда мураккаб, уларнинг яшashi ва фаолият юритишининг турли томонларини ифодаловчи категория (тушунча) бўлиб, фақат жуда кўп кўрсаткичлар билан тўлиқ ифодалаш мумкин. Бу кўрсаткичларни турли белгилари бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин.

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни моҳиятига қараб қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

а) Аҳолининг ижтимоий-демографик кўрсаткичлари: буларга аҳоли сони, жинси, туғулиш, вафот этиш каби кўрсаткичлар киради.

б) Аҳолининг моддий истеъмолини ифодаловчи кўрсаткичлар. Уларга аҳолининг озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат билан таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар киради.

г) Аҳолининг таълими, манавий-маданий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар: Уларга

мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари билан қамраб олинганлиги, театр, кино, китоблар ва шу кабилар билан таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар киради.

д) Аҳолининг соғлиғи ва санитария-гигиена ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар. Буларга шифохоналар, врачлар, дам олиш уйлари, касалхоналар билан таъминланганлигини ифодаловчи, аҳолининг соғлиқ даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар киради.

Бу кўрсаткичларни мамлакатнинг барча аҳолиси бўйича, аҳолининг айрим гуруҳлари (ишчи, хизматчи, деҳқон ва шу каби) бўйича ҳудудлар, ҳамда тармоқлар бўйича аниқлаш лозим бўлади.

Аҳолининг турмуш даражасини ифодаловчи умумлаштирувчи кўрсаткичларга Ё.Абдуллаев қуйидагиларни киритган:

- жон бошига тўғри келган соф миллий даромад;
- номинал ва реал даромад индекслари;
- турмуш қиймати индекси;
- инсон баркамоллиги индекси;
- қашшоқлик индекси;
- аҳоли пул даромадлари ва харажатлари баланси;
- яшаш минимум ва бошқалар⁵.

Аҳоли турмуш даражасига таъсир қилган омилларни тарихий манбаи нуқтаидан қараганда, уларни ташқи – табиий омиллар ва ички – ўз омилларига бўлиб, гуруҳлаш мумкин. Ташқи – табиий омилларга инсонларга боғлиқ бўлмаган қуйидаги омилларни киритиш мумкин. Аҳолининг табиий – географик жойлашуви, табиий шароити, иқлими, табиий қазилмаларининг мавжудлиги, сувнинг етарлиги,

⁵ Abdullayev Yo. Makroiqtisodiy statistika: 100 savol va javob. T.: «Mehnat», 1998 y. 182-183 betlar.

худуднинг текис ёки нотекислиги ва шу кабилардир. Масалан шимолда ёки тоғли худудларда деҳқончилик қилишнинг имконияти йуқ. Саудия Арабистони, Қувайт, Эрон, БАА каби мамлакатларда нефт кўплиги сабабли, аҳолиси нисбатан яхши яшайди.

Худуд аҳолисининг кўп йиллардан бери тинч яшаши, инсонларнинг ишчанлиги, тадбиркорлиги, билим савиясининг юқорилиги, ҳукуматнинг инсонпарварлик билан иш юритиши каби омиллар ички – аҳолининг ўзига боғлиқ омиллар ҳисобланади. Масалан, кўп йиллардан буён уруш – жанжал бўлаётган худудлар аҳолиси нисбатан қашшоқ яшашади. Бундай худудларга Африка қитъасидаги бир неча мамлакатларни, кейинги йилларда эса Сурия, Ироқ каби мамлакатлар аҳолисини киритиш мумкин.

Иқтисодий адабиётларда аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумий аниқ битта интеграл кўрсаткич тавсия этилмаган. Лекин БМТ мамлакатларининг иқтисодий тараққиёт даражасини аниқлаш учун мамлакат аҳолиси жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот (ёки ЯММ) ҳажмини (таққослама бўлиши учун АҚШ доллариди ҳисобланган) тавсия этган. Бу кўрсаткичга кўра дунёдаги барча мамлакатлар 3-гурухга:

1. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар:
2. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар:
3. Иқтисодиёти қолоқ мамлакатларга бўлинади.

Албатта ўртача олганда, иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳоли турмуш даражаси иқтисоди қолоқ бўлган мамлакатлар аҳоли турмушидан яхшироқдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Тараққиёт дастури” асосида Инсон тараққиёти индекси аниқланган. Ушбу индексга асосан 2019 йилда ҳаёт даражаси энг юкори (яхши) деб Норвегия, Швеция ва Ирландия

давлатлари, ҳаёт даражаси ёмон деб Чад, Нигерия ва Марказий Африка Республикасида яшаётган аҳоли эканлиги қайд қилинган.

2.2. Аҳоли даромадларининг кўпайиши

Собиқ СССРнинг режали иқтисодиёт тизимида аҳолининг асосий даромади ишлаётган ходимларнинг меҳнат ҳақларидан иборат эди. Ўзбекистон мустақил бўлиб бозор иқтисодиётини танлади. Бозор иқтисодиёти аҳолининг ақл-заковати, тadbirkorлигини намоён этиш ва қонунда таъқиқланмаган (қонунда таъқиқланганлари: курол-яроғ, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланиш ва шу кабилар) барча фаолият турлари билан шуғулланиб, даромад олиш имконияти яратилди. Ҳозирги пайтда аҳоли ишлаб меҳнат ҳақи (барча устамалари билан), турли тadbirkorлик, хунармандчилик қилиб даромад, мулкни ижарага бериб – ижара ҳақи, қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиб, улардан дивиденд (фоиз), деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиб даромад олмоқдалар. Аҳолининг даромад оладиган манбалари кўплиги сабабли, иқтисодчи олимлар уларни гуруҳлашни – таснифлашни тавсия этганлар.

Ё.Абдуллаев оила даромадини уч гуруҳга: меҳнат билан олинган даромад, мулкдан келган даромад, давлатнинг бирламчи даромади кабиларга бўлади.¹

М.К.Пардаев оила даромадларини беш гуруҳга бўлишни мақсадга мувофиқ деб, қуйидагиларни кўрсатади²:

1. Abdullayev Yo. Makroiqtisodiy statistika: 100 savol va javob. T.: «Mehnat», 1998 y.
2. Pardayev M.K., Shodiyeva G.M. Oila xo'jaligi iqtisodiyoti va tadbirkorligi. Samarqand SamKI. 2001, 25 bet.

1. Меҳнат қилиш йўли билан олинадиган даромад;
2. Тадбиркорлик йўли билан олинадиган даромад;
3. Мулкни ишлатиш орқали олинадиган даромад;
4. Давлат томонидан бериладиган даромад;
5. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан бериладиган хайриялар, совғалар ва бошқа мурувватлар.

Бизлар аҳоли даромадлари гуруҳланишини келтириш билан уларнинг турлари кўп эканлигини таъкидламоқчимиз ҳолос.

Аҳоли даромадларининг турлари кўп бўлиб, пул кўринишида ва натурал шаклларда бўлиши мумкин. Аҳоли даромадларидан солиқлар (даромад солиғи, ер ва мулк солиқлари) ушланиши мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодий назарияда аҳолининг даромадларини: номинал даромад, ихтиёрида бўлган даромад ва реал даромадларга бўлиб гуруҳлаб ўрганеди.

Аҳолининг номинал даромадига – маълум давр мобайнида (ой, йил) олинган пул даромадларининг барчаси киради. Номинал даромад иш ҳақи, тадбиркорликдан олинган даромад, мулкни ижарага беришдан олинган даромад, фоиз ва дивидендлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишда олинган даромад, пенсия ва стипендиялар киради.

Ихтиёрида бўлган даромадларга – номинал даромаддан тўланган солиқлар ва мажбурий тўловларни айрилгандан кейин қолган қисми киради.

Реал даромад – аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиши мумкин бўлган маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар миқдори киради. Демак, нарх ўзгариши реал даромадлар ҳажмига жиддий таъсир қилади. Ўртача нарх кўтарилса реал даромад миқдори камаяди ва унинг тескараси, нарх пасайса реал даромад

миқдори кўпаяди. Реал даромадни (Ря) куйидагича ифодалаш ифодалаш мумкин:

$$Ря = \frac{Нд}{Жп}$$

Бу ерда: Нд – номинал даромад;

Жп – нарх индекси.

Истеъмол нархларининг ўзгариши аҳоли турмуш даражасига таъсир қилар экан. Шунинг учун ҳам ҳукумат минимал корхоналар нархни оширмаслиги учун назорат қилади, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи қишки мавсумда (ойларда) кўтарилиб кетмаслиги учун, уларнинг захирасини ташкил этиб, чоралар кўради.

Аҳоли даромадларининг асосий турларидан бири меҳнат ҳақидир. Ходимлар бажарган ишларининг миқдори ва сифатига қараб, вақтбай ёки ишбай шаклларида иш ҳақи оладилар. Ўзбекистонда ягона тариф сеткаси (ЯТС) жорий қилинган бўлиб, бюджет қарамоғидаги муассасалари ходимлари ЯТС асосида меҳнат ҳақи оладилар. Нодавлат секторида фаолият юритувчи ходимларга меҳнат ҳақи ҳисоблашда ҳам ЯТСга асосланилади, лекин корxonанинг молиявий аҳволи яхши бўлса, ЯТСга нисбатан кўпроқ маош тўлаши ҳам мумкин. ЯТСда барча ишларга ҳақ тўлаш 0 дан 22 разрядгача бўлинган бўлиб, ҳар бир разрядга тегишли таъриф коэффициентни белгиланган. Вақтбай шаклида ойлик маош оладиган ходимларга иш ҳақи разрядига тўғри келадиган таъриф коэффициентни амалдаги минимал иш ҳақи миқдорига кўпайтириб топилади. Энг кам иш ҳақи миқдори (меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори) Республикамиз Президентининг фармони билан бир неча бор ошириб келинмоқда. Куйида энг кам иш ҳақининг кейинги

йилларда қанчалик оширилганлигини 2.1-жадвалда кўрайлик.

2.1-жадвал

Минимал иш ҳақи

Йил, ой, кун	Неча баравар оширилган	Энг кам иш ҳақи (сўм)
2005 йил 1 майдан	1,2	7 835
2005 йил 1 октябрдан	1,2	9 400
2006 йил 1 июлдан	1,2	10 800
2006 йил 1 ноябрдан	1,2	12 420
...
2010 йил 1 августдан	1,2	45 215
2010 йил 1 декабрдан	1,1	49 735
2011 йил 1 декабрдан	1,1	62 920
2012 йил 1 августдан	1,15	72 355
2012 йил 1 декабрдан	1,10	79 590
2013-йил 15 августдан	1,15	91530
2013-йил 15 декабрдан	1,05	96105
2014-йил 1 сентябрдан	1,12	107635
2014-йил 15 декабрдан	1,10	118400
2015-йил 1 сентябрдан	1,10	130240
2016-йил 1 октябрдан	1,15	149775
2017-йил 1 декабрдан	1,15	172240
2018-йил 15 июлдан	1,07	184300
2018-йил 1 ноябрдан	1,10	202730
2019-йил 1 августдан	1,10	223000
2020-йил 1 февралдан	1,07	238610
2020-йил 1 сентябрдан	1,10	262470

- ёшга доир энг кам нафақа миқдори – 513350 сўм;
- болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа миқдори – 513350 сўм;

• зарур меҳнат стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқораларга бериладиган нафақа миқдори – 315030 сўм.

2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кейинги йилларда энг кам иш ҳақи 7835 сўмдан (2005 йил, май) 262470 сўмгача (2020 йил, 1сентябрь) яъни 33 баравардан кўпроқга оширилган. Хўжалик юритувчи субъектлар ҳам ходимларининг меҳнат ҳақларини тегишли равишда ошириб борганлар. Ходимларга иш ҳақидан ташқари турли устамалар тўланади. Устама тўланадиган ҳолатларга қуйидагилар киради:

- чўл, тоғли ва сувсиз жойларда ишлаган ходимларга раён коэффиценти сифатида берилган устама;

- кечаси, меъёрдан ортиқча ёки байрам кунлари ишлаганларга устама

- иши доимо йўлда бўладиган алоқа, темирйўл, сув ва автомобил транспорти ходимларига;

- меҳнат қилиш шароити оғир ва зарарли бўлган жойларда ишлайдиган ходимларга;

- ишлари доимо ҳаракатда бўлган қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишларида ишлайдиган ходимларга;

- меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлиги учун унвони бор ходимларга ва шу кабилар.

Хўп давлат ҳам мунтазам равишда ишлаётган ходимларнинг иш ҳақини ошириб келаётган экан, яна иш ҳақини кўпайтириш имконияти борми? Бор! Бу аҳолининг ўзига боғлиқ. Ходимлар функционал вазифаларини яхши бажарса, жамоада фаол бўлса,

лавозими кўтарилади – бу разрядингиз ошди, ойлик маоши тегишли равишда оширилди дегани. Яхши, кўп йил ишлаганларга унвон беришади, қарабсизки иш ҳақиға кўшимча устама берилади.

Меҳнат ҳақининг оширилиши билан бир вақтда аҳоли даромадларидан ушлаб қолинадиган солиқлар ҳам пасайтирилаяпти. Натижада ходимлар солиқ ставкаларининг камайиши натижасида кўшимча даромад олмақда. Шу давргача аҳоли меҳнат ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқ ставкалари дифференсациялашган эди. Яъни қанча кўп меҳнат ҳақи олса солиқ ҳам кўпроқ ушланар эди.

2018 йил аҳоли меҳнат ҳақидан ушлаб қолинадиган даромад солиғи куйидагича эди: энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача солиқ ставкаси 7,5 %, беш бараваридан ўн бараваригача 16,5%, ўн бараваридан юқоридан 22,5% бўлган. Президент Ш. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепсияси тўғрисида”ги 2018 йил 29 июндаги фармониға асосан солиқ тизими соддалаштирилди.

2019 йилдан бошлаб аҳоли меҳнат ҳақидан ушланадиган солиқ ставкаси 12,0% қилиб белгиланди. Солиқдан ташқари иш ҳақидан Пенсия жамғармаси учун 8% мажбурий суғурта тўлови ушланар эди. Бу мажбурий суғурта тўлови 2019 йилдан бекор қилинди. Шундай қилиб, аҳолининг меҳнат ҳақи ҳажми оширилиши билан бир вақтда солиқ ушланмаси ҳам камайиб, меҳнат ҳақи бўйича оладиган даромади ҳам кўпаймоқда.

Тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлар аҳоли даромадларининг катта қисмини ташкил этади ва унинг барча даромадларидаги хиссаси йилдан-йилға ошиб бормоқда.

Ўзбекистон мустақилликга эришиб иқтисодиётда бозор муносабатларини танлади ва давлат мулкани хусусийлаштириш бошланди. Бунда дастлабки йилларда (1992-1993 йиллар) савдо, маиший хизмат соҳасидаги кичик корхоналар, кейинчалик эса (1994-1995 йиллар) енгил, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқ корхоналари хусусийлаштирилди. Хусусийлаштирилган объектлар турли (акционерлик жамияти, маъсулияти чекланган жамият, қўшма корхоналар ва шу кабилар) мулк шаклидаги кўринишга эга бўлиб, фаолият юрита бошлади. Бундан ташқари жуда кўп хусусий мулкга асосланган корхоналар фаолият юрита бошлади. Шундай қилиб, мулкдорлар синфи шаклланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» деб белгиланган. 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига иқтисодиёт барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 285,3 мингтани⁶ ташкил этаган бўлса уларнинг сони 2019 йил 1 январь ҳолатига 339,0 мингдан ошиб кетди. Улардан 90 % дан кўпроғи нодавлат мулкига асосланган субъектлардир. Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга катта аҳамият берилди, уларнинг фаол фаолият юритишлари учун солиқ тўловларидан имтиёзлар берилди. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 52% дан кўпроғини бермоқда. Саноатнинг турли тармоқларида айниқса озиқ-овқат, енгил, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи каби тармоқларда хусусий капиталга асосланиб фаолият юритаётган, ҳамда катта даромад олаётган

⁶ Dehqon va fermer xo'jaliklarsiz

субъектлар кўп, улар барча туман ва маҳаллаларда топилади.

Қишлоқ хўжалигида асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилди. Улар пахтадан, ғалладан, мева-сабзавотдан, чорвочилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил олиб, ўз даромадларини кўпайтирмоқда. Вақтли матбуотда, телевизорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, катта даромад олиб, унинг ўзидан ортган қисмини турли хайрия ишларига (йўл қурилиши, кўприк созлашга, маҳаллий мактабни таъмирлашга ва шу кабилар) сарфланаётганларни ёритишяпти.

Аҳолининг томорқада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экиб, мўл ҳосил олиб, катта даромад олганликлари тўғрисида ОАВда ёзишмоқда, телевидинияда маҳсус кўрсатувлар қилишмоқда. Бунинг тасдиғи учун Самарқанд вилоят газетаси “Зарафшон”да чоп этилган айрим мақолаларни келтирмоқчимиз.

2015 йил 15 май сони: Булунғурлик Уктам ака ўзининг дўппидек келадиган ерида (шундай ёзилган) помидор, булғор қалампири, каром кўчатлари етиштириб, уларни сотиб катта даромад олаган.

Пайариқ туман Ғаллакор маҳалласида яшовчи Файзиев Кучар томорқасида 10 тоннадан кўпроқ картошка ҳосили олди.

Жомбой туманида яшовчи Хотамов М. ўқитувчилик қилиш билан, ҳовлисига гилос, мевали дарахтлар кўчатлари етиштириб, уларни сотиб олган даромади ҳисобидан: янги иморат(уй) қурганлиги, машина сотиб олганлиги ёзилган.

2020 йил 22 апрел № 46 сони: “Ер хазина, калити – меҳнат” рукни остида бир неча мақолалар берилган бўлиб, туманларда томорқадан мўл ҳосил олиб, катта

даромад олаётганлар ёзилган. Пастдарғом туманидаги Аччи қишлоғилик пенсионер Бойсариева Яхшигул томорқасидаги 2 сотихли иссиқхонамиздан йилига 4 марта ҳосил олиб, рўзғордан ортганини бозорга сотиб, 10-15 миллион сўм даромад олган.

2020 йил 29 апрел № 48 сонли: Юқоридаги руқн остида бир нечта мақолалар чоп этилган. Шулардан “Толиб аканинг лимонлари оиласига даромад келтираяпти” мақолада Кумушкентлик Толиб ака Тиркашев томорқасига 2 сотихли иссиқхона куриб, лимон етиштириб 1 тоннадан зиёд лимон ҳосили олиб, 8 миллион сўмдан кўпроқ фойда олган.

2020 йил 6 май № 50: Бу газетада ҳам “Ер хазина, калитли – меҳнат” руқни берилган бўлиб, бир неча мақолада томорқадан мўл ҳосил олиб, катта даромад топаётган ёзилган. Хусусан Қўшработлик У. Бегматов Томорқадаги 10 сотих узумзордан майиз етиштириб 100 миллион сўмдан кам бўлмаган даромад олган.

2020 йил 13 июн № 64: “Миллионер отахонлар” номидаги мақолада Каттақўрғон туман Қирғиз маҳалласи аҳолисининг кўплиги деҳқончилик билан шуғулланиши. Маҳалладаги икки отахон Сирожиддин Саидахмедов ва Иззатилла Ҳосилов девор қўшни бўлиб, бириси асаларичилик билан, иккинчиси эса томорқасидаги 9 сотих ерга деҳқончилик қилиб 20 миллион сўмгача даромад олиши ёзилган. Сирожиддин Саидахмедов асаларичилиқдан йилига 100 миллион сўм даромад олади.

Томорқалардан самарали фойдаланиб, катта даромад олишда Фарғона вилояти аҳолисига тенг келиб бўлмайди. Улар томарқадан 3-4 марта қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириб, ҳосилидан катта даромад оладилар. Ердан самарали фойдаланиш учун тажрибали

уста деҳқонлар билан, мутахассислар ҳамкорлигида мўл ҳосил етиштириш бўйича қўлланмалар таёрланиб, кўп нусхада чоп этилиб, аҳолига етказилиши лозим. Шу билан бир вақтда томорқада ишлатиш учун кичик – мини техникаларни кўпайтириб, уларнинг паркени ташкил этиш зарур. Томорқа эгалари улар зарур пайтида ҳақ тўлаш йўли билан (турли усулларда) фойдаланиши мумкин бўлади. Худудларда томорқада етиштирилган маҳсулотларни сақлайдиган, сотиб оладиган (сотиб борадиган) ташкилотлар бўлиши фойдали. Умуман олганда, худудларда томорқада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи оилаларга (аҳолига) турли хизмат кўрсатувчи (сара уруғ танлашда, ўғитларни ишлатишда, зараркундаларга қарши курашишда, технологияларни қўллашда ва шу кабилар) ташкилот тузилса яхши бўлади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга Давлатимиз катта аҳамият бериб келмоқда. Уни ривожлантиришда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги «Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. 2018 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Қарори билан “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури қабул қилинди. 2019 йил 7 мартда эса “Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилинди. “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастури ижросини таъминлаш, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ишлари таҳлиliga бағишланган йиғилишида тижорат банклари томонидан ушбу мақсад учун 6 триллион 200 миллиард сўм маблағ

ажратилганлиги Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан таъкидланди. Оилавий тадбиркорликда нафақат ушбу оиланинг даромади кўпайиб, турмуши фаровон бўлади, балки янги иш ўринлари яратилади.

Мамлакатимизда хунармандчилик ҳам кенг ривожланган. Ота-боболарининг хунарини давом эттириб, мамлакатда шуҳрат қозонган хунармандчилик минтақалари мавжуд, буларга Риштон кулолсозлари, Бухоро – зардўзчилари, Марғилон – атласчилари, Чуст – пичоқсозлари, Қўқон – Чуст – дуппи тикувчилари ва шу қабиларни келтириш мумкин. Демак, хунар турлари кўп экан. Уларга тикувчилар, заргарлар, мисгарлар, сандиқсозлар, сўзана, тўн ва дўппи тикувчилар, нон ва ширинликлар пиширувчилар, этикдўзлар, махсидўзлар ва шу каби юзлаб турдаги хунарлар билан шуғулланувчилар киради. Хунармандлар ўз навбатида ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни сотиб даромадларга эга бўладилар.

Аҳолининг даромад олиш турлари ва манбалари кўп бўлиб, улардан бири мулкни ижарага беришдир. Мулкни ижарага бериш ва даромад олиш (ижара ҳақи сифатида) қонуний бўлиб, ўзаро ижара шартномаси тузиш билан амалга оширилади. Мулкни ижарага беришда турар жойларни, транспорт воситаларини, асбоб-ускуналарни, идиш-тавоқларни, мебелларни ва шу қабиларни ижарага бериб, даромад олиш ривожланган. Ҳозирги пайтда жуда кўп жойларда касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, йирик шаҳарларда олий ўқув юртлари мавжуд. Бундай таълим масканларида ўқийдиган ўқувчи ва талабаларга талабалар турар жойлари (ётоқхона) етишмаслиги мумкин. Шу сабабими ёки бошқа сабабларга кўра кўпчилик ўқувчи-талабалар шахсий турар жойларда туришади. Шаҳарларда вақтинча турар-жойсиз бўлган, ишга

келганлар, ёш оилалар, турли синовлар ва йиғилишларга келганлар, туристлар бўлиб, улар ҳам турар-жойдан фойдаланадилар. Умуман жойларни ижарага бериш турлари кўп бўлиб, савдо-сотик қилиш учун, омборхона сифатида ёки бирор маҳсулотларни ишлаб-чиқариш, хизмат кўрсатиш бўйича ижарага (дорихона учун, саргарошхона учун, нон тайёрлаш учун ва шу кабилар) олган бўлиши мумкин. Фойдаланмай турган мулкни ижарага бериш мумкин ва ижара ҳақи сифатида даромад олади. Бозор муносабатлари шароитида акциядорлар жамиятидаги фаолият юритувчи субъектлар кўпайди. Булар халқ хўжалигининг барча тармоқларида мавжуд. Тижорат банклари, йирик ишлаб чиқариш жамиятлари қимматбаҳо қоғозлар чиқариб, уларни сотади. Фаолиятидан олган даромадларининг бир қисмини, йил якунлари асосида дивиденд, фоиз сифатида қимматбаҳо қоғоз эгаларига (сотиб олганларга) тақсимлайди. Қимматбаҳо қоғозларга дивиденд ёки фоиз тўланиши «Биржа», «Менинг мулким» газеталарида эълон қилинади.

Демак, маблағни молиявий бакувват, фаолияти яхши бораётган акционер жамиятларининг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга сарфлаш лозим. Бу қимматбаҳо қоғозларга бошқа харажатлар бўлмайди, фақат Сизга даромад келтиради. Аслида бозор иқтисодиётининг моҳияти шу – Сизнинг маблағингиз (капиталингиз) тинч-бекор турмасдан, ундан фойдаланиб, даромад олиш лозимдир.

Тадбиркорлик фаолиятидан даромад олиш ва уни кўпайтириш йўллари кўп. Энг аввало бўш пул маблағларингиз бўлса, маслахатлашиб, имконияти мавжуд бўлган бирор тадбиркорлик фаолиятини бошланг. Маблағингиз кам, лекин тадбиркорликнинг

бирор турини юритиш учун имконият бўлса, бошқа маблағи борлар билан шерикчилик қилинг, тижорат банкларидан кредитлар олинг. Ҳозирги пайтда тўланадиган фоиз ставкаси жуда паст бўлган имтиёзли кредит турлари кўп.

Даромадларни кўпайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Машиналар телевизорлар ва бошқа маиший техниканинг оила хизматларига кўпроқ кириб келиши, уларга хизмат кўрсатишни ҳам ташкиллаштиришни (айниқса қишлоқ жойларда) талаб қилмоқда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликга маблағ сарфлаб, даромад олиш айнақса хизмат кўрсатиш соҳасида, ўзининг қулайликларига эга.

Биринчидан, хизмат кўрсатишнинг бирор соҳасида (машиналарни таъмирлаш, телевизорларни таъмирлаш, сартарошхона, пояфзалларни таъмирлаш каби хизматлар) фаолият юритиш учун катта маблағнинг зарурияти йўқ;

Иккинчидан, хизмат кўрсатишнинг жуда кўп соҳаларида харидор аниқ бўлади, демак талаб ва таклифни ўрганиш учун маркетинг фаолиятининг зарурияти йўқ;

Учинчидан, хизмат кўрсатишда уни бажариш учун яъни маҳсулотни (хизматни) тайёрлаб, харидорга сотиш учун кўп вақт талаб қилинмайди.

Шунинг учун ҳам хизмат турларини кўпайтириш, айнақса, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолиятини кенгайтириш зарур. Ҳозирги пайтда биноларни, турли хил техникаларни (мотор, станок, машиналарни) маиший буюмларни (кир ювгич, музлатгич, чанг ютгич) мебелларни таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатувчилар жуда кам.

Даромадаларни кўлайтиришнинг йўлларида яна бири – тижорат банкларига омонатга бўш пул маблағларини қўйишдир. Тижорат банкларининг молиявий ҳолати йилдан – йилга яхшиланиб бормоқда. Ўзбекистонда 30 дан кўпроқ тижорат банклари фаолият юритаётган бўлса, шулардан 23 таси халқаро рейтинг агентликлари томонидан “барқарор” рейтинг даражасини олган.

Тижорат банкларининг вилоятлар ва туманларда бўлимлари, филиаллари ва жуда кўп мини банклари мавжуддир. Улар аҳолидан 3 хил шаклдаги: “Талаб қилиб олгунча”, “Муддатли” ва “Жамғармали” омонатларни депозитларга қабул қиладилар.

“Талаб қилиб олганча” депозити – омонатчи-мижоз бу қўйилган маблағларни хоҳлаган пайтда олиши ёки ишлатиши мумкин. Шунинг учун ҳам омонатчига тижорат банки жуда кам (паст) фоиз даромад тўлайди.

“Муддатли” ва “Жамғармали” депозитларга омонатлар маълум муддатларга қўйилади. Бу муддат ичида омонатчи бу маблағга тегинмайди, тижорат банки эса ундан бемалол фойдаланади. Шунинг учун ҳам ушбу шаклдаги депозитларга юқори фоизда даромад тўлайдилар. Тижорат банклари “Муддатли” ва “Жамғармали” депозитларни аҳолига турли номлар билан қўйишни таклиф этадилар.

Сизда вақтинчалик ортиқча маблағ бўлса банкга қўйсангиз, ҳеч қандай харажатсиз қўшимча даромадга эга бўлиб турибсиз. Бундан ташқари тижорат банкларига омонат қўйганларга имтиёзлар берилган бўлиб, олган даромадингиздан солиқ ҳам тўламайсиз. Агарда Сиз 2 000 000 сўм пулингизни 1 йилга юқоридаги юқори фоизли омонатга қўйсангиз, қўшимча 400 000 сўмдан кўпроқ даромад олиб турибсиз. Тижорат банкларига

кагта суммадаги пуллари юкори фоизли омонатга кўйиб, ҳар ойдаги фоиз суммасини олиб рўзгорини тебратаётган оилалар ҳам бор. Демак тижорат банклари, уларнинг жойлардаги бўлимлари, филиаллари, минибанклари кўп бўлиб, ўзингизга маъқул бўлганига юкори фоизли омонатга бўш маблағингизни кўйинг. Кўшимча даромад соҳиби бўласиз.

Булардан ташқари Давлат томонидан бериладиган турли ёрдамлар ҳам аҳоли даромадидир. Ҳозирги пайтда эркаклар 60 ёшга аёллар 55 ёшга етса пенсияга чиқадилар. Пенсия миқдори ўртача иш ҳақи ва иш стажига боғлиқ. Олий ўқув юрти талабалари стипендия оладилар. Стипендия миқдори талабанинг фанлардан ўзлаштиришига ва жамоадаги фаоллигига боғлиқ.

Мамлакатимизда аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тамойилига асосланиб, ногиронларга, боласи 2 ёшгача бўлган оналарга, иқтисодий ночор (кам таъминланган) оилаларга нафақалар белгиланган.

Жумладан, ижтимоий нафақалар болали оилаларга, агарда ҳар бир оила аъзоларига ўртача ойлик жами даромад миқдори ушбу давр учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 52.7 фоизидан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади.

Бунда қуйидагилар устунлик ҳуқуқига эга:

- Ота – онасини йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шуғулланган оилалар;
- Ота – оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар;
- 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларини тарбиялаётган бева аёллар;
- Ногирон боласи бўлган оилалар.

Бу нафақалар асосан «Маҳалла»да ташкил қилинган комиссия қарори асосида берилади.

Даромадларнинг яна бир тури тўғрисида ёзиш керакдир. Бу оиладаги кераксиз бўлган эски буюмларни сотиш («ёввойи» тарзда амалда бор). Шаҳарнинг катта кўчалари ёнида, бозорда эски буюмларни аҳоли «махсус савдогарлар» сотишади. Албатта кўпгина оилалар даромадлари кўпайганлиги сабабли янги мебел, телевизор, кир ювиш машиналар, устки кийим-бошлар олишади. Эскисини нима қилиш керак? Ҳали улардан фойдаланса бўлади. Шунинг учун ҳам бундай эски нарсаларни сотиш билан шуғулланувчи қонуний воситачилар зарур. Буни қанчалик ташкилий жиҳатдан тезлаштириб, ташкил этилса, барча томонга: сотувчи, харидор, давлат ва воситачиларга ҳам фойдали бўлар эди.

Аҳолининг умумий даромадлари 2018 йилда 29.3%га, реал даромадлари 10,0%га ўсди. Мамлакатимиз аҳолиси даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётганлиги ижобий ҳисобланади. 2014 йилда тадбиркорликдан олинган даромад аҳоли умумий даромадининг 51 %ни ташкил этди ва унинг ҳиссаси йилдан –йилга ўсиб бормоқда. Бу мамлакатимизда тадбиркорликка, хусусий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятларига яратилиб берилаётган кенг имкониятлар натижасидир (2.1-чизма).

Аҳолининг даромадлари ва жамиятдаги тутган ўрнига қараб, уларни турли гуруҳларга бўлиш мумкин. Иқтисодий адабиётларда аҳолининг даромадларига қараб қуйидагича гуруҳлаш жуда кўп учрайди:

- Ўта бойлар;
- Бойлар;
- Ўрта ҳоллар;
- Камбағаллар;


- Қашоқлар.

Россиялик олима Г.С. Шерстнева аҳолини юқоридаги кўрсаткичлари бўйича 6 гуруҳга ажратган.

1. Юқори қатлам – буларга сиёсий, иқтисодий элиталар киради;

2. Юқори ўрта қатлам – буларга катта маблағларга эга тадбиркорлар киради;

3. Ўрта қатлам – буларга кичик тадбиркорлар, ишчилар, хизматчилар киради.



2.1-расм. Аҳоли даромадлари манбалари

4. Асосий қатлам – оммавий интеллигенция, кичик ишчи ходимлар, деҳқонлар киради.

5. Пастки қатлам – мутахассис бўлмаган ишчилар, ишсизлар, нафақахўрлар киради;

6. Ижтимоий қашшоқлар – ишсизлар, уй-жойсизлар, қамокдан чиққанлар киради.

Албатта аҳолини даромадлари бўйича гуруҳлаганда ривожланган давлатдаги аҳоли билан иқтисодий қалоқ мамлакатлар аҳолисини таққослаб бўлмайди. Иқтисоди қалоқ мамлакатдаги бой киши ривожланган мамлакат аҳолиси билан таққаслаганда, ўрта ҳоллар гуруҳига тушиб қолиши мумкин.

Microsoft асосчиси Билл Гейтс, Амазон компанияси раҳбари Ажеф Безос, Facebook асосчиси – Марк Цукерберг, Зара асосчиси – Амонсио Ортега, Бломберг компанияси раҳбари – Майкл Блумберг бойликлари бир неча млрд. доллардан кўпдир. Шу ерда ўзбек миллатига мансуб (Россияда яшайди) миллиардер Алишер Усмонов тўғрисида ёзиш лозимдир. Ўзбекистон аҳолисига коронавирус натижасида ишсиз қолганларга ва Сардоба сув омбори дамбаси ўпирилиб, сув тошқини натижасида жабр кўрганларга маблағидан бир неча миллион долларлик ёрдам кўрсатди. Бу олийжаноблик, мардлик, инсонпарварликдир.

Статистика органларида аҳоли даромадлари иккита катта гуруҳга ажратилади. Аҳолининг бирламчи даромадлари ва трансфертлардан олган даромадлари. Аҳолининг бирламчи даромадларига ёлланма ишчи сифатида олган меҳнат ҳақи, тадбиркорликдан олган даромадлари, хунармандчиликдан олган аралаш даромадлари, мол – мулкдан олган ва бошқа бирламчи даромадлари киради.

Трансфертлардан олган даромадларига нафақалар, ногиронлиги учун, кам таъминланганлиги учун бериладиган нафақалар, ҳамда турли хайриялар асосида берилган қийматликлар киради.

2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики даромадлари таркибида аҳолининг бирламчи даромадлар

2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг умумий даромадлари таркиби

% да

№	Кўрсаткич-лар номи	2013 й.	2014 й.	2015 й.*	2016 й.	2017 й.	2018 й.
	Умумий даромадлар - жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
	Шу жумладан:						
	Бирламчи даромадлар	73,0	75,6	83,1	84,0	79,1	76,1
	Шундан:						
1.	Ишлаб чиқаришдан олинган даромадлар	70,3	73,2	80,8	80,9	75,8	73,0
2.	Мол-мулкдан олинган даромадлар	2,8	2,4	2,3	3,1	3,4	3,4
	Трансфертлардан даромадлар	27,0	24,4	16,9	16,0	20,9	23,9

* - аниқлик киритилган маълумотлар

хиссаси ортиб бermoқда. Аҳоли бирламчи даромадлари барча даромадларининг 2013 йилда 73,0 фоизини ташкил

этса, 2018 йилга келиб 76,1 фоизга етган. Трансферлардан олинган даромадлар ҳиссаси эса 2013 йилдаги 27,0 фоиздан 2018 йил 23,9 фоизгача камайган. Бу аҳоли ўртасида кам таъминланган оилаларнинг ва бошқа бюджетдан нафақа олувчилар ҳиссаси камайиб бераётганлигини билдиради.

Аҳоли жон бошига умумий даромадлари 2018 йилга 8580,0 минг сўми ташкил этиб, 2013 йилга нисбатан 2,5 баробар (2013 йилда – 3361,5 минг сўм) кўпайган бўлса, ҳудудлар бўйича ўрганганимизда, аҳоли жон бошига даромадлар ҳудудлар бўйича фарқ қилишини ва ушбу даврда ҳар хил даражада кўпайганлигини кўрамиз (2.3-жадвалда кўрсатилган).

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, саноати ривожланган ҳудудларда аҳоли жон бошида тўғри келадиган даромадлар анча юқори. Бу борада 2018 йилда Тошкент шаҳар аҳолиси жон бошига 15927,1 минг, Навоий вилояти аҳолиси жон бошига 13375,6 минг сўм, Бухоро вилояти аҳоли жон бошига 10848,4 минг сўм тўғри келган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси жон бошига 6451,8 минг сўм, Наманган вилояти аҳолиси жон бошига эса 6582,1 минг сўм тўғри келади.

2013 йилдан 2018 ийилгача ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига даромадлар ҳам турлича кўпайган. Бунда Жиззах вилояти аҳолисининг жон бошига даромадлари 326,3 фоизга, Самарқанд вилояти аҳолиси даромадлари 293,6 фоизга ошган бўлса, Сирдарё вилояти аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромад 215,4 фоизга, Фарғона вилояти аҳолисиники 235,4 фоизга кўпайган. Энг қувонарлиси шундаки, мамлакатимиз барча ҳудудларида аҳолиси жон бошига тўғри келадиган даромад ушбу даврда камида 2 баробар кўпайган.

2.3-жадвал

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига умумий даромадлари

(минг сўм)

Вилоятлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилни 2013 йилга нисбатан %
Ўзбекистон Республикаси	3361,5	3832,8	5070,5	5810,0	6817,6	8580,0	255,2
Қорақалпоғис- тон Республикаси	2440,0	2833,2	3617,5	4077,4	4889,3	6451,8	264,3
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	3217,8	3684,1	4699,4	5471,5	6571,5	8174,5	254,0
Бухоро	4115,8	4651,5	6140,5	7020,7	8437,7	10848,4	263,3
Жиззах	2438,1	2862,1	4512,2	5134,2	6098,0	7955,5	326,3
Қашқадарё	2866,6	3241,5	4389,5	5171,5	6031,6	7384,8	257,6
Навоий	5438,5	6291,6	8355,5	9342,1	10682,7	13375,6	246,0
Наманган	2434,2	2811,4	3896,2	4483,2	5369,2	6582,1	270,4
Самарқанд	2935,9	3311,0	4410,1	5257,4	6137,3	7678,2	293,6
Сурхондарё	2713,2	3102,2	4349,4	4820,1	5536,0	7244,2	267,0
Сирдарё	3577,0	4045,1	5433,9	6342,3	6338,4	7706,0	215,4
Тошкент	3515,2	4087,4	5819,4	6342,4	7189,0	8928,4	254,0
Фарғона	2903,7	3285,1	4332,5	4763,8	5362,0	6836,0	235,4
Хоразм	3213,9	3619,0	4804,6	5517,4	6900,2	9094,4	283,0
Тошкент шаҳри	6678,9	7599,0	8924,9	10631,5	12937,7	15927,1	238,5

* - аниқлик киритилган маълумотлар

2.3. Аҳоли харажатлари статистикаси

Аҳоли харажатлари ҳам турли хил бўлади. Уларнинг энг асосийлари истеъмол товарлари сотиб олиш учун ишлатилади. Бундан ташқари, турли хил хизматлар учун тўловлар, мажбурий ва ихтиёрий тўловлар, уй жойларни сотиб олиш ва сақлаш харажатлари. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари асосан турли оилаларнинг бюджетини махсус танлама кузатиш натижасида олинади. Минтақалар бўйича аҳолининг пул даромадлари ва харажатлари баланси тузилади. Аҳолининг хизматлар учун тўловларига транспорт, газ, свет, сув ва бошқа коммунал-маиший хизматларига тўланадиган тўловлар киради. Бундай харажатлар истеъмол товарлари учун қилинадиган харажатларидан кейин иккинчи ўринда туради. Мажбурий тўловларига аҳоли тўлайдиган турли хил солиқлар, ихтиёрий тўловларга суғурта ва бошқа тўловлар киради. Аҳолининг уй-жой сотиб олиш ва уларни сақлаш харажатлари ҳар бир кишига тўғри келадиган, уй жой ҳар бир оилага тўғри келадиган уй-жой майдони метр квадрат билан ҳисобланади. Маълумотларга қараганда Республика аҳолисининг ўрғача харажатлари 47,0% озиқ-овқат маҳсулотларига, 32,0 % эса ноозиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келади.

2.4-жадвал малумоларидан кўришиб турибдики, аҳоли харажатларининг катга қисмини истеъмол харажатларини ташкил этади. Агарда 1990 йилда аҳоли харажатларининг 81 %ни истеъмол харажатлари, 11,8 %ни пул омонатлари ва жамғармалари ташкил қилган бўлса, 2018- йилга келиб истеъмол харажатларининг ҳиссаси 84,6% ни, пул омонатлари ва жамғармалари

**Ўзбекистон Республикасида аҳоли ялли
харажатларининг таркиби, фоизда**

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2015 йил	2018 йил
1. Жами харажатлар таркиби	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан:					
истеъмол харажатлари	81,1	84,3	78,4		
Истеъмолдан ташқари харажатлар (солиқлар, аъзолик бадаллари ва бошқа мажбурий тўловлар)	7,1	6,9	6,2	79,6	84,6
пул омонатлари ва жамғармалар	11,8	8,8	15,4	20,4	15,4
2. Жами истеъмол харажатлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:					
озиқ-овқат маҳсулотлари учун	58,3	59,8	49,8	47,6	48,0
ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун	31,5	26,8	33,7	32,0	31,9
хизматлар учун тўловлар	10,2	13,4	16,5	20,4	20,1

ҳиссаси деярли 15,4 % ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар аҳоли харажатларининг мутлоқ суммадаги ҳажми ошиб

бориши билан бир вақтда, уларнинг даромадлари харажатларидан ортиб қолаётганлигини ва натижада даромадларининг кўпроқ қисмини банкларга қўшимча даромадлар олиш мақсадида омонатларга қуяётганлигини ифодалайди.

2.4. Аҳолининг товарлар ва хизматлар истеъмоли харажатлари

Истеъмол ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий кўрсаткичдир. Иқтисодий кўрсаткич дейишимизга асос, истеъмол такрор ишлаб чиқаришнинг охириги бўғинидир. Истеъмол бир томондан ишлаб чиқариш ва тақсимлаш, иккинчи томондан аҳоли даромадига боғлиқдир.

Истеъмол кўрсаткичини, ижтимоий дейишимизга асос истеъмол ҳаётни такрорланиши учун энг зарурий шартдир. Жамият аъзоларининг моддий ва маънавий ихтиёжи истеъмол натижасида қондирилади.

Миллий даромад истеъмол ва жамғаришга сарфланади. Миллий даромаднинг истеъмол қисми: уй хўжалигининг (аҳолининг) пировард истеъмоли; давлат муассасаларининг пировард истеъмоли (маъориф, маданият, соғлиқни сақлаш интернат) ва уй хўжалигига хизмат қилувчи ташкилотларининг пировард истеъмолидан ташкил топади. (Касаба уюшма, диний ташкилотлар, сиёсий партия турли фондларнинг аҳолига харажатлари).

Уй хўжалигининг пировард истеъмолига товарлар сотиб олиш ва хизматлар ҳақини тўлаш учун кетган харажатлар: озиқ-овқат, кийим-кечак сотиб олиш; уй-жой, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш; транспорт, кино-театр, алоқа хизматлари ҳақи; мажбурий ва кўнгилли тўловлар: солиқлар, ижтимоий суғурта

жамғармасига, касаба уюшма бадали: тиббий хизматлар киради.

Аҳоли истеъмолига натура шаклида берилган истеъмол маҳсулотлари, ўз томарқа хўжалигида етиштириб, истеъмол қилинган маҳсулотлар ҳам киритилади.

Уй хўжалиги харажатлари тўғрисидаги маълумотлар уч хил манбалар орқали олинади.

1. Махсус оила бюджетини танлаб кузатиш натижасида.

2. Аҳолининг даромадлари ва харажатлари балансини тузиш орқали.

3. Махсус ҳисоб-китоблар бўйича.

Махсус танлаб кузатиш йўли билан ва сотилган маҳсулотлар ҳажми асосида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг аҳоли томонидан истеъмол миқдорини аҳолининг ўртача сонига бўлиб, жон бошига тўғри келган истеъмол миқдори аниқланади. Махсус илмий муассасалар томонидан аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларини бир йилда истеъмол қилиш миқдорининг физиологик меъёрлари ҳисобланган. Аҳолининг ҳақиқий истеъмоли бу меъёрлар билан таққосланиб ўрганилади.

Инсон энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиб, ўзининг физиологик эҳтиёжини қондиради. Инсон эҳтиёжларини турли тоифага мансуб минглаб аҳоли орқали ўрганган олим Маслоу инсоннинг биринчи навбатда қорни тўқ бўлиши лозим, деган хулоса келган. Олимлар инсонларнинг ўз кучларини тиклаши учун барча зарур бўлган элементларини етарли даражада таъминлайдиган озиқ-овқат товарлари истеъмолининг меъёрларини ҳисоблаб чиққан.

Статистик маълумотларга қараганда, республика

аҳолиси нон ва нон маҳсулотларини, ўсимлик ёғи каби маҳсулотларни белгиланган меъёрлардан кўп истеъмол қилар экан, лекин улар истеъмолини динамик ўрганиш камайиш тенденциясини кўрсатаётган бўлса, ҳам. Шу билан бир вақтда аҳоли сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, меваларни, айниқса балиқ ва балиқ маҳсулотларини белгиланган меъёрлардан анча кам истеъмол қилар экан.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини статистик ўрганиш, шундай маҳсулотларнинг Республикада ишлаб чиқариш миқдорининг ўзгариши билан биргаликда олиб борилади. Маълумки, ҳукуматимизнинг аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан мустақил таъминлаш мақсадида қилаётган ҳаракатлари натижасида (экиладиган ер майдонини кўпайтириш, навларини яхшилаш билан ҳосилдорликни ва сифатни ошириш) буғдой етиштириш кўпаймоқда.

Аҳоли даромадлари кўпайган сари сифатли ва қимматлироқ озиқ-овқат маҳсулотларини харид қила бошлайди. Ўзбекистон аҳоли сони 1991-2018 йилларда 19,2 %га кўпайиб, ҳозир 34 миллион кишидан ошиб кетди, лекин аҳоли сонига нисбатан аҳоли даромадлари юқори суръатлар билан кўпайганлиги сабабли, уларнинг гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, мевалар истеъмолига қилган харажатлари кўпайиб бормоқда.

2.5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳолининг жон бошига ўртача истеъмолида гўшт ва гўшт маҳсулотлари 2018 йилда 43,0 кг бўлиб, 1990 йилги 31 килограмдан 38 % кўпдир. Худди шундай ушбу йилларда аҳоли жон бошига сут маҳсулотлари истеъмоли бўйича 148,6 %га тухум – 223,7 %га сабзаёт ва полиз экинлари маҳсулотлари – 259,8 %га кўпайган. Шу билан бир

**Ўзбекистон Республикасида асосий озиқ-овқат
маҳсулотларининг истеъмол қилиниши (аҳоли жон
бошига, килограмм ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	Йиллар					2018 йилда 1990 йилга нисбатан фоизда
	1990	2000	2010	2016	2018	
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	160	167	177	104,1
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	38	44,5	43	138,7
Сут маҳсулотлари	183	162	239	279,6	272	148,6
Тухум (дона)	97	47	138	214	217	223,7
Сабзавот ва полиэ экинлари	107	128	238	277,2	278	259,8
Картошка	29	36	45	56,4	56	193,1
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	12	12	13	24	24	200
Шакар	12	16	17	18	32	266,7

вақтда нон ва нон маҳсулотлари истеъмоли 1990 йилги 170 кг дан, 2018 йилга келиб 177 кг гача кўпайган.

Аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг кўпайишида қишлоқ хўжалигининг ривожланишининг муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига катта эътибор

берилиб фермерлик фаолиятини ривожлантириш учун давлат томонидан катта имтиёзлар берилди. Фермер хўжаликларига ер майдонлари 50 йил муддатга ижарага берилди. Улар янги техника ва технологиялар билан таъминлаш учун банклардан имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг йўлга қўйилди. Ғалла майдонлари кенгайтирилди. Ерларнинг мелоратив ҳолатини яхшилаш уларнинг унумдорлигини ошириш бўйича бюджетдан маблағлар ажратилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг янги тезпишар, ҳосилдор навлари яратилди. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш кўпайди.

2.6-жадвал

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг асосий турларини етиштириш динамикаси

Маҳсулот турлари.	Ўлчов бирлиги	1990	2000	2010	2018	2018 йил 1990 йилга нисбатан, %
Дон	минг тн.	2038,2	4101,4	7504,3	8173,5	320,6
Каргошка	минг тн.	336,4	731,1	1694,8	2696,9	865,6
Сабзавот	минг тн.	2842,5	2644,7	6346,5	10129,3	343,4
Полиз экинлари	минг тн.	1000,0	451,4	1182,4	1853,6	183,7
Мева	минг тн.	660,4	790,9	1710,3	27461,1	409,8
Узум	минг тн.	744,7	624,2	987,3	1579,3	213,5
Гўшт (тирик вазнда)	минг тн.	789,1	841,8	1461,4	2033,4	308,0
Сут	минг тн.	3034,2	3632,5	6169,0	9027,8	344,9
Тухум	минг тн.	1231,8	1254,4	3061,2	5534,4	605,6

2.6-жадвал малумотларидан кўришиб турибдики, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш барча турлари бўйича

камида 1,8 баробардан кўпроқ кўпайган. Айниқса дон экин майдоннинг кўпайиши ва ҳосилдорлигининг ортиши натижасида дон маҳсулотлари етиштириш 2018 йилда 1990 йилга нисбатан 3,2 баробарга кўпайган. Шунингдек, ушбу даврда картошка етиштириш 8,6 баробарга, мева ва сабзавот етиштириш 3,5 баробардан кўпроқга, тухум тайёрлаш 6,0 баробарга, гўшт ва сут тайёрлаш эса қарийиб 3 баробарга кўпайган. 2018 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил олинган бўлиб, 6 миллион 500 минг тонна ғалла, 3 миллион тоннага яқин картошка, 9,7 миллион тоннадан ортик сабзавот ва полиз маҳсулотлари тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида “...иқтисодиётимиз ривожини, аҳоли бандлигини ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққиёт эттириш зарур”лигини таъкидладилар. Шу билан бирга мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилдик, ипакчилик каби тармоқларда замонавий кластерларни ташкил этиш ишлари давом эттирилади.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли билан бир вақтда, ноозиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ҳам ўрганилади. Айниқса, бунда аҳолининг маданий – маиший эҳтиёжини қондирадиган товарлар миқдори кўпайиб борса, турмуш тарзининг яхшиланиб бораётганлигини билдиради. Шунинг учун ҳар бир оилага ёки 1000 киши ҳисобига тўғри келадиган телевизорлар, музлаткичлар, енгил машиналар, кир ювуш машиналари каби товарларнинг тўғри келиши аниқланади. Бу кўрсаткичнинг ўзгариши аҳолининг турмуш даражасини ифодалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти бир томонлама, фақат пахта хом ашёсини қисман қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, халқ эҳтиёжи учун тайёр маҳсулотларнинг кўп қисми четдан келтирилар эди. Ўша даврда Ўзбекистонда истеъмол қилинаётган кийим-кечакларнинг 25 % , трикотаж буюмлари ва ип газламанинг 30 %дан кўпроғи, пояфзалнинг деярли 50 % четдан келтирилар эди.¹

Шунинг учун ҳам Ҳукуматимиз ўз фаолияти бошиданок республикамизнинг халқ истеъмоли моллари бўйича бундай қарамлигини тугатиш учун шароитларни яратишга катта эътибор қаратди. Натижада Ўзбекистон мустақиллик йилларида (1990-2016 йиллар) енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4,6 марта кўпайди. Ҳозирги пайтда тўқимачилик саноати корхоналари сони 2200 тадан кўпроқ бўлиб, улар замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган. Фақат Хорозм вилоятида замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган 458 та енгил саноат корхоналари 2012 йилда 325 миллиард сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаган. Бу маҳсулотларнинг катта қисми “Урганч бахмал”, “Хоразм ипаги”, “Коботекс”, “Даритал текстил” каби корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Шавот туманида “Узтех Шовот” қўшма корхонасига 33 миллион АҚШ доллари сарфланиб 2012 йилда ишга туширилган ва бу корхона йилига 5000 тонна сифатли калава ипи тайёрлайди.

Республикамиз иқтисодиётининг ривожланиши натижасида енгил саноат маҳсулотларининг аҳоли жон бошига истеъмол қилиниши йилдан-йилга ортиб бормоқда (2.7-жадвал)

2.7-жадвал

**Аҳолининг узок муддатли фойдаланиладиган
товарлар билан таъминланиши
(ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган товарлар сони)**

Кўрсаткичлар	1991	2001	2010	2011	2011 йил 1990 йилга нисбата н%
Матолар, жами (метр) Шу жумладан	7.1	5.6	9.7	10.0	140.8
Пахта толасидан тайёрланган газламалар (метр)	2.2	2.2	2.9	3.0	136.4
Жундан тайёрланган газламалар (метр)	0.3	0.3	0.7	0.8	266.7
Зигир толасидан тайёрланган маторлар (метр)	1.8	.2	4.6	4.7	261.0
Аралаш матолар (метр)	0.7	-	1.5	1.5	214.3
Устки кийимбоп трикотаж (дона)	0.6	1.1	2.5	2.6	433.3
Ички кийимбоп трикотаж (дона)	0.9	1.6	3.5	3.6	400.0
Чарм пояфзал (жуфт)	1.6	3.2	3.4	3.5	218.7
Пайпоқ маҳсулотлари (жуфт)	3.7	6.0	6.7	6.7	181.1

2.7-жадвал маълумотлари аҳолининг енгил саноат маҳсулотлари истеъмоли мустақиллик йиллари давомида 1.5 баробардан зиёд кўпайганлигини кўрсатиб турибди. Айниқса ички ва устки кийимбоп трикотаж товарларини истеъмол қилиш ушбу даврда тўрт баробардан кўпроққа ошган.

Ўзбекистон саноати мустақиллик йилларида мутлақо янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бундай маҳсулотларга рақамли телевизорлар, мобил телефонлар, ДВД плеерлар, компьютерлар, электрон техникалар, автомашиналарни киритиш мумкин.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноати аҳолининг сифатли мебел, гилам маҳсулотлари, енгил афтомобилларга бўлган еҳтиёжини тўлиқ таъминлаб уларни четга экспорт ҳам қилмоқда. Мамлакатимизда телевизорлар, музлаткичлар, кондиционерлар ва шу каби товарлар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан – йилга ошиб бормоқда. Шу билан бир вақтда аҳоли даромадларининг ошиб бориши уларнинг узоқ муддат ишлатиладиган маданий – маиший товарларни кўпроқ Харид қилишида намоён бўлмоқда (2.8-жадвал).

Жадвал маълумотларидан республика аҳолисининг узоқ муддатли маданий – маиший товарларни харид қилиши кўпайиб, мустақиллик йилларида хонадонларнинг бундай товарлар билан таъминланиши ортган. Айниқса мустақилликгача бўлмаган шахсий компьютерлар, мобил алоқа воситалари, видео магнитофонлар каби товарларнинг аҳоли томонидан харид қилиниши жадал суръатлар билан кўпайган. Натижада бундай товарлар билан хонадонларнинг таъминланиши кейинги 10 йилда (2000 йилдан – 2018 йилгача) 14-20 мартаба кўпайган.

2.8-жадвал

**Аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган
товарлар билан таъминланиши
(хар 100 хонадонга тўғри келадиган товарлар сони)**

Кўрсаткичлар	1990	2000	2010	2015	2018	2018 йил 1990 йилга нисбатан%
Телевизорлар	90	88	132	152	155	172.2
Музлатгич ва музхоналар	80	86	99	101	103	128.7
Кондиционерла р	9	11	18,5	32	35	389.3
Електро чангютгичлар	29	30	37	53	55	190.0
Шахсий компютерлар	-	0,2	12	47	52	26 марта (2000 й)
Видеомагнитоф он, видеоплеер ва ДВД плеерлар	-	31	64	112	79	255 (2000 й)
Кир ювиш машиналари	67	69	75	79	81	121.0
Мобил алоқа воситалари	-	18	145	234	262	14.5 марта (2000 й)
Ҳар 100 та хонадонга тўғри келадиган автомобиллар сони, бирликда	11,9	20,1	27,1	42	44	370.0



2.2-расм. Аҳоли харажатларининг асосий турлари

III БОБ. АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ИФОДАЛОВЧИ МАДАНИЙ- МАЪРИФИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

3.1. Таълим хизматлари

Аҳолининг таълим олиши, билимли, соғлом бўлиши, маданиятли-маърифатли бўлиши ҳам турмуш даражасини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардир.

Таълимга қадимдан эътибор бериб келинган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” (1997 йил) қонуни қабул қилинди. “Кадрлар тўғрисидаги миллий дастур” асосида мамлакатда узликсиз таълим тизими жорий қилинди. Узликсиз таълим тизими қуйидаги хизматларни ўз ичига олади:

1. Мактабгача таълим.
2. Умумий ўрта таълим.
3. Ўрта махсус касб-хунар таълими ва лицейлар.
4. Олий таълим.
5. Олий таълимдан кейинг таълим.

Ҳар бир таълим тизимининг ўзига хос хусусияти, аҳамияти, зарурияти бўлиб, улар мамлакат ва унинг ҳудудлари бўйича тегишли вазирликлар ва уларнинг жойлардаги идоралари томонидан ташкил қилинади, тегишли меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар таёрланади, таълим берувчи муассалар фаолияти устидан назорат олиб борилади. Таълим хизматларини такомиллаштириш, уларнинг сифат даражасини яхшилаш бўйича илмий марказлар, илмий ходимлар иш олиб борадилар.



3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2019 йилгача фаолият кўрсатган таълим тизими

Мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 30 сентябрдаги ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳақли равишда “Бир ўйлаб курайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда? Деб савол қўйди ва ўзи бу саволнинг жавоби таълим ва тарбияда эканлигини таъкидлади, “ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал

тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир”.

Таълимни ривожлантириш ва сифатини яхшилашда янги таҳрирда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун (2020 йил 23 сентябрь) муҳим аҳамиятга эга. Қонунда таълим олишнинг анъанавий усулларидан ташқари масофавий, инкловзив шакллари янги жорий қилиш, хорижий таълим муассасалари билан қўшма факультет ва филиаллар ташкил қилишга рухсат берилган.

Республика Президенти “... таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги ўйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик” деб таъкидлади. Мамлакатда тинч, осойишталик бўлса, илм-фанга ва тарбияга катта эътибор берилса, ҳамма соҳада юксак марраларга, ривожланишга эришилади. Бундай даврлар мамлакатимиз тарихида икки марта кузатилган. Биринчи бор 9-12 асрларда юртимиз худудида илм-фан ривожланиб, дунёга машҳур кишилар: Мухаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ахмад Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Термизий каби бобокалонларимиз илмий-ижодий ишлари билан дунё тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

XIV аср охирларида буюк саркарда Амир Темур юртимизни мўғил истибдодидан қутқариб, муҳташам салтанат барпо этиб, илм-фан, адабиёт ривожланиши учун муносиб шароит яратиб берди. Натижада юртимизда иккинчи Ренессанс даври бошланиб, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Али Қушчи, Ғиёсиддин Куший каби дунё фанига муносиб ҳисса қўшган олимлар, Шарофиддин Али Яздий, Хондамир каби тарихчилар, шоирлар султони деб тан олинган хазрат

Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Лутфий каби шоирлар етишиб чиқди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда тинч-тоғув, демократик ислохотлар амалга оширилаётган шароитда, дунёдаги жуда кўп мамлакатлар билан ўзаро манфаатли дустона муносабатлар ўрнатилиб, илм-фанга, тарбияга катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз айтганларидек юртимизда Учинчи Ренессанс пойдевори яратилган.

Ҳозирги ёшлар илм-фанни чуқур эгаллаб, фан ва техниканинг юксак даражада ривожланишига, натижада иқтисодиётнинг барча соҳаларида муваффақиятларга эришиб аҳолининг турмуш даражасининг янада яхшила-нишига муносиб ҳисса қўшадилар деган умиддамиз.

3.2. Мактабгача таълимнинг ҳолати ва ривожланиши

Узликсиз таълимнинг бошланғич бўғини мактабгача таълимдир. Бу таълим муассаларига 7 (етти) ёшгача бўлган болалар қабул қилинади. Бу муассасанинг асосий мақсади болаларни тўғри тарбиялаш, назорат қилиш, соғлом парваришlash ва маълум даражада билим беришдан иборат.

2019 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра Республикаимизда 6381 та мактабгача таълим муассаси бўлиб, уларнинг сони ўтган йилга нисбатан 1195 тага кўпайган. Улардан 800 га яқин давлат шерикчилик ёки хусусий болалар боғчалари бўлиб, уларнинг сони кўпайиб бормоқда. Мактабгача таълим муассасаларидаги гуруҳлар сони ҳам 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига 32087 бўлиб, ўтган йилга нисбатан эса 2662 та гуруҳга ошган.

Жойлар сони 733863 тани ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 1.7 %га ўсган.

Мактабгача таълим муассасалари кўрсаткичларининг 2013-2018 йиллардаги ривожланиши қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасаларинг 2013-2018 йиллардаги кўрсаткичлари

		Йиллар						2018 йил 2013 йилга нисбати, %
		2013	2014	2015	2016	2017	2018	
1	Мактабгача таълим муассасалари сони	5160	5150	5126	5138	5186	6381	123,7
2	Муассасалардаги жойлар сони, минг	676,3	703,7	713,1	721,8	733,9	807,2	119,3
3	Мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони, минг киши	575,8	620,8	634,1	691,0	732,9	874,4	151,8
4	Педагог ходимлар сони, минг киши	57,7	57,6	58,3	59,7	63,3	81,1	140,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013-2018 йиллар давомида мактабгача таълим муассасалар сони 123,7 % га кўпайган, улардаги жойлар сони 2013 йилнинг 676,3 мингдан, 2018 йил 807,2 мингга яъни 119,3 %га кўпайган. Ушбу даврда мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сони 151,8 фоизга кўпайган ҳолда, бу муассасалардаги педагоглар сони 140,6 фоизгагина ошган.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, республикада мактабгача таълим муассасалари сони 6381 тани ташкил этади, улардан умумий турдаги мактабгача таълим муассасалари 6209 та ёки жамига нисбатан 97,2 фоизни, нутқида оғир нуқсони бўлган болалар учун мактабгача

таълим муассасалари 51 та ёки жамига нисбатан 0,8 фоизини, эшитишида оғир нуқсонлари бўлган болалар учун мактабгача таълим муассасалари 4 та ёки жамига нисбатан 0.07 фоизи, кўришида оғир нуқсонлари бўлган болалар учун мактабгача 7 та ёки жамига нисбатан 0.1 фоизини, психик нуқсонли (психик ривожланишининг орқада қолиши, психик-нутқий ривожланишининг орқада қолиши, болалар аутизими) болалар учун мактабгача таълим муассасалари 11 та ёки жамига нисбатан 0,2 фоизни, ақлий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар учун мактабгача таълим муассасалари 5 та ёки жамига нисбатан 0.09 фоизни, таянч-ҳаракатланиш аппаратида нуқсонлари бўлган болалар учун мактабгача таълим муассасалари 11 та ёки жамига нисбатан 0,2 фоизни, кўп ихтисосли мактабгача таълим муассасалари 60 та ёки жамига нисбатан 1.2 фоизини, санаторий турдаги (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асоратларга эга бўлган болалар учун) мактабгача таълим муассасалари 24 та ёки жамига нисбатан 0.5 фоизни ташкил этади.

2019 йил 1 январ ҳолатига 6381 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлган бўлса, уларнинг 55,0 фоизи шаҳар жойларида жойлашган. Мактабгача таълим муассасаларидаги ўринлар сони 807,2 мингта (2019 йил 1 январ ҳолатига) бўлса, улардаги ўринлар сонининг 65,2 фоизи шаҳар жойларида жойлашган. Айниқса Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро вилоятларининг қишлоқ жойларида боғчалари кам бўлиб, мактабгача таълим муассасасига қамраб олиш даражаси жуда пастдир. 2018 йил маълумотиغا қараганда 6 ёшгача бўлган болаларнинг мактабгача таълим муассасасига қамраб олиш даражаси Сурхондарёда – 10 %, Қашқадарёда эса 10,7 % га тенгдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида мактабгача таълим муассасалари кўпайтирилади, давлат-шерикчилик тарзида ва хусусий болалар боғчалари, айниқса қишлоқ жойларида кўпаяди. Ёш болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олишда муаммолар мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилар:

✓ мактабгача таълим муассасаларининг етарли эмаслиги, айниқса қишлоқ жойларда;

✓ мавжуд мактабгача таълим муассасаларининг етарли даражада шарт-шароитлар ва жиҳозлар билан таъминланмаганлиги;

✓ мактабгача таълим муассасаларида етарли даражада мутахассис тарбиячилар ва педагоглар билан таъминланмаганлиги.

Бу муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2017-2021 йилларга мўлжалланган мактабгача таълим тизими янада такомиллаштириш бўйича дастур қабул қилинди. Бу дастурда мактабгача таълим муассасалар тармоғини янада кенгайтириш, ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳудудларда давлат томонидан, давлат-шерикчилик асосида ва хусусий боғчаларни кўпайтириш кўзда тутилган.

Мактабгача таълим муассасаларидаги педагог-ҳодимларнинг 78.0 фоиздан кўпроғи (2019 йил 1 январ ҳолатига) ўрта махсус маълумотга эга: Шунинг учун ҳам бу муассасаларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида ОТМларда бу йўналиш бўйича талабаларни қабул қилш сони кўпайди, ҳамда ОТМларда мактабгача таълим муассасалари учун олий мутахассис таёрловчи махсус сиртқи бўлимлар очилди.

Алоҳида мактабгача таълим вазирлиги (2019 йил 1 январ ҳолатига Вазир –А.Шин) ташкил этилди ва юқоридаги вазифаларни бажариш вазирликга топширилди.

Дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида Республикамиз ҳудудларида мактабгача таълим муассасаларининг тармоғини кўпайтириш (айниқса қишлоқ жойларда), уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, болаларни мактаб таълимига етарли даражада тайёрлаш ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Айнан мактабгача таълим соҳасига бўлган эътибор мамлакатнинг эртанга тараққиёти учун мустаҳкам замин яратади” деб таъкидлади. Сўнгги тўрт йил ичида республикамизда боғчалар сони 3 баравар ошиб (5 минг 200 тадан – 14 минг 200 тага), болаларни қамраб олиш даражаси 28 фоиздан 54 фоизгача етган. Бу борада давлат-хусусий шерикчилик тизимини ривожлантириб, болаларни мактабгача таълим муассасасига қамровини 80 фоиздан ошириш режалаштирилган.

3.3. Умумий ўрта таълимнинг ҳолати ва ривожланиши

Ўзбекистонда ёшларнинг билим олишига барча шарт-шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX-боб, 41 моддасида “Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”⁷ деб қайд қилинган.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2018, 16-бет

Узлуксиз таълим тизимида кейинги босқич умумий ўрта таълимдир. Умумий ўрта таълим Конституциямизда ёзилганидек бепул бўлиб, барча ёшлар учун мажбурийдир. Умумий ўрта таълим 2 буғинли бўлиб, бошланғич таълим (1-4 синфлар) ва ўрта таълимдан (5-11 синфлар) иборат.



Умумий ўрта таълим бўғинлари

Бошланғич синфларда ёшлар алифбе асосида алфавит харфлари ўргатилади, сўзлар, гап тузиш қоидалари, математикадан тўрт амални: қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш қоидалари, чет тиллари (инглиз тили, русс тили) асослари, одоб-ахлоқ қоидалари ўргатилиб, комил инсон бўлиб етиштириш учун фундамент яратилади.

Ўрта таълим даврида (5-11 синфлар) барча табиат ва жамиятни ўрганувчи зарурий фанларнинг асослари ўргатилиб, керакли билим ва кўникмаларни беради. Ҳозирги пайтда ўрта таълимнинг юқори синф ўқувчиларига касб-ҳунар ҳам ўргатилиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўз мутахассисликлари бўйича ишлашлари мумкин.

Қуйида Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимнинг 2013-2018 йиллардаги кўрсаткичлари келтирилган.

**Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимнинг
2013-2018 йиллардаги кўрсаткичлари**

		2013 / 2014	2014 / 2015	2015 / 2016	2016 / 2017	2017 / 2018	2018 / 2019	2018/2019 ўқув йили 2013/2014 ўқув йилига нисбати, %
1	Умумтаълим муассасалари сони	9758	9733	9720	9719	9718	9774	100,2
2	Ўқувчилар сони, минг киши	4489,7	4539,7	4670,7	4825,0	5271,3	5850,9	130,3
3	Умумтаълим муассасаларини битирган ўқувчилар, минг киши	536,9	500,2	482,6	475,3	466,1	475,7	88,6
4	Ўқитувчилар сони, минг киши	397,7	390,6	394,0	400,0	419,8	457,8	115,1

2018-2019 ўқув йилида мамлакат миқёсида жами умум таълим муассасалари сони 9774 бўлган бўлса, улардан 62 фоизи яъни 6044 таси қишлоқ жойларда жойлашган. Умумий ўрта таълим муассасаларини ҳудудлар кесимида олган бўлсак, уларнинг жойланиши асосан вилоятларнинг аҳоли сонига боғлиқлигини кўрамиз Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Андижон, Фарғона вилоятларида кўпроқ, Сирдарё, Навоий, Хоразм вилоятларида камроқ жойлашган.

Умум таълим муассасаларида 2019 йил бошига 457,8 минг ўқитувчи фаолият юритган бўлса, уларнинг 54,0 фоизи қишлоқ мактабларида ишлайди.

Ўқитувчиларнинг фанлар бўйича мутахасисликларини кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг кўпчилиги бошланғич синф ўқитувчилари, она тили ва адабиёти, математика, тарих ва инглиз тили фанларидан дарс беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мамлакатимиз кўп миллатли бўлганлиги сабабли, ўқувчилар хоҳишига кўра рус тилида қорақалпоқ тилида, туркман, тожик, қирғиз тилларида дарслар олиб борилади.

Умумий ўрта таълимда йиллар давомида қуйидаги муаммолар тўпланиб қолди:

✓ мактабларнинг ҳудудлар кесимида ўқувчилар сонини ҳисобга олиб жойлаштирилмаганлиги сабабли, айрим мактабларда ўқувчилар сонининг мактаб сиғимидан анча кўп бўлиши;

✓ синф гуруҳларида ўқувчилар сонининг 30тадан кўп ҳатто 50 тагача бўлиши, фанларни яхши ўзлаштиришга катта халақит беради;

✓ ўқитувчиларни ва мактаб ўқувчиларини ўқув жараёнидан олиб, бошқа турли ишларга (кўчани тозлаш, пахта териш, тадбирларда иштирок этиш каби) жалб қилиш;

✓ фанларни ўқитиш асосан назарий билимлар беришга қаратилган бўлиб, амалиёт билан боғланмаганлиги;

✓ мактаб ўқитувчиларининг муаммолари кам бўлмаганлиги ҳамда бошқа ишларга ўтиб кетиши ва бу сабабли мамлакатларда дарс-тарбия беришда асосан хотин-қизлар қолиши;

✓ 100 фоизлик натижа кўрсатиш мусобақаси бошланиб, синфларда дарсларга тўлиқ қатнашмаган, билими жуда суст ўқувчиларни ҳам синфдан-синфга

кўчириб, уларни ўрта таълим битирувчилари сифатида шаходатнома бериш.

Жадвал маълумотларидан маълум бўлдики, ушбу йилларда мамлакатимизда умум таълим муассасаларининг сони кўпаймаган. Улардаги ўқувчинлар сони эса 2013 йилдаги 4489,7 минг кишидан 2018 йилга келиб 5850,9 минг кишига яъни 130,3 фоизга кўпайган. Шунинг учун ҳам кўпгина мактабларда уларнинг мўлжалланган сифимидан кўпроқ болалар ўқиётган бўлиб, айрим мактабларда ўқиш жараёни 2-сменали ташкил этилган. Ушбу даврда ўқитувчилар сони фақатгина 15,1 фоизга ўсган, 2013 йилда 397,7 минг ўқитувчи бўлса 2019 йилга келиб 457,8 минг кишига етган.

Юқоридаги камчилик ва муаммоларни ҳал этишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу Фармонда умум таълим муассасалари раҳбари зиммасига уларга хос бўлмаган вазифалар юкланганлиги, ўқувчилар бошқа ишларга кўпроқ жалб қилинаётганлиги, турли назорат қилувчи органлар томонидан мактабларни текшириш ҳаддан зиёд кўпайганлиги, умум таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилмаганлиги, умум таълим муассасалари фаолиятида очиклик ва шаффофлик етишмаслиги кўрсатилиб, бу камчиликларни бартараф этиш бўйича чоралар белгиланди.

2018 йил 1 октябрдан мактабларда фаол ота-оналар, битирувчлар, ходимлар ва бошқа шахслардан иборат Кузатув кенгаши тузиладиган бўлди. Кузатив кенгашига умум таълим муассасалари раҳбарларининг

хисоботларини эшитиш, ўқув жараёнининг боришини мониторинг қилиш, ўқувчилар таълим олиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиб бориш вазифалари юклатилган.

Умум таълим муассасалари фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясига юклатилди.

Мактаб ўқитувчиларининг меҳнат ҳақлари оширилди, ишлаётган пенсионерларга 2019 йил 1 январдан бошлаб, пенсияси тўлиқ миқдорда бериладиган бўлди. Натижада жуда кўпгина эркак ўқитувчилар ўз касбий фаолиятига қайтиб мактабларда дарс бера бошладилар.

Шу билан биргаликда таълимни сифат жиҳатидан янги-янги даражага кўтариш, ҳар томонлама камол топган авлодни тарбиялаш, ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожланишини таъминлаш юклатилган.

Ушбу фармонда халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва зарур санитария-гигиена шароитлари билан узлуксиз таъминлаш юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Олий Мажлисга муроҷотномасида “Умумий ўрта таълим тизимини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш, фарзандларимиз ҳар томонлама камол топиши учун, барча шароитларни яратиш лозим” деб такидланган.⁸

Бунинг учун “Хусусий мактаблар ташкил этиш давлат-хусусий шерикчилик имкониятларидан кенг

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномси. Халқ сўзи, газетаси №271-271. 2018 йил 29 декабр.

фойдаланиш керак”лиги айтилган. Ҳозирги пайтда (2020 йил) хусусий мактаблар сони 140 тага етди.

Ёшларга таълим беришда муаммолар мавжуд эди. Бу муаммолар мактаб таълимининг 9-синфгача бўлиши, ундан кейин эса ёшлар касб-хунар коллежларида ўқиши лозим эди. Касб-хунар коллежлари қишлоқ жойларда айрим аҳоли пунктларидан узоқда жойлашган бўлиб, ёшларнинг коллеж дарсларига қатнаши (4-5 км га) қийин бўлди, иқтисодиёт тармоқларига керакли сифатли юқори билимга эга мутахассислар тайёрлаб беришдек вазифа бажарилмади. Натижада аҳолидан халқ қабулхоналарига, Президентнинг қабулхоналарига ёшларни мактабга қайтариш, 10-11 синфларни тиклаш (чунки мактаблар ҳар бир қишлоқда бор) бўйича таклифлар туша бошлади. Президент Ш.Мирзиёевнинг қарори билан таълимдан (9+13), мактаблардаги 11 йиллик таълимга ўтказилди. Натижада фақат 2016-2017 йилнинг ўзида 288,0 минг ўқувчи мактабларда 10-синфда ўқишни давом эттиришди. Ҳозирги пайтда барча мактабларда (қарийб – 10,0 минг) 11-синфларгача ёшлар ўқитилаяпти. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ота-оналар ва ёшларнинг ихтиёрига қараб, дарслар ўзбек тилидан ташқари: рус, тожик, қорақалпоқ, қozoқ, қирғиз, туркман ва бошқа тилларда олиб борилиши мумкин. Лекин, кўпгина мактабларда дарсларнинг икки сменада олиб борилиши (айрим мактабларда 3 смена) аҳоли ва мактаб ёшидаги болаларнинг сонини ҳисобга олиб, ҳамда бу аҳоли пунктларининг ривожланиши асосида замонавий жиҳозланган мактаблар қуриш талаб этилмоқда.

Ёшларга таълим бериш ва сифатини яхшилаш, иқтидорли ёшларга эътиборни кучайтириш мақсадида Тошкент, Бухоро, Нукус, Фарғона, Самарқанд каби шаҳарларда замонавий шарт-шароитлари мавжуд

Президент мактаблари ташкил этилди. Бундан ташқари Темурбеклар мактаби, атоқли ижодкорлар номи билан аталувчи мактаблар, ҳамда математика, кимё, информатика, биология каби фанларни чуқур ўзлаштирадиган ихтисослашган мактаблар ташкил этилди.

2020 йилнинг ўзида 56 та математика йўналишида, 27 та кимё-биология, 14 та ахборот технологияларига ихтисослашган мактаблар ташкил этилган. Бу борадаги ишлар давом эттирилиб, барча шаҳар ва туманлар қамраб олинади⁹.

Ўрта мактабни битирувчилар касб-ҳунарга ўргатилиб, мактабни битиргунча бирор мутахассисликни эгаллайдиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга мурожаатномасида таълим соҳасига катта эътибор берилган. Хусусан 2020 йилги бюджетдан 1,7 триллион сўм маблағ ажратилиб, 36 та янги мактаб қурилиши, 211 мактаб эса капитал таъмирланиши тақидланган. Бу борада мактаб ўқув дастурларини, дарслик ва ўқув адабиётларини қайта кўриб чиқиш ва уларни халқаро стандартларга мослаштириш, ўқитувчиларни малака ва маҳоратини ошириш кўзда тутилган.

3.4. Ўзбекистон Республикаси ўрта-маҳсус касб-хунар таълими

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида ёшларни касб-хунарга ўргатишга катта аҳамият берилди.

⁹ Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан.

Худудлар миқёсида замонавий лойиҳалар асосида жуда кўп касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар қурилди, улар зарурий лаборатория асбоб ускуналари билан жиҳозланди.

3.3-жадвал

Ўзбекистонда ўрта махсус касб-хунар таълими кўрсаткичларининг 2013/2014 ва 2018/2019 ўқув йилларидаги ўзгариши

Кўрсаткичлар	2013/ 2014	2014/ 2015	2015/ 2016	2016/ 2017	2017 / 2018	2018 / 2019	2018/2019 ўқув йили 2013/2014 ўқув йили га нисбати
Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари	1556	1557	1567	1566	1556	1537	98,8
Улардаги ўқувчилар сони, минг киши	1626,9	1559,3	1498,6	1459,4	1163,2	728,0	44,7
Қабул қилинганлар сони, минг киши	533,8	505,3	485,9	481,5	192,1	33,5	62,7
Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини битирганлар сони, минг киши	539,8	534,5	518,2	513,4	489,7	486,5	90,1

Жадвал маълумотларидан маълум бўлиб турибдики, касб-хунар муассасалар сони ўзгармаган бўлса ҳам,

улардаги ўқувчилар сони ушбу йилларда камайиб бормокда, 2013/2014-ўқув йилида ўқувчилар сони 1626,9 минг кишини ташкил этган бўлса 2018/2019-ўқув йилига келиб уларнинг сони 728,0 минг кишини ташкил этмокда, яъни 44,7 % гача камайган. Айниқса, 2018/2019 ўқув йилларида касб-хунар муассасаларига қабул қилинганлар сони жуда камайиб кетган. 2013/2014 ўқув йилида касб-хунар коллежларига 533,8 минг киши қабул қилинган бўлса, 2018/2019-ўқув йилида фақатгина 33,5 минг ўқувчи қабул қилинган. Бу мамлакатимиздаги таълим тизимидаги ўзгаришларга боғлиқдир.

2018/2019 ўқув йилида жами 1537 та ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари фаолият юритган бўлса, улардан 123 таси академик лицейлар, 1414 таси касб-хунар коллежларидир. Академик лицейларнинг асосий қисми яъни 117 таси шаҳарларда жойлашган бўлиб, уларда 82,7 минг ўқувчи таҳсил олади. Касб-хунар коллежларининг 928 таси шаҳар жойларида жойлашган бўлиб, уларда 782,9 минг нафар ўқувчи ўқийди. 505 та касб-хунар коллежлари қишлоқ жойларда жойлашган бўлиб, уларда 294,5 минг нафар ёшлар билим олмокда.

Ўрта махсус касб-хунар таълимини ислоҳ қилиш натижасида мамлакатимиздаги олий ўқув муассасаларига биттадан академик лицейлар бириктириб берилди. Бу академик лицейлар ушбу олий ўқув юртлари йўналиш мутахассисликлари бўйича чуқур билим бериб, битирувчиларнинг аксарияти шу мутахассисликлар бўйича абитуриент ҳисобланади.

Касб-хунар коллежлари турли вазирлик ва идоралар ихтиёрига ўтказилди. Улар талаб асосида керакли кичик мутахассислар тайёрлайдилар.

Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимини ўрганиш бу тизимда қатор камчилик ва муаммолар борлиги аниқланди. Шу билан бирга касб-хунар коллежларида камчиликлар ва муаммолар борлиги сабабли, уларнинг аҳоли ўртасида нуфузи тушиб кетди.

• Касб-хунар коллежларининг ўқувчилар яшаш жойларидан узоқда жойлашганлиги. Айниқса бу қишлоқ жойларида жуда сезиларли таъсир кўрсатди. Чунки айрим касб-хунар коллежларида ўқувчилар турар жойларидан 4-10 км узоқликда бўлиб, коллежга ҳар куни қатнаши зарур эди. Айниқса кўпгина қишлоқ жойларда йўлларнинг ёмон ҳолатда бўлганлиги сабабли жамоат транспортининг қатнови йўлга қўйилмаган эди.

• Касб-хунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчиларини турли хил қўшимча ишга жалб қилинганлиги сабабли, ўқув жараёни иккинчи даражали бўлиб қолганлиги.

• Касб-хунар коллежларининг қандай мутахассислик тайёрлашига қарамасдан ўқиш муддатининг 3 йил қилиб белгиланганлиги. Чунки айрим хунарлар борки, уларни қисқа муддатда ҳам тайёрлаш (сартарошьяик, ошпазлик ва шу каби мутахассисликлар) мумкин эканлиги.

Бу камчилик ва муаммоларни бартараф этиш ва таълим тизими сифатини яхшилаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг "Умумий ўрта, ўрта-махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018-йил 25-Январдаги ПФ-5313-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қарорга асосан умумий ўрта таълим 11 йилликга ўтказилди ҳамда бирор касб-хунарга ўргатиладиган бўлди.

Бу қарор асосида касб-хунар коллежларида талаба асосан шартнома асосида турли йўналишдаги кичик

мутахассислар тайёрланадиган бўлди. Уларнинг ўқиш муддати мутахассисликларидан келиб чиқиб ҳар хилдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга мурожаатномасида “Жорий ўқув йилидан бошлаб мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 340 касб-ҳунар мактаби, 147 коллеж ва 143 та техникум ташкил этилади” дейилган. Касб-ҳунар мактаблари қисқа муддатда (6 ойдан – 12 ойгача) мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган. Булар сартарошлар, ошпазлар, сотувчилар, турли хил ҳунармандлар бўлиши мумкин. Коллежлар эса ўрта махсус мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган. Техникумларда ўқиш муддати 2 йилгача бўлиб, ўрта махсус мутахассисларни тайёрлаб, уларни битирган иқтидорли, аълочи битирувчиларга олий ўқув юртларига киришга йўлланмалар берилиши таъкидлаб ўтилди.

3.5. Олий таълимнинг ҳолати ва ривожланиши

Олий таълим узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Чунки олий таълим малакали олий маълумотли мутахассислар тайёрлаб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат қилишга ҳуқуқий асос яратади.

Аҳолининг билим даражаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётга муҳим омил ҳисобланади. Тарихдан маълумки қадимги Хоразмда “Маъмун академияси”, Улуғбек Академияси деб аталган Самарқанд илмий мактаби, бутун дунёга машҳур М. Хоразмий, А. Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, М.Улуғбек, Али Қушчи, Қозизода Румий каби алломаларни етиштириб ўрта асрларда Шарқ

Ренессансига сабабчи бўлган. Хозирги даврда ҳам илм-фан ривожига катта аҳамият қаратган Япония, Германия, АҚШ, Жанубий Корея, Малайзия каби мамлакатлар иқтисодий ривожланишда катта муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон мустақилликга эришгач мутахассислар тайёрлашга аҳамият берилди. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида олий маълумотли мутахассислар тайёрланди.

3.4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Олий таълимнинг 2013-2018 йилги асосий кўрсаткичлари

	Йиллар						2018 йил 2013 йилга нисбатан, %
	2013	2014	2015	2016	2017	2018	
Олий таълим муассасалар сони	66	68	69	70	72	98	148,5
Улардаги талабалар сони, минг киши	259,3	261,3	264,3	268,3	297,7	360,2	138,9
ОТМларга қабул қилинган талабалар, минг киши	62,3	64,1	63,0	61,2	85,7	114,5	183,8
ОТМларни битирган мутахассислар сони, минг киши	63,1	67,6	66,3	64,1	67,4	66,6	105,5

Жадвал маълумотларидан маълумки, ушбу йилларда олий таълим муассасалар сони фақат 148,5 % га ўсган яъни 2013-йилда 66 та бўлса, 2018-йилга келиб 98 та бўлган. ОТМлардаги талабалар сони эса ушбу йилларда 138,9 % га кўпайган. 2018-йилга келиб ОТМга қабул қилинганлар сони 2013-йилга нисбатан 183,8 % га

кўпайган бўлиб, 114,5 минг талабани ташкил этган бўлсада, умумий ўрта таълим ва касб-хунар битирувчиларининг 10-12 % ни ташкил этади.

Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, бу йилларда Олий таълим соҳасида қатор муаммолар мавжудлиги куриниб қолди. Булар куйидагилардир:

- Олий таълим билан умумий ўрта таълим битирувчиларининг жуда кам миқдори (10-12 %) қамраб олиниши,

- Олий таълим муассасаларининг асосан йирик (Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Фарғона шаҳарларида жойлашганлиги;

- ОТМлардаги мутахассис йўналишларининг ҳақиқий реал иқтисодий тармоқлар талабларига тўлиқ мос эмаслиги;

- Олий таълим йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларнинг мутахассислиги бўйича амалиёт билан ўзвий боғланмаганлиги;

- ОТМда ишлаётган профессор-ўқитувчиларни ўқув жараёнига хос бўлмаган ишларга кўпроқ жалб қилиниши;

- ОТМда ишлаётган профессор-ўқитувчилар фаолият натижалари бўйича етарли даражада моддий рағбатлантирилмаётганлиги.

Бу камчиликларни бартараф этиш ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича кейинги йилларда Республика Президенти Ш. Мирзиёев томонидан бир неча қарорлар қабул қилинди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-апрелдаги "Олий таълим тизимини янада

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 27-июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 26-сентябрдаги "Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги ПҚ-3290-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 5-апрелдаги "Республика Олий Таълими ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3655-сон Қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 5-июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳатларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон Қарори.

Ушбу Президент қарорларини амалиётга жорий қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасинг ҳамда Олий ва ўрта-маҳсус таълими вазирлигининг тегишли қарорлари қабул қилинди. Натижада амалдаги таълим йўналишлари қайта кўриб чиқилиб, ўқув режалари халқаро таълим стандартларига яқинлаштирилди. Юқори рейтингга эга бўлган хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик кучайтирилиб, бакалаврлар ҳамда магистрларни биргаликда тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларнинг хорижий олий ўқув юртларида малакасини ошириш, малакали чет эл профессорлари ва олимларини дарс

бериш ва илмий ишларга жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Мавжуд олий ўқув юртларининг моддий-техника базасини айниқса лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, шу билан биргаликда янги олий таълим муассасаларини ташкил қилиш (Чирчиқ давлат педагогика институти, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, "Ипак йўли" Самарқанд халқаро туризм университети ва бошқалар) билан ёшларни олий таълим билан қамраб олиш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари чет эл нуфузли олий ўқув юртларининг мамлакатимиз олий ўқув юртларида филиаллари ва факултетларини очиб ҳамкорликда олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга кўшма шартномалар тузилмоқда. Тегишли қарорлар асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ва илмий ходимларининг лавозим маошлари табақалаштирилган тарзда 2018-йил 1-сентябр ўртача 25% га оширилди. Айниқса фан доктори илмий даражасига эга профессорларнинг маоши 44% гача оширилиб, 3460 минг сўмгача етгани, биринчидан профессорларнинг нуфузини оширди, иккинчидан илмий салоҳиятини янада ошириб амалий ҳамкорликни кучайтиришга ва ишлаб чиқаришга жорий қилишга масулият юклайди. Шу билан биргаликда олий таълим муассасалари ўқитувчиларини ўқув жараёнига хос бўлмаган ишларга жалб қилмаслик, талабалар билимини холис, адолатли ва шаффоф тарзда баҳолаш йўлга қўйилди. Натижада ўқитувчилар ўқув жараёнига маъсулият билан ёндашадиган, бўш вақтларини илмий ишларга сарфлайдиган бўлишди. Мамлакат Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисида 2018-йил 28-декабрдаги мурожаатномасида олий таълимни янада

ривожлантириш йўллари белгилаб берилган. Мурожаатномада дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 60-70 % ни ташкил этиши, бизда эса кейинги йиллардагина 15 % га етганлиги такидланиб, "2019-йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 % га етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш муҳим вазифадир" дейилган¹⁰. Шу билан биргаликда олий таълим муассасалари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозимлиги қайд этилган. Чунки олий маълумотли юксак малакали мутахассислар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омилidir. Буни Европа ва Осиёдаги тез суръатлар билан ривожланиб, иқтисоди ривожланган мамлакатлар рўйхатида юқори ўринларни эгаллаб турган мамлакатлар тарихи исботлаб турибди.

Ҳозиргача Европа ва Осиёни нуфузли олий ўқув юрглариининг филиаллари Ўзбекистонда фаолият олиб бормоқда. Буларга Россиянинг И. М. Губкин номидаги Давлат нефт ва газ институти, 2007 йил Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академияси (2009 йил), Турин Политехника университети (2009 йил), Сингапур Менежментни Ривожлантириш институти (2008 йил), Жанубий Кореянинг Инха университети (2014 йил), Англиянинг Халқаро Вестминистр университети (2002 йил), М.В.Ламаносов номидаги Москва Давлат университети (2006 йил) ва бошқалар.

2019-йил чет мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юрглари билан ҳамкорлик янада ривожланди.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. Н_271-272. 2018-йил 29-декабр.

Мамлакатимиздаги барча Олий ўқув юртлари чет мамлакатлар олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда кўшма факултетлар жорий қилиш (кўшдипломликда), профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, магистратура ва PhD докторлари тайёрлаш бўйича келишув шартномалари тузилмоқда. Шу мақсадда Самарқанд Давлат чет тиллари институти Италиянинг Сиэна Халқаро Университети, Германиянинг Хайделберг Педагогика Университети, Франциянинг Сержи-Понтуаз Университети ва Версал Академияси ҳамда Россиянинг бир қатор нуфузли Олийгоҳлари билан шартномалар тузилган¹¹. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти эса Томбов Давлат Университети, Қозон Федерал Университети билан мутахассислар тайёрлаш тўғрисида келишиб олдилар.

Шундай қилиб, мамлакатимиз олий-ўқув юртларига қабулнинг кўпайиши, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликнинг ривожланиши, янги таълим йўналишларининг очилиши, таълимнинг амалиёт билан интеграциясининг яхшиланиши, профессор-ўқитувчиларнинг малакаси ва обрўйининг кўтарилиши, Олий ўқув юртларининг моддий техника базасининг яхшиланиши бўйича қилинаётган ишлар Олий таълим тизимини янги поғонага кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга мурожаатномасида олий маълумот оламан деб юрган ёшларимизга таҳсил олиш учун ҳамма қулайликлар яратишимиз кераклигини, бунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда 25 фоизга ва келгусида 50-60

¹¹ Тўхтасинов Н. Дунёнинг нуфузли эллик Олийгоҳи ҳамкоримиз. Зарафшон газетаси 2019-йил 23-Феврал.

фоизга етказиш кўзда тутилган. Бу борада давлат грантлари асосида қабул қилишни 2 баробар кўпайтириш, қизлар учун алоҳида грантлар ажратиш кўзда тутилган.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Респубилкаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “Сўнгги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та янги Олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди. Бу йил олий ўқув юртларига кириш учун бир ярим миллионга яқин ёшларимиз ҳужжат топширди. Бу рақам ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўп демакдир” деб таъкидлади. Бундан ташқари 10 дан ортиқ хорижий давлатлар университетларининг филиаллари ҳам абутуриентларни қабул қилишни бошлади.

2020-2021 ўқув йили учун қабул квоталари қуйидагича белгиланди:

Бакалавриат – кундузги таълим шакли – 103575 нафар;

сиртки таълим шаклига – 31350 нафар;

кечки таълим шаклига – 5050 нафар;

Магистратурага – 10425 нафар.

Бу рақамлар ўрта мактаб, касб-ҳунар коллежи ва лицейларни битирганларнинг 25 фоизини олий таълим билан қамраб олганлигини билдиради (2016 йил 9 % эди).

Мамлакат Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий таълимга қўйган вазифаларини бажариш ҳамда олий таълимнинг сифат ва самарадорлигини яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ўйлаймиз:

Биринчидан, олий ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, замонавий лабораториялар, техник ва технологиялар билан таъминлаш мақсадида

Олий таълимга бюджетдан ажратиладиган маблағларни йилдан-йилга кўп ажратиб бериш:

Иккинчидан, бюджет маблағларини кўпайтириш билан бир вақтда бюджетдан ташқари маблағларни топиш учун ОТМларни рағбатлантириш. Бу маблағлар турли хил хизматлар кўрсатиш ва тадбиркорликни амалга ошириш йўли билан топилади.

Учинчидан, ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини тезроқ кўпайтириш мақсадида сиртқи ва масофавий таълим бериш шаклларини кучайтириш лозим. Бу борада сиртқи таълимга компаниялар, йирик корхоналар буюртмасига асосан керакли мутахассислар тайёрлашни кўпайтириш лозим. Бунда коррупция ва таниш-билишчиликни йўқ қилиш мақсадида абутурент номзоди кўрсатилмасин, ўша худуддан талаба бўлган ёшлар билан буюртмачилар шартнома тузиши мақсадга мувофиқдир. Сиртқи таълимга хужжатлар касб-хунар бўйича олган ёки ишлаётган жойларидаги мутахассисликлари бўйича қабул қилиниши лозимдир. Бу ишлар ОТМларнинг харажатларини қисқартириш (тежаш) билан бир вақтда, битирувчиларнинг бандлигини ҳамда малакали мутахассис бўлиб етишишини таъминлайди.

Тўртинчидан, олий таълим тизимида рақобатни шакллантириш ва бозор тамойилларини (принципларини) жорий қилиш учун давлат шерикчилик ва хусусий олий ўқув муассасаларини кўпайтириш лозим бўлади. Бундай ОТМларни олий таълим муссасалари кам, ёшларни олий таълим билан қамраб олиши кам бўлган худудларда очилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Бешинчидан, талабаларнинг назарий билимлар бир вақтда мутахассислиги бўйича амалиётни ҳам ўрганиши, натижада юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши

учун, ОТМларга мутахассисликлари бўйича фаолият олиб борувчи корхоналар (субъектлар) очиш учун рухсат бериш ёки мутахассисликларига мос келадиган замонавий корхоналарни бириктириб қўйиш керакдир. Шу билан бир вақтда ОТМ профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган илмий-техник янгиликларни (инновацияларни) ушбу корхоналарда яратиш ва амалда синаб кўришни рағбатлантириш тизимини яратиш лозим бўлади.

Олтинчидан, ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртлари билан ҳамкорликни кучайтириш. Бунда бундай университетларнинг таниқли профессорларини маърузалар ўқишига, маслаҳатлар беришга жалб қилиш, мамлакатимиз олий ўқув муассасалари профессор-ўқитувчиларини тажриба алмашиш мақсадида, магистрант ва илмий изланувчиларни малака ошириши учун хорижий ўқув юртларига юбориш лозим бўлади.

Еттинчидан, ОТМ профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилар ихтироларини, янгиликларини (инновацияларини) амалиётга тезроқ жорий қилиш, илм-фан бўйича бўладиган танловларда ғолиб бўлган профессор-ўқитувчиларни, талабаларни ва уларнинг раҳбарларини муносиб рағбатлантириш, тақдирлаш, ОТМ мутахассисларининг сифатини яхшилашга, самарадорлигини оширишига хизмат қилади.

Ушбу таклиф ва тавсиялар тез орада амалга оширилади, ҳамда мамлакатимиз ОТМлар нуфузи кўтарилади, мутахассислар эса сифати оширилиб, замонавий талабларга жавоб беради деб ўйлаймиз.

3.6. Тиббий хизматларнинг ҳолати ва ривожланиши

Аҳоли соғлиғи барча вақтларда эътиборда бўлган. Қадимги пайтларда одамларнинг касалликларини турли хил шахслар: табиблар, кохинлар, муллалар даъволаб келган. Лекин касаллик турлари кўп бўлгани сабабли, уларни даволашнинг иложи бўлмасдан, кўплар касаллиги туфайли вафот этишган. Фан, техника ва технологиянинг ривожланиши айниқса тиббий ва фармацевтика фанларини ривожланиши натижасида касалликларнинг турлари аниқланиб, уларни даволаш усуллари такомиллаштирилди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг соғлиғини сақлашга катта эътибор қаратди. Давлат бюджетидан соғлиқни сақлашга катта маблағ ажратилиб намунавий лойиҳадаги қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП), стационар шифохоналар, ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этилди.

Бу тиббий марказларга қуйидагилар киради:

1. Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази;
2. А.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази;
3. Республика ихтисослаштирилган урлогия маркази;
4. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси;
5. Ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия маркази;
6. Ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий маркази;

7. Ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази;

8. Ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий маркази;

Бу ихтисослаштирилган марказлардан ташқари кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдамга мухтож кассалар учун жойларда шошилиш тиббий муассасалар ташкил этилди.

Фақат 2001 йили шошилиш тиббий ёрдам тизимининг мамлакат миқёсида ташкил этиш ва жиҳозлаш учун 11.5 млрд. сўм ва 61.5 миллион АҚШ доллари миқдоридан хорижий кредитлар сарфланган.¹²

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида, ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи етакчи ўринни эгаллайди. Бу борада хотин қизларга, айниқса туғриқ ёшида бўлган кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, хомилдор аёллар билан хомиланинг яхши, соғ ривожланиши бўйича доимий назорат олиб бориш учун Республика Перининтал маркази ва унинг Тошкент шаҳридаги ва вилоят марказларидаги филиаллари ташкил этилди. Натижада оналар ва гўдақлар ўлими сезиларли даражада камайди.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ушбу даврда шифохона муассасалари 103 фоизга кўпайган, 2014 йилда эса 1058 тагача камайган.

¹² Аҳоли ўртасида соғлиқни сақлаш бўйича олиб борилган ишлар, натижасида полиомиелит, ичтерлама, дифтерия каби юқумли касалликлар билан касалланишлар умуман тугатилди деса бўлади. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларида (1900-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прагнозлари. Т. "Ўзбекистон". 2011: 110-бет

Ўзбекистонда тиббиёт хизматларининг 2013-2017-
йилдаги асосий кўрсаткичлари

	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 й. 2013 йилга нисба тан, %
Шифохона муассасалари сони	1128	1058	1071	1106	1135	1165	103,3
Шифохона ўринлари сони, минг	134,0	130,9	129,7	132,0	135,7	153,6	114,6
Стационарда даволанган беморлар сони, минг киши	5150,3	5294,0	5293,9	5581,5	5984,8	6235,6	121,1
Амбулатория-поликлиника муассасалар сони	6421	6054	6220	6542	5296	5631	87,7
Амбулатория-поликлиника муассасалар қуввати бир сменада катновлар, минг	418,5	406,7	407,0	411,9	405,3	440,9	105,4
Болалар поликлиникалари сони	2418	2104	1997	1783	1102	-	-
Барча мутахассисликдаги шифокорлар сони, минг	81,7	82,0	83,4	84,1	85,4	89,8	110,0
Битта шифокорга тўғри келадиган, киши	373	378	379	382	383	367	98,0
Ўрта тиббиёт ходимлар сони, минг киши	327,4	332,4	336,4	341,3	348,2	356,7	109,0

Шифохоналардаги ўринлар сони ҳам 2013-2018 йилларда 114,6 % кўпайган, яъни 1347 мингдан 135,7 мингга етган. Улардаги даволанувчилар сони 5150,3

мингдан (2013 йил), 6235.6 минг кишига (2018 йил) яъни 21,1%га кўпайган. Ушбу даврда амбулатория-поликлиникалар сони камаймаган, 2013 йилги 6421 тадан 2018 йилга келиб 5631 та бўлган. Болалар поликлиникаси сони камайиши, қишлоқ врачлик пунктлари ва поликлиникаларни оилавий поликлиникаларга айлантирилгани билан боғлиқ. Оилавий поликлиникалар болалар шифокор мутахасислари билан таъминланди ва болалар ҳам ота-оналари (катталар) бир жойда тиббий хизматлар оладиган бўлди.

Давлатимиз раҳбари тиббий хизматлар кўлами ва сифатини яхшилашга қартилган, тиббий соҳани ривожлантириш бўйича 30га яқин фармон ва қарорлар қабул қилди. Бу ҳужжатлар асосида 793та қишлоқ врачлик пунктлар негизида оилавий поликлиникалар, 441та тез тиббий ёрдам шаҳобчаси ташкил этилди.¹³ Агарда 2016 йилда 806та тез тиббий ёрдам станцияси фаолият кўрсатган бўлса, 2017 йилда уларнинг сони 2100 дан ошган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 1 апрелдаги ПК-2863 қарорига асосан хусусий тиббиёт муассасалари шуғулланиши мумкин бўлган тиббий ихтисослик 50 тадан 126 тага кўпайтирилди. Натижада Тошкент шаҳрида Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия; Жиззах шаҳрида Жанубий Корея; Фарғона Қарши каби шаҳарларда Ҳиндистон каби давлатлар билан қўшма клиникалар ташкил этилди. Натижада хусусий тиббиёт муассасалари сони 3860дан ошиб кетди.

¹³ Тиббиёт соҳасидаги ислохатлар аҳолининг ҳаётдан розилиги, эл-юртимиз тараққиётига хизмат қилсин. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 19-октябр.

Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиган ходимларнинг иш ҳақи бир неча бор оширилди. Натижада чет эл тиббиёт клиникаларида ишлаётган юқори малакали мутахасис ватандошларимиз мамлакатимизга қайтиб фаолиятини бошладилар.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори технология ва сифатли ёрдам кўрсатиш тиббий хизмат ҳажмининг мутгасил ошишига олиб келди. 2017 йилга келиб соғлиқни сақлаш бўйича хизматлар ҳажми 1701.5 млрд. сўмни ташкил етди, 2011 йилга нисбатан 4.8 кўпайганлиги (2017 йилда-354.4 млрд. сўм) таъминланди.

Аҳолининг соғлиғини сақлаш дори-дармонсиз бўлмайди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг “Нукус-фарм”, “Зомин-фарм”, “Косонсой-фарм”, “Сирдарё-фарм”, “Бойсун-фарм”, “Бўстонлик-фарм” ва “Паркент-фарм” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиши тоғрисида”ги фармони юртимизда фармасевтика соҳасини ривожлантириш, дори-дармон воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолини сифатли дори ва тиббиёт воситалари билан таъминлашни яхшилаш билан бир қаторда, уларни экспорт қилиш имконини ҳам яратди. Натижада маҳаллий фармасевтика корхоналари ишлаб чиқараётган дорилар тури 2300дан ошиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга мурожаатномасида “Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислохотларимизни ҳам қатъият билан давом эттирамиз” деб таъкидлаган. Бу борада давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга 2019 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, яъни қарийиб 1,5 триллион сўм ажратилиши, 281 та тиббиёт муассасини қуриш ва

таъмирлашга бюджетдан 1,1 триллион сўм сарфланиши режалаштирилган. Шу билан биргаликда давлат-хусусий шерикчилик асосида, ҳамда хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини кўриб, тиббиётни янада соғлом рақобат асосида ривожлантириш белгиланмоқда.

3.7. Аҳолининг ахборот ресурс марказлар, китоб, журнал, газеталар билан таъминланиш ҳам уларнинг турмуш даражасини ифодалайди

Аҳолининг маданий-маънавий ва маърифий даражасини, (салоҳиятини) ривожлантиришда газета, китобларнинг, театр-музейларнинг, ҳамда радио эшиттиришлари ва телевидения кўрсатувларининг аҳамияти катта. Шунинг учун ҳам ватанпарварлик руҳидаги, миллий урф-одатларимизни тарғиб қилувчи, буюк аجدодларимиз ҳаёти ва қилган ишларини баён этувчи, ҳозирги турли соҳаларда фаолият юритиб катта муваффақиятга эришадиган замонамиз қахрамонларини ОАВ-ларида кўпроқ ёритсак, телевиденияда кўрсатсак, кўпларга, айниқса ёшларга ўрнатқуч бўлади.

Лекин кейинги йилларда мобил телефонларнинг имкониятлари кенгайиб, ёшларнинг кўпи куну-тун унга боғланиб қолди. Барча муваффақиятлар қалити илм ва билимдир. “Бешиқдан қабргача илм изла” ҳадиси буюк аждодларимизнинг насихатидир. Илмни инсонлар асосан китоблардан олади. Республика Президенти тавсия қилган 5 ташаббуснинг бири ҳам китобхонликдир. Кейинги йилларда 3 та ёш гуруҳи бўйича китобхонлар танлови ўтказилиши ва уларнинг муносиб рағбатлантирилиши (тақдирланиши) ҳамда радио-телевиденияда кўрсатилиши, жойларда китоб

дўконларининг кўпайиши, китобга бўлган эътиборни, билимга бўлган эътиборни кучайтиради.

3.6-жадвал

Ахборот-ресурс ва ахборот кутубхона марказлари

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2018 йил 2014 йилга нисбатан, %
		2014	2015	2016	2017	2018	
1.	Марказлар сони	2877	2914	2908	2898	2902	100,9
2.	Китоб ва журналлар сони, млн. нусха	56,4	52,8	49,5	48,2	47,8	84,8
3.	Фойдаланувчилар сони, млн. киши	7,5	7,5	7,3	7,1	7,2	96,0
4.	Ўртача битта фойдаланувчига берилган китоб ва журналлар, нусха	13,0	12,0	10,5	10,5	10,5	80,8

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари сони 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 100,9 фоизга, яъни 2877 тадан (2014 йил) 2018 йилда 2902 бўлгани билан, улардаги китоб-журналлар сони, фойдаланувчилар сони ҳам камайган. Бундай бўлишига кўплаб омиллар таъсир қилган. Буларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- буюк аждоқларимизнинг ҳаётини, ижодий муваффақиятларини ифода этувчи адабиётларнинг етарли эмаслиги;

- ижтимоий-иқтисодий соҳаларда катта муваффақиятга эришиб, қаҳрамонларча меҳнат қилаётган кишиларнинг ҳаётини акс эттирувчи адабиётларнинг камлиги;

- иқтисодиётнинг барча тармоқларида: саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ва хизмат соҳаларида меҳнат унумдорлигини, ҳосилдорликни,

фаолият самарадорлигини оширувчи тавсиявий адабиётларнинг етишмаслиги;

- ёшларнинг кўпчилигининг телефон ва компьютерлардаги ахборотларга ўйинларга берилиб, китобларга бўлган эҳтиёжнинг камайганлиги;

- ОАВ ва телеведениелар китобларни моҳияти ва мазмуни тўғрисида етарли реклама берилмаётганлиги;

- Ота-оналарнинг фарзандларининг китоб мутоаласига қизиқтирмаётганлиги ва шулар кабилар.

Ҳозирги пайтда аҳолини иш билан банд қилиш мақсадида “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Ҳар бир ёшга – бир гектар” шиорлари билан бирор-бир фаолият билан шуғулланиш, бўш турган лалми ерларга артезиан кудук қазиб, сув чиқариб, имкониятига яраша ер бериб, экин эктираяпти. Оилаларга товук, бедана каби паррандалар, кўён, кўй каби ҳайвонларни боқишга берилаяптики, кам таъминланган оилалар ҳам даромадга эга бўлиши учун. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бир турини қандай парваришлаш, боқиш тўғрисида тавсия характерли адабиётлар зарур.

Оилада ота-она фарзандларини ёшлигидан китобга қизиқишини кучайтириб, ёшига қараб, қандай китоблар ўқиш зарурлигини ўргатиб бориши лозим.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ушбу даврда китоб ва журналлар сони жиҳатидан кўпроқ чоп қилинган. Лекин уларнинг тиражи нисбатан камайган. Албатта китоб ва ОАВнинг чоп қилинган сониде эмас, балки уларнинг мазмуни муҳим аҳамиятга эга. Китоб ва журналларда буюк аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти

**Мамлакатда чоп қилинган китоб, журнал ва
газеталар**

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2018 йил 2014 йилга нисбатан, %
		2014	2015	2016	2017	2018	
1.	Китоб ва брошюралар сони	1691	2239	2299	2090	2111	124,8
2.	Уларнинг тиражи млн. нусха	36,1	28,1	25,9	24,4	22,3	61,8
3.	Журналлар сони	202	206	209	233	222	110,0
4.	Уларнинг тиражи, млн. нусха	13,1	13,6	13,3	12,7	11,8	90,1
5.	Газеталар сони	609	620	606	602	589	96,7
6.	Уларнинг йиллик тиражи, млн. нусха	224,9	224,1	175,6	203,2	188,4	83,8

(Ойбекнинг “Навоий”, П.Қодировнинг “Юлдузли турлар” каби) қадимий урф-одатларимиз, замонамизнинг меҳнат қахрамонларининг ва спортчиларимиз эришадиган муваффақиятларни ифодалайдиган адабиётлар кўпайиши керак.

Газеталар аҳолига жорий даврда бўлаётган воқеа, ҳодисаларни, мавсумий ишларни ўз вақтида етказиб туриши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Ўқитувчи ва Мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида (2020 йил 30 сентябр) “Афсуски, биз кейинги йилларда “Мажбурий обуна” бахонасида ихтиёрий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва

домлалари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанадиган бўлдилар” деб бу соҳага муносабат билдирдилар.

Газета ва журналлардан обуначилар хабар, воқеаларни ўз вақтида, тезроқ ўқиб хабардор бўлиши лозим. Лекин обуначиларга улар ўз вақтида етказиб берилмаяпти, ҳатто айрим қишлоқ жойларида газета ва журналлар тўпланиб бир ойда бир марта етказиб берилмоқда. Албатта информацияни узатиш каналлари кўплигининг (радио, телеведения, интернет) ҳозирги шароитда бундай ҳолатлар, газета ва журналларга бўлган эҳтиёжни камайтиради. Бундан ташқари газета ва журналларга обуна бўлиш тўғрисидаги рекламалар сусайди. Шу ва бошқа сабабларга кўра кейинги йилларда газета ва журналлар чоп қилинган нусхалар тиражи бироз камайиб кетди.

3.8-жадвал

Мамлакатда фаолият юритаётган театр ва музейлар

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2018 йил 2014 йилга нисбатан, %
		2014	2015	2016	2017	2018	
1	Театрлар сони	49	52	53	50	50	102,3
2	Спектакллар сони	11540	10954	10563	10815	10770	93,3
3	Томоша-бинлар сони, минг киши	2755,6	2624,8	2639,7	2462,1	2394,9	86,9
4	Музейлар сони, бирлик	108	106	109	121	97	89,8
5	Музейларга ташриф буюрувчилар сони, минг	6016,9	5462,3	5371,1	6302,1	8147,6	135,4

Мамлакатимизда республика миқёсидаги ажойиб тарихга эга бўлган театрлармавжуд. Буларга А.Навоий номидаги Давлат академик театри, Ўзбекистон Миллий академик драма театри, Республикка ёш томошабинлар театри, Ўзбекистон русс академик драма театри, Республика кўғирчоқ театри кабилар киради. Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятлар марказларида ҳам театрлар фаолият юритади.

Театр ва музейлар аҳолининг маънавий ва маърифий даражасини оширишда муҳим восита ҳисобланади. Чунки томошабин ундаги бўлаётган (бўлган) воқеа, ҳодисаларни кўзи билан кўриб, қулоғи билан эшитади. “Майсаранинг иши”, “Келинлар кўзғалони”, “Маҳаллада дув-дув гап” каби спектакллар халқимизнинг мулкига айланган. Аҳолини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Ғалаба парки ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иккинчи жаҳон урушига икки миллион киши кетган, шулардан 600 минг киши ҳалок бўлган. Ғалаба парки экспонатларида ёшлар уларнинг ота-боболари Ватанини ҳимоя қилиш учун қандай оғир шароитларда мардоновор жанг қилганликларини гувоҳ бўлишади.

Аҳолининг маънавий-маърифий савиясини оширишда, маданий ҳордиқ чиқаришда радио ва телевидениaning ҳам аҳамияти катта. Мамлакатимизда Республика миқёсида кўрсатувлар олиб бораётган “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Спорт”, “Маданият ва маърифат”, “Дунё бўйлаб”, “Наво”, “Маҳалла”, “Оилавий”, “Болажон”, “Менинг юртим”, “Севимли” каби телеканаллар мавжуд. Бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятнинг ўз радиотелекомпаниялари фаолият юритади. Бундан ташқари аҳоли Россия ва кўшни давлатлар телекўрсатувларини ҳам кўриш имкониятига эга. Бу

телеканаллар туну-кун турли мавзуларда кўрсатувлар (эшиттиришлар) олиб боради. Ҳар бир телеканал энг аввало ўзининг номидан келиб чиқиб, тегишли мазмундаги воқеа, ҳодисалар тўғрисида хабар беради; кино ва бошқа кўрсатувларни ташкил этади.

“Ўзбекистон-24” телеканали мамлакатимизда ва дунёда бўлаётган воқеа, ҳодисалар тўғрисида хабарлар бериш билан бир вақтда, ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар тўғрисида, ҳамда “Ойдин ҳаёт” номли кўрсатув орқали аҳолининг тиббий билимини ошириб, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади. “Наво” канали эса турли йўналишдаги саноат кўрсатувларини олиб боради. Бунда республика ва жаҳон мусиқий асарларидан беради. Бу телеканалнинг “Унитилмас оҳанглар” йўналишида бераётган ҳамда мақомни тарғиб қилишдаги хизматларининг қайд қилиш лозим. “Спорт” телеканали спортнинг барча турлари бўйича кўрсатувлар тайёрлайди. Ҳозирги пандемия шароитида “Оилавий” ва “Маҳалла” телеканалларининг каронавирусга чалинган беморларнинг ёки бу касалликка чалинмаслик учун нима қилиш кераклиги тўғрисидаги аҳолининг саволларига мутахассисларни жалб қилиб, онлайн тарздаги савол-жавоблари таҳсинга лойиқ.

Айниқса кейинги йилларда (2019-2020 йиллар) Туркиянинг “Фазилат хоним ва кизлари” “Беқарор”, “Зулейха”, “Чукур”, “Истамбуллик келин”, “Қора ният” ва шу каби фильмлари кўпроқ намоёиш этилмоқда. Албатта ҳар бир фильмнинг ижобий ва салбий қаҳрамонлари бўлганидек, ижобий ва салбий томонлари ҳам бор. Бу фильмларнинг кўпларида оилавий жанжаллар, келишмовчиликлар, тўшпончадан отишмалар кўрсатилади. Бу борада “Қора ният” киносериалининг мазмуни жуда салбий. Бу фильмда биринчи

қахрамоннинг ажрашган хотинига иккинчи қахрамон уйланади, иккинчи кўйи б юборган хотинига учинчи қахрамон уйланади ва х.к. Ҳамма қахрамонларнинг нияти қора, яъни бир-бирига қандай қилиб ёмонлик қилиш, зарар етказиш, ҳаммасининг фикри ёвузлик қилишдан иборат. Айниқса, аёл актрисаларнинг кўплари елкаси очик, ярим яланғоч кийимда. Бундай сериалларни ота-она катта бўлиб қолган ўғил фарзанди ва балоғатга етган кизи билан томоша қилса, қандай маънавий озуқа олади? Бу борада мутахассислар ўз муносабатларини билдиради ва телеканалларимизда “Ўзбеккино” буюртмаси асосида суръатга олинган бадиий ва хужжатли фильмлар кўрсатилиши кўпаяди, деб умид билдирамиз.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам кинофильмлар олишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада Ўзбекистонликларнинг иккинчи жаҳон урушида ва фронт ортида кўрсатган жасоратини ифода этувчи “Илҳақ”, “Мўғил истилочилари билан қахрамонларча курашган Хоразм Шоҳ ўғли Жалолиддин Мангуберди ҳақида, буюк марифатпарвар Наманганлик Исҳақжон Ибрат ҳақида фильмлар олинди ва олинмоқда.

Режиссер Ж.Ахмедов суръатга олган “Илҳақ” фильми ҳаётини реал воқеаликларга асосланган. Унда Тошкент вилояти Зангиота тумани Хонобод қишлоғидан бўлган Зулфия ая Зокирова, ҳамда унинг иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган фарзандлари: “Исоқжон, Ахмаджон, Мухаммаджон, Ваҳобжон ва Юсуфжон, шунингдек фронт ортида машаққатли меҳнат қилган тўрт келинлари тақдирини тўғрисида ҳикоя қилади. Бу фильмда:

- ватанга муҳаббат, ватанпарварлик мужассам беш ўғил ватанга бостириб келган душманларга қарши

курашга, жангоҳга отланади, ая ва келинлари эса фронтортида меҳнат қилишади;

- меҳр, муҳаббат бор ая келинларига меҳр кўрсатади, келинлар эса уришга кетган эрларини муҳаббат билан кутади (хатто қора хат келса ҳам);

- сабр, тоқат бор – ая ўғилларининг, келинлар эрларининг урушдан қайтишини сабр, тоқат билан кутишади. Хуллас, бу фильм ўзбек халқининг барча жиҳатларини ифодаловчи ажойиб бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бу фильмни жуда катта қизиқиш билан кўрганлигини ва “қахрамонлик қасидаси” бўпти деб баҳо берганлигини айтган.

“Ибрат” бадиий фильми 1862 йилдан Наманган яқинидаги Туракўрғон қишлоғида туғилган, жадидчи, ёзувчи, таржимон, тарихчи, марифатпарвар бобомиз Исҳоқжон Ибрат ҳаётига бағишланган.

Исҳоқжон Ибрат ёшлигидан илм олишга қизиққан, кейинчалик Европа ва Осиё мамлакатларида бўлган, араб, русс, франсуз ва шу каби 8 тилни яхши ўрганиб, сўзлаша олган. Исҳоқжон Ибрат кўплаб илмий, тарихий ва тилшуносликка оид асарлар ёзган. Петербургдан қанча азоб-оқибатлар билан типография ускуналарини келтирган ва “Матбааи Исҳоқия” нашр-матбаа ташкил этиб, китоблар чоп қилишни йўлга қўйган. У киши замонавий (жадидлар) мактаблари очиб, бой ёки камбағал боласи демасдан, бепул ўқитган. Исҳоқжон Ибрат халқ тинчлиги, фаравон яшаши ва эртаси фақат илм-марифатда деб билган. Исҳоқжон Ибрат “Инсоннинг қандоғ кўмилмоғи эмас, қандоқ яшамоғи муҳим” деб ўргатади. Ибрат аввал Чор Россияси босиб олган мураккаб даврда, кейинчалик советлар тизими даврида фаолият олиб борди. Охири “советга қарши тарғибот”да айбланиб 1937 йилда қамалиб, қамоқда вафот этади.


Бу фильмда ҳам ватанпарварлик ғояси асосий бўлиб, илм-маърифатга, ҳалолликка тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Демак, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги тарихий ва замонавий қаҳрамонларимиз ҳақида, айниқса ҳозир иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда қаҳрамонларча меҳнат қилаётган (фаолият юритаётган) шахслар ва корхона, ташкилот, муасасалар тўғрисида хужжатли фильмлар олиб, уларни томошабинларга етарлича реклама қилса, кишилар, айниқса ёшлар улардан ўрнат олиб илм-фанга, билимга, хунарга қизиқиши кучаяди. Натижада илм-фан ютуқларига эришган, иқтисодиёти ривожланган ва аҳолиси янада фаровон яшаётган мамлакатга айланади.

IV БОБ. ДАРОМАДЛАР ТЕНГСИЗЛИГИ ВА КАМБАҒАЛЛИК

4.1. Аҳоли даромадлари тенгсизлиги моҳияти

Дунё мамлакатлари аҳолиси турмуш даражаси билан фарқ қилади. Бунга турли сабаблар билан (кўп йиллар мустамлака бўлганлиги, табиий шароити, табиий бойликларининг мавжудлиги, кўп йиллик урушлар ва шу қабилар) мамлакатлар иқтисодиётининг турлича ривожланиши асосдир. Лекин бир мамлакат ичида ҳам аҳолининг турли қатламлари даромадлари ҳар хилдир. Аҳолининг ақл-идроқи, жисмоний соғломлиги, билими, малакаси, оила таркиби, тадбиркорлик омади ҳар хил. Шу сабабли оилалар турлича даромад топадилар ва натижада турмуш даражалари ҳар хил бўлади. Назарий жиҳатдан даромадларнинг ҳақиқий тақсимоти эгри чизик билан ифодаланади ва Лоренц чизиғи дейилади.



Мутлоқ тенгликни ифодаловчи тўғри чизик билан Лоренц эгри чизиғи ўртасидаги тафовут даромадлар тенгсизлик даражасини ифодалайди. Бозор муносабатлари аҳоли даромадларининг мутлоқ

тенглигини инкор этади. Шу билан бирга 10 % аҳоли даромадларининг 100 % ини ўзлаштириб олиши мумкин ҳам эмас. Чунки бундай ҳолда 90 % аҳоли даромадсиз қолиб, қашшоқликга маҳкум этилган бўлур эди. Унинг тескариси 90 % аҳоли бой бўлиб, 10 % аҳоли қашшоқ бўлиши ҳам мумкин эмас. Лоренц қондаси бўйича аҳолининг катта қисми ўрта хол бўлиб, камбағаллар ва ута бойлар жуда кам қисмини (10 фоизини) ташкил қилар экан.

Камбағал сўзи форс-араб сўзларидан олинган бўлиб, Қашшоқ, йўқсил” маъноларини англатар экан. Қашшоқ сўзининг мазмуни чуқурроқдир. Камбағал сўзи кўпинча моддий етишмовчиликни “моддий қашшоқликни” англатади. Бундан ташқари “маънавий қашшоқ”, “руҳий қашшоқ” инсонлар ҳам бўлиши мумкин.

Камбағалликнинг саббалари турлича бўлиши мумкин. Айрим оилалар борки, 1-2 та аъзолари ногирон бўлиб (отаси ёки онаси, ёки болалари), оиладаги 1 та ишловчининг даромади оила аъзоларини тўлиқ моддий момондан таъминлай олмайди. Айрим оилаларда 3-4 ёш фарзандлар бўлиб, боқувчисини йўқотганлиги сабабли, моддий ёрдамга муҳтождир.

Ҳукуматимиз бундай оилаларни моддий томондан қўллаб, турли хил нафақалар бериб туради.

Лекин шундай оилалар борки, меҳнатга лаёқатли оила аъзолари бўлса ҳам, бирор мутахассисликни, ҳунарни эгалламаганлиги сабабли, даромади жуда кам, оила аъзоларини боқишга етмайди. Дангаса, ишёқмас, бепарво инсонлар ҳам бор. Бундай инсонлар бор томорқасига ҳам бирор нарса экиб даромад олмайди. Бундай инсонларнинг мавжудлигига энг аввало ота-оналар, кейинчалик мактаб ва маҳалла ҳам айбдордир.

Ота-оналар маблағи кўпайиб (моддий бой) қолсалар, биз қийналиб ўсдик, фарзандларимиз қийналмасин деб, улғайган қизларининг қўлини совук сувга ювишга ҳам қўйишмайди. Уғилларини эса туғилган кунига машина совға қилиб, эркатой қилиб устирадилар. Натижада эртақдаги эмас, ҳаётдаги Қимматойлар ушиб ўлғаяди. Бундай ота-оналар донишмандларнинг фарзанд тарбиясидаги қуйидаги уғитларини ўқимаган (эшитмаган) ёки ўқиган бўлса ҳам ёдларидан чиқаришган. Донишмандлар болалар ёшлигида, то 5-7 ёшгача подшоҳдек муносабатда бўлиш лозимлигини, 7-10 ёшдан ўсмирлигида кулдек муносабатда бўлишликни, 14-15 ёшдан кейин дўстдек муносабатда бўлиш лозимлигини ўқтиришган.

Албатта қадимдан шаклланган урф-одатларимиз бор. Унга асосан қизлар-аёллар асосан уйни озода тутишлари, сифатли, ёқимли таомлар, овқатлар пиширишни билишлари, кийим-кечакни ювишни, таъмирлашни билишлари лозим.

Уғил болалар уйларни таъмирлашни, техникаларни (телевизор, музлатгич, чангюткич ва шу кабиларни) ишлатишни яхши билишлари, томорқада мева, сабзаёт етиштиришни, чорва, паррандаларга қарашни билишлари (ўрганишлари) керак. Ахир халқимизда “бир йигитга қирқ хунар ҳам оз” деган мақол бекорга айтилмагандир. “Қимматдек” қизлар турмушга чиққандан кейин, овқатланишни ресторанда бўлишни, кийимларнинг тугмаси тушиб қолса ҳам тикувчи тикишни хоҳлашади. Иш ёқмас, дангаса эркатой йигит эса (оила бошлиғи), ёнбошлаб телевизор кўришни қойил қилади. Бундай фарзандлар табиий тарзда оила қуришга эҳтиёж сезсалар ҳам, ҳаётий оила қуришга тайёр эмаслар. Шунинг учун ҳам ёш оилаларда (бундай фарзандлар қурган)

жанжаллар, ўзаро тушунмовчиликлар кўп бўлиб, охири ажралишгача бориб етади.

4.2. Истеъмол саватчаси ва камбағаллик

Камбағаллик “Истеъмол саватча”си ёрдами билан аниқланади. “Истеъмол саватча”си муайян вақт давомида инсоннинг ҳаёти ва саломатлигини тиклаши учун зарур бўлган маҳсулотлар, товарларва хизматларнинг энг кам миқдоридир. “Истеъмол саватчаси”га озиқ-овқат товарлари, ноозиқ-овқат товарлари ва хизмат турларини ўз ичига олади. “Истеъмол саватчаси” бир киши истеъмол қиладиган маҳсулотлар, товарлар, хизматлар асосида тузилади. Чунки ҳар бир инсон овқатланиши, кийиниши лозим ва турли хизматлардан фойдаланади.

Жаҳон амалиётида мамлакатда “Истеъмол саватчаси”ни белгилаш учун бир неча усуллар ишлаб чиқилган:

- Статистик усул, маълум бир мамлакатнинг энг бадавлат фуқароларининг даромадлари даражасида, истеъмол минимумини белгилашни назарда тутди. Бу усул даромад даражаси жуда юқори бўлган давлатларда қўлланилиши мумкин.

- Ижтимоий ёндашув усули аҳоли ўртасида минимал даромадлар юзасидан ўтказилган ижтимоий сўровномалар натижаларига асосланган. Бундай усул кўпроқ маслаҳатлашилиб ҳал этилади, чунки унинг натижалари давлатнинг реал иқтисодий имкониятларига мос келмаслиги мумкин, лекин у одамларнинг ҳақиқий эҳтиёжларини ифодалайди.

- Ресурс услуги, иқтисодиётнинг истеъмол минимумини таъминлаб бериш имкониятига асосланган

бўлиб, бундай услуб кўпроқ ривожланган мамлакатларда қўлланилади.

• Кўшма (комбинированный) услуб, бир неча усулни ўзига бирлаштиради. Яъни озиқ-овқат қиймати – меъёрларда, уй-жой коммунал хизматлар – фактларда ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари – умумий харажатларнинг улуши бўйича аниқланади.

Амалда, минимал “Истеъмол саватчаси” сифатида кунлик минимал қийматини белгилашдан иборат меъерий усул қўлланилади. Ҳар бир давлат энг кам истеъмол саватини яратишнинг ўзига хос хусусиятларига эга.

Турли мамлакатларда, масалан, Литва, Беларус ва Эстониядаги каби ижтимоий ёки масалан, Россияда ёки Қозоғистонда каби физиологик истеъмол минимумлари қўлланилади. Литвада истеъмол минимуми оиланинг 4 нафар аъзосининг эҳтиёжлари асосида аниқланади. Яъни 14 ёш атрофидаги ўғил, 6-8 ёшлардаги қиз ва ота-она. Бошқа оилалар учун махсус коэффициентлар қўлланилади. Товарларнинг озиқ-овқат улуши 50 дан ортиқ товарни ўз ичига олади ва истеъмол минимуми бюджетнинг 45-50 фоизини ташкил этади.

Истеъмол минимумини шакллантиришга яна бир усул мавжуд бўлиб, у нисбий усул деб аталади. Нисбий усул ёки ўртача даромадни ҳисоблаш усули асосан ривожланган бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда қўлланилади. Ўртача даромад деганда шундай даромадни тушуниш лозимки, унда аҳолининг ярми белгиланган устундан юқори ва ярми камроқ даромадга эга бўлади. Худди шундай АҚШ, Буюк Британия, Германияда истеъмол минимуми миқдори ўртача даромаднинг 40 фоизини, Финландия, Италия, Грция,

Испанияда – 50 фоизини, Португалия ва Ирландияда – 60 фоизни ташкил этади.

Истеъмол минимуми ҳажмини ҳисоблашда куйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- **иктисодий**, жумладан, иқтисодий ривожланиш талаблари: бозор иқтисодиётининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятни шакллантириш, меҳнат муносабатларини демократлаштириш, бюджет даромадларини тўлдириш бўйича чора-тадбирлар;

- **ҳуқуқий**, меҳнат қилиш ҳуқуқи, шахснинг мустақил ҳаёт кечирishi учун ишга лаёқатлилиги тушуниладиган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро Пактга мувофиқ, ҳамда эътироф этган инсон ҳуқуқларига риоя қилиш;

- **ижтимоий**: маошнинг умумий даражаси, иш ҳақи ва маҳсулдорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатиш, иш ҳақи ва меҳнат нафақалари минимал давлат кафолатларини ошириш орқали истеъмол минимум даражасига босқичма-босқич эриши.

Истемол саватчасининг озиқ-овқат маҳсулотлари таркибини аниқлаганда инсонларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини истемол қилиш физиологик меъёрларидан (нормаларидан) келиб чиқади. Маълумотларга қараганда 16-59 ёшдаги эркеклар рациониди жами 2400 калория (88,7 гр. Оқсиллар; 100,3 гр ёғлар, 297,8 гр углеводлар); 16-55 ёшгача бўлган аёллар рациониди эса 2312,4 калория (83,1 гр оқсиллар, 96,4 гр ёғлар, 286,6 гр углеводлар) бўлиши лозим экан.

Ноозик-овқат товарларидан истеъмол саватчасига кийим-кечак, пойабзал, хўжалик буюмлари, маданий-маиший буюмларнинг энг зарурлари киритилиши керак. Хизматлардан коммунал хизматлар, транспорт

хизматлари ва бошқа зарурий хизматларга бўладиган харажатлар киритилиши лозим.

“Истеъмол савалчаси” дунёдаги жуда кўп мамлакатларда ҳисобланган бўлиб, уларнинг таркиби ҳамда давлатларда ҳар хилдир. Масалан, Германияда “Истеъмол савалчаси”га 475 номдаги товар ва хизматлар киритилган, Буюк Британияда – 350 номдаги, АҚШда – 300 номдаги, Россияда эса 156 номдаги кундалик ҳаёт учун зарур товар ва хизматлар киритилган. Албатта, “Истеъмол савалчаси”га қанча номдаги товарлар ва хизматлар сони киритилгани муҳим бўлмаса керак. Муҳими энг зарурий товарлар ва хизматларнинг бирор ёки бир неча тури қолиб кетмаслиги керак. Масалан, инсон нафақат овқатланиши, кийим-кечак кийиши, балки маданий ҳордиқ чиқариши учун театрга, музейга бориши, фойдали китоблар ўқиши лозим бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотларини “Истеъмол савалчаси”га гуруҳлаган тарзда: гўшт ва гўшт маҳсулотлари; сут ва сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари каби киритилиши мумкин. Маълумки, бу маҳсулотларнинг ҳар бир гуруҳи 10 тадан кўпроқ маҳсулот турларини ўз ичига олади. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари бир номда берилгани билан, киши хоҳласа кўй гўшти, хоҳласча қорамол гўшти, хоҳласа парранда, қўйинки қайси гўшт ва гўшздан тайёрланган бошқа маҳсулотлардан (калбаса, сосиска ва шу кабилар) хоҳласа ўша туридан истеъмол қилади.. Бу хулоса товарнинг бошқа турларига ҳам тааллуқлидир.

“Истеъмол савалчаси”нинг таркиби мамлакатларнинг географик жойланиши, яъни табиий-иқлим шароитларини, иқтисодий ривожланганлигини, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг ҳақиқий

ўртача истеъмол қилиш даражасини ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Демак, “Истеъмол савалчаси” асосан 3 қисмдан иборат бўлиб, унда озиқ-овқат товарлари, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматлар турлари кўрсатилади. Бунда уларнинг ҳиссаси қанча бўлиши ҳар бир мамлакатнинг ҳақиқий истеъмол даражаси ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Россия федерациясининг 2012 йилдаги “Россия Федерацияси бўйича истеъмол савалчаси тўғрисида”ги қонунида озиқ-овқат маҳсулотлари – 50 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматларнинг ҳар бири 25 фоиздан ташкил қилади.

Қозоғистонда “Истеъмол савалчаси” таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари – 55 фоизни ташкил этади. Маълумотларга қараганда Ўзбекистонда аҳоли харажатларининг 45-48 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларига, 31-33 фоизи ноозиқ-овқат товарларига ва 20-21 фоизи хизмат турларига сарфланади¹⁴.

“Истеъмол савалчаси” аҳолининг 3 та асосий ижтимоий-демографик гуруҳи: меҳнатга лаёқатли аҳоли, нафақадагилар ва болалар учун алоҳида тузилиши лозим. Чунки уларнинг истеъмол таркиби ҳар хилдир. Меҳнат қилаётган кишилар пенсионерлар ва болаларга нисбатан калорияси кучли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши лозим, транспорт ва солиқ (даромад солиғи) харажатлари ҳам кўпроқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик,

¹⁴ Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Стат. тўплам. Давлат Статистика қўмитаси. Т. 2019, 74-76 бетлар.

инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонига асосан, республикамизда “тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” ва “Истеъмол савалчаси” тушунчаларини ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқиш белгиланган эди. 2019 йил апрелдаги қарорда ҳам мамлакат Президенти Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига 2019 йил 1 декабргача “Истеъмол савалчаси”нинг аниқ таркибини ва қийматини аниқлаш вазифасини белгилади.

Бу вазирликнинг маълум қилишича “Истеъмол савалчаси” методологияси ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирча Фарғона ва Тошкент вилоятларида эксперимент тариқасида қўлланиб, ўрганиш ишлари олиб борилмоқда¹⁵. Бунда озиқ-овқатга бўладиган харажатлар, аҳолининг барча харажатларининг 55,0 % ташкил этади.

4.3. Камбағаллик чегараси ва даражаси

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг бир қисми даромадлари кам бўлганлиги сабабли ўзларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмайди. Аҳолининг бундай қатламини камбағаллар дейилади. Аҳоли даромадлари ва камбағаллик даражасини оилаларни танлаб кузатиш йўли ва норматив усул билан аниқлаш мумкин. Танлаб кузатиш усулида оила даромадлари мамлакат ўртача даромадидан бир неча баравар паст бўлсада, бу оила камбағал ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам норматив усулда камбағаллик аниқланади. Бу усулда энг зарурий озиқ-овқатлар, истеъмол буюмлари ва хизматлар тўплами

¹⁵ Даракчи газетаси. №47. 2019 йил 21 ноябр, 7-бет.

(истеъмол савати) қиймати асосида аниқланади. Бу қиймат истеъмол бюджетини ташкил этади. Энг кам истеъмол бюджетига ёки унинг бир қисмига (мисол 50 фоизи) тўғри келадиган даромад камбағаллик чегараси (кч) дейилади.

Аҳолининг (оиланинг) камбағаллик чегарасини аниқлаш жуда мураккабдир. Чунки оилани камбағал деб белгилаш учун оила аъзолари оладиган барча даромадларига боғлиқ. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида аҳоли даромад олиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Лекин аҳолининг даромад олиши жуда турлича бўлганлиги сабабли уларни аниқ ҳисоблаш мушкул вазифадир. Аҳоли ёлланма ишчи сифатида меҳнат ҳақи олади, тадбиркорлик субъектлари фойда (даромад) олади, хунармандлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар уларни сотиб, даромад оладилар ва ҳоказо.

Ходимларнинг меҳнат ҳақи қайдномаларида қайд қилинади, тадбиркорлар молиявий натижаларини ҳисоботларида акс эттиради. Лекин аҳоли оладагн даромадларининг айрим турлари бўйича (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишдан, томорқадан ва шу қабилар танлаб кузатиш йўли билан даромад аниқланади. Шу билан бирга ҳали “яширин иқтисодиёт” мавжуд бўлиб, унда ишлаётган ходимлар оладиган даромадлар (иш ҳақи, натура тарзида оладиган даромадлар) ҳеч жойда қайд қилинмайди. Шу билан бирга томорқадан аҳоли турлича даромад олади. Айрим оилалар ернинг “тили”ни яхши ўрганиб, ердан бир неча марта ҳосил олиб, ундан катта даромад оладилар. Ер – битмас-тугамас ҳазинадир.

Хукуматимиз камбағаллик чегарасидан паст даражада яшовчи аҳолига турли ёрдам кўрсатиб, ўзининг ижтимоий ҳимоясига олган.

Мамлакат ёки ҳудуд бўйича камбағалликнинг вақт (давр) мобайнида ўзгариши статистикада камбағаллик индексида ифодаланади. Камбағаллик индекси (Жк) ушбу даврдаги камбағаллик коэффицентини (KK_1) таққосланаётган базис давр камбағаллик коэффицентига (KK_0) бўлиб топилади. Яъни $Жк = KK_1 : KK_0$.

Ўз навбатида камбағаллик коэффицентлари эса жорий давр ёки базис даврларда камбағаллик чегарасида паст даромадга эга бўлган аҳоли (КЧПА) сонини барча аҳолининг тегишли даврдаги ўртача сонига бўлиб топамиз.

$$KK_1 = \frac{КСНРА_1}{A_1}; \quad KK_0 = \frac{КСНРА_0}{A_0}$$

Бу кўрсаткичларни $Жк > 1$ бўлса, камбағаллик даражаси чуқурлашаётганини билдиради. Камбағаллик даражасининг саёзлашуви умуман аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради.

4.4. Пандемия ва камбағаллик

2019 йилнинг кеч кузида Хитойда коронаверус касаллиги аниқланди. Бу касаллик одамларнинг ўзаро мулоқоти сабабли бир-бирига юқиши сабабли, одамлар кўп тўпланадиган жойларда (овқатланиш, кинотеатрларда, транспорт, йиғилиш ва шу кабиларда) тез тарқалиб, бутун дунё мамлакатларини қамраб олди. Дунё бўйича ҳозиргача (2020 йил ноябрь) бу касаллик билан касалланганлар сони 62 миллион кишидан ошиб

кетди. Бу касалликлардан мамлакатларда кўплаб инсонлар вафот этмоқда, бундан ташқари моддий ва молиявий зарар кўрмоқда. Бу касаллик дунё мамлакатларини қамраб олиб, катта талофатларга сабаб бўлганлиги учун, жист уни пандемия деб атади (2020 йил 11 март).

Касалликнинг тезда тарқалиб кетишини олдини олиш ва талофатларни камайтириш учун дунё мамлакатлари турли чекловларни амалга оширмоқда. Бу биринчи навбатда одамлар кўп тўпланадиган фаолият (ошхоналар, тўйхоналар, кинотатрлар, жамоат транспортлари, авиация ва темирйўл транспорти ва шу кабилар) турлари тўхтатилди. Натижада таъминот ёки маҳсулотини хорижга сотувчи корхоналар фаолияти ҳам тўхтаб қолди ёки жуда сустрлашиб қолди. Туризм фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти ҳам тўхтаб қолди. Шунинг учун ҳам жуда кўп фаолият юритувчи субъектлар ходимларини ишдан бўшатишди ёки иш ҳақи тўланмайдиган таътилга чиқаришди.

Пандемия фаолият юритувчи субъектларга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Чунки фаолият тўхтатилганлиги ёки секинлашганлиги сабабли, даромадлари камайди, лекин харажатлари (асосан оимий: раҳбарлар ва қаравуллар иш ҳақи, электр энергия каби харажатлар ҳисобидан) сакланиб қолди.

Халқаро Валюта фондининг ҳисоб-китобига кўра жаҳон иқтисодиёти 2020 йилда 3 фоизга пасаяди. Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатиб, мамлакат ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари (2018 йилда ----- 2019 йилда – 5,6 %) секинлашади ва 2020 йилда иқтисодий ўсиш 1,8 фоизни ташкил этади деб башорат қилинган.

Пандемия сабабли мамлакатимизда фаолият юритувчи субъектлар фаолияти тўхтатилганлиги ёки секинлашганлиги натижасида ишсизлар сони кўпайди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар банкрот бўлиш натижасига яқинлашди, аҳолининг маълум қисми даромадсиз қолди. Бундан ташқари чет мамлакатларда меҳнат қилиб юрган Ўзбекистонлик 3 млн.га яқин кишилар, у мамлакатларда карантин (чекловлар) жорий қилиниб, корхоналар фаолияти тўхтатилганлиги сабабли, мамлакатимизга қайтиб келдилар (асосан Россия Федерацияси, Қозоғистон, Туркиядан). Улар ҳам маълум даражада ишсизлар сонини кўпайтирди. Бундай вазиятда мамлакат президенти ва Ҳукумати иқтисодий тармоқларнинг фаолият юритишига имконият яратиб, иқтисодий ўсишни таъминлаш, ҳамда аҳолининг турмуш даражасининг (айниқса кам таъминланган, ногиронлиги бор аҳолилар ва ёлғиз кексаларнинг) пасайиб кетишининг олдини олиш чораларини кўрдилар. Бу борада Респубилка Президентининг 2020йил 19 мартдаги 5969-ПФ-сонли “Коронаверус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатда чоратадбирлар тўғрисида”ги фармони ва 2020 йилнинг 3 апрелдаги яна бир “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт армоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Бу фармонларга асосан иқтисодий тармоқларда фаолият юритаётган юридик шахслар ва аҳолининг солиқ тўлаш муддатлари кечиктирилди, корхоналар ва бошқа тадбиркорларга турли имтиёзлар (банк кредитларини тўлашда, фоизлари ва жарималарини ҳисоблашда)

берилди, аудиторлик текширувлари йил охиригача тўхтатилди.

Пандемия даврида аҳолининг иш билан банд қилиб, даромадга эга бўлиш, томорқадан тўғри ва самарали фойдаланиб даромадга эга бўлишга, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга катта эътибор берилди. Бу борада “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ҳар бир ёшга – бир гектар” дасутрлари бўйича амалий ишлар олиб борилди. Хунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича фаолият юритишлари учун имкониятлар яратилди. Кимларга тикув машинаси керак бўлса олиб берилди, меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналар сотиб олиш учун банклардан имтиёзли кредитлар ажратилди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга катта аҳамият берилди. Худудларнинг тўпроқ шароитидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш ва юқори ҳосил олиш йўлга қўйилди. Томорқага катта аҳамият берилди. Чунки суғориладиган ерларнинг катта қисми аҳоли томорқалари ҳисобланади. Аҳоли тоомрқасида етиштириш учун сара уруғлар билан таъминланди, ерлари ҳайдалиб (шудгорлаб) берилди.

Бу борада ҳуруд ҳокимлари ва сектор раҳбарлари ҳар оилага бориб, уларнинг имкониятларини ўрганиб, тадбиркорлик фаолиятини юритмоқчи бўлганларга ҳар томонлама ёрдам бердилар, жуда кўп жойларда иссиқхона (теплица) куриб берилди. Буз ерлардан артезиан кудуқлар қазилиб, сув чиқарилиб, меҳнатга лаёқатли ишсизларга имкониятига қараб, 20 сотихдан 1 гектаргача ерлар бўлиб берилди. Бу ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун барча

шароитлар (сара уруғлар билан таъминлаш, ерни шудгорлаб бериш, тайёр маҳсулотларни сотиб олиш ва шу кабилар) яратилди.

Оилалар ўрганилиб, имкониятидан келиб чиқиб, ногиронлиги бор кишиларни ҳар бир хунарга ўргатиб, даромад олиш йўллари аниқланди. Оила ҳғжалигида қорамол, қўй, эчки, куён, жўжа, бройлер товуқлар, куркалар, бедана кабиларни боқиб, даромад олиш имкониятлари яратилди, балиқчилик, асаларичилик, ипак етиштириш каби фаолиятга ҳам эътибор берилди. Натижада камбағал ҳисобланиб, “Темир дафтарга” киритилган, кўпгина оилалар ўз хоҳишларига кўра, даромадли бўлдиқ дейишиб, бундай дафтардан чиқдилар.

Ўзбекистон халқи, ўзбеклар меҳнатқаш, меҳрибон халқдир. Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тоғув ва бир-бирига ёрдам бериб, меҳрибонликда яшамокдалар. Бу борада пандемия шароитида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилаларга, якка-ёлғиз қарияларга, ногиронлиги борларга, даромадсиз қолган, вақтинча ишсизларга, мамлакат худудларида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракат йўлга қўйилиб, озиқ-овқат ва керакли товарлар етказиб берилди.

Мамлакат Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, ҳокимлар, сектор раҳбарлари пандемия шароитида ишсиз қолиб, даромадга эга бўлмаган оилаларни, кам таъминланган оилаларни, ногиронлиги бор оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида, ҳамда камбағалликдан чиқариш йўлида турли чораларни кўрдилар. Бу борада қилинган амалий ишлар телевиденияда кўрсатилди, ОАВда мақолалар ёзилди.

Мисол тариқасида Самарқанд вилояти газетаси “Зарафшон” газетасида чоп қилинган айрим

мақолаларнинг қисқача мазмунини баён қиламиз. Бундан ўзларингиз (азиз ўқувчилар) хулоса чиқариб оласизлар.

1. “Зарафшон” газетаси №-62 2020 йил 9 июн.

“Кўшрабодликлар деҳқончилик қила олади” мақолада туманда 1965 камбағал оила рўйхатга олинган бўлиб, бу хонадонларда яшовчи 3400 киши меҳнатга лаёқатлилиги аниқланиб, турли ишлар билан банд қилинган. Лалми ерларга 5 мингта артезиан кудуғи казилиб, 8 минг гектар ерни суғориб, асосан серунум ток (узумни майиз қилиш учун), ёнғоқ ва бодом экилган. Улар етилиб ҳосилга киргунча қатор ораларига памидор, пиёз, саримсоқ пиёз, сабзи каби маҳсулотлар экилиб, даромад олишган. Тоғли, тоғ олди ҳудудларда Қозоғистон ва Россиядан насли кўй ва эчкилар олиб келиниб боқилмоқда. Туманда тадбиркорларга имкониятлар яратилиб, саноатни ривожлантиришга эътибор берилмоқда.

2. “Зарафшон” газетаси № 65 2020 йил 16 июн.

Булунғур туманидаги 41 минг оиладан, 2106 таси камбағал оила сифатида рўйхатга олинган. Қишлоқларнинг азалдан нима билан шуғулланганлиги ўрганилиб, “бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқлар ихтисослаштирилган. Навоий қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 8 та маҳалла картошка етиштириш, Қиём, Олмазор, Тонготар қишлоқ аҳолиси памидор, ундан кейин саримсоқпиёз етиштиришга, Нурлийўл маҳалласи бройлер жўжа боқишга мослаштирилиб, бу ердаги ишсиз, камбағал оилаларга ҳар томонлама (уруғлик, ер ҳайдаш каби) ёрдам берилган. 167 оилага 20 сотихдан ер ажратилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда уруғлик, минерал ўғитлар билан ёрдам берилган. Бройлер жўжаларини шу ҳудуддаги “Достонбек Нажмиддин

чорваси” корхонаси камбағал оилаларга озуқаси билан тарқатиб, жўжалар катта бўлгач, ўзлари сотиб олади. Оилалар эса ҳар бир жўжадан фойда оладилар.

3. “Зарафшон” газетаси № 67 2020 йил 20 июн.

“Эҳтиёжманд оилаларга кўмак беришда янгича ёндашув” мақоласида Пахтачи туманида 2766 камбағал оила рўйхатга олинган. Худудларга тижорат банклари филиаллари бириктирилган бўлиб, улар хонадонларга бориб, кимларга нималар учун имтиёзли кредитлар бериши аниқланиб, 8 миллиард 357 миллион сўмлик кредитлар ажратилган. Туманда 3 та ишлаб чиқариш кооперативи ташкил этилиб, 112 оилага 26 гектар ер берилиб, турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиб, даромад олинган. Айрим хонадонларга тикув машинаси берилган, айримлари товук, қуён боқиш учун имкониятлар яратилган.

4. “Зарафшон” газетаси № 77 2020 йил 11 июл.

Такрорий экин ер учун ҳам, деҳқон учун ҳам кони фойда мақоласида. Вилоят деҳқонлари ғалладан бўшаган 78 минг гектар майдонга такрорий экин экмोकда. Жумладан, 6 минг 600 гектардан ортиқ ерга полиз-сабзавот, 35 минг 214 гектарга дуккакли, 350 гектарга лалми экинлар, 26,5 минг гектарга озуқа экинлари, 9 минг 920 гектарга картошка ва бошқа экинлар экмोकда.

Такрорий экинлар бўлиб, соя, мош, ловия, тарик, ерёнғок, сабзавотлардан помидор, карам, сабзи, картошка, шалғом, бодринг кабилар экилади. Такрорий экинларнинг ҳосили ички аҳоли истеъмоли, қайта ишлаш саноати корхоналарига, талаблардан ортиғи экспортга йўналтирилади. Ҳозир вилоят қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 80 дан ортиқ давлатлар бозорларига етказиб берилмокда. Ушбу йилда Окдарё ва Пайариқ туманларида тўйимли, дони таркибида темир, кальций,

фосфор ва бир қанча витаминлар бор бўлган Маржумак (гречиха), Жомбой ва Каттакўрғон туманларида шифобахш (қандли диабет, астма, ангина, ошқозон-ичак касалликларига) Бамия экини 100 гектарга экиш режалаштирилган. “Аббосхон Шахноза” фермер хўжалиги ғалладан бўшаган ерларни кам таъминланган оилаларга 20-30 сотихдан ажратиб берган бўлиб, 170 тоннадан кўпроқ маҳсулот олиб, 200 миллион сўмдан ортиқроқ даромад олиш ниятида.

5. “Зарафшон” газетаси № 107 2020 йил 24 сентябрь.

Оқдарё туманидаги 9 та маҳалладаги “темир дафтарга киритилган 350 та кам таъминланган оилага кафолатланган даромад манбаини яратиш мақсадида, уларнинг 400 дан кўпроқ аъзолари доимий иш билан таъминланган, 15 тасига субсидия асосида, 50 тасига имтиёзли кредит маблағлари эвазига иссиқхона куриб берилган.

4.5. Камбағалликни қисқартириш йўллари

Назарий асосларга кўра жамиятда умуман камбағалликни йўқ қилиб бўлмайди. Юқоридаги бўлган сабабларга кўрпа жамиятда маълум қисм камбағаллар бўлади. Лекин камбағалликни қисқартириш чораларини мунтазам равишда мамлакат раҳбарияти мустақиллигимизнинг дастлабки кунидан аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширди. Иқтисодиётда бозор муносабатларининг танлангани аҳоли турмуш даражасини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Чунки бозор муносабатлари инсонларнинг иқтидорини, тадбиркорлигини, касб-ҳунар маҳоратини руёбга чиқаришга имконият яратди.

Натижада мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Улар янгидан-янги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириб, ўзлари ҳам даромадли бўлмоқдалар, янги иш ўринлари яратиб ходимларга меҳнат ҳақи тўлаб, уларнинг ҳам даромадларини кўпайтирмоқдалар.

Ходимларнинг асосий даромадларидан ҳисобланган иш ҳақи мамлакат Президенти қарори билан ҳар йили бир неча марта оширилмоқда. Минимал иш ҳақи 2005 йил 1 майдан 7835 сўм бўлган бўлса, ҳозирги пайтда 2020 йил 1 сентябрдан 262470 сўмдир. Ушбу даврда тегишли равишда ногиронлиги борларнинг, ёш болаларни тарбиялашга, кам таъминланган оилалар нафақалари ҳам бир неча бор кўпайтирилди.

2019 йилга мамлакатда рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони 339034 та бўлиб (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз), уларнинг сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Уларнинг 88,0 фоиздан кўпроғи хусусий мулк шаклида фаолият юритади. Бу борада савдо, умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар тармоқларининг кўплари 90 фоиздан кўпроғи хусусий мулкка асослангандир. Натижада тадбиркорлардан олинадиган даромадлар ҳиссаси йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида "... ҳисоб-китобларга кўра" аҳолининг 12-15 фоизи кам таъминланган эканлиги, улар 4-5 миллион кишини ташкил этишини таъкидлади. Шу билан бир вақтда Президент аҳолининг камбағилликдан чиқиш йўлларини ҳам 2020 йил 28 февралда бўлиб ўтган ведиоселектор йиғилишида кўрсатиб ўтди. Бу энг аввало "...камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёнпасига кредит бериш, дегани

эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини ўйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, ... манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш” демакдир.

Камбағаллик сабаблари турлича бўлиши мумкин. Ишга лаёқатсиз, ногиронлиги бор одамлар: оиласида кўпроқ ёш болали бўлган оилалар, қаровчисини йўқотган оилалар. Бундай оилаларга давлат бюджетидан турли нафақалар берилади. Лекин шундай оилалар борки, уларда ишлаш имконияти бўлсада ҳам ишламайдилар, томорқасифойдаланувсиз, ёввойи ўтлар ўсиб ётади. Бундай кишиларни тарбиявий-маърифий ишлар билан ишбилармонликка, тадбиркорликка ўргатиш, керак бўлса ўқитиш лозим.

Видеоселекторда ҳозирги кунда мамлакатимизда расман иш билан банд бўлмаган 1 миллион 400 мингга яқин аёллар ва ёшлар борлиги, шу билан бир вақтда жойларда қурилишда 104 минг, коммунал соҳада 71 минг, хизмат кўрсатиш соҳасида 68 минг, енгил саноатда 46 минг нафар мутахассисга эҳтиёж мавжудлиги айтилди. Шунинг учун ҳам ҳар бир ҳудудда, маҳаллаларда касбга тайёрлаш марказлари, тадбиркорликка ўқитиш курслари ташкил этиш лозим.

Камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро тажрибалар, биринчи навбатда Хитой тажрибаси ўрганилмоқда. Хитой кейинги 40 йилда 800 млн.дан кўпроқ камбағал аҳолини камбағалликдан чиқарди.

1978 йилда Хитойда 770,0 млн.дан кўпроқ камбағал бўлган бўлса 2019 йил охирига келиб, уларнинг сони 5,5 млн.гина (0,4 % 1,4 млрд аҳолидан) қолди.

Бунга асосан Хитой қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларининг қўллаб-

қувватлаш, томорқа ерларини кўпайтириш, қишлоқдаги ерларни хунарга ўргатиб, шаҳардаги бўш иш ўринларига жалб қилиш орқали эришди. 1978-85 йилларда кўрилган чора-тадбирлар натижасида (ерлардан самарали фойдаланиш, хосилдорликни етиштириш кабилар).

Пахта – 73,9 % га, гўшт – 87,8 %, ўсимлик ёғи олинадиган маҳсулотлар – 3 барабар кўпайди. Қишлоқ аҳолисининг жон бошига даромади 3,6 мартага ошди. Кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича Хитой дунёдаги етакчи эксперт қилувчи мамлакатга айланди.

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилашда “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Томорқани ривожлантириш” дастурлари бўйича олиб борилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу дастурдаги вазифаларни амалга ошириш учун жойларда катта маблағлар сарфланаяпти. Янги турар жойлар, мактаблар, болалар боғчалари қурилаяпти, кўчалар текисланиб асфальт қилинаяпти, газ, электр тармоқлари ўтказилаяпти, тоза сув билан таъминлаш ишлари олиб борилаяпти. 2018-2019 йиллар давомида биргина оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доимрасида бюджетдан қарийиб 10 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилган.

ХУЛОСАЛАР

Аҳоли сони ва таркибини ўрганиш муҳимдир. Унга асосан ҳудудлар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш, болалар боғчалари, мактаблар ва бошқа ижтимоий-маданий муассасаларни режалаштириш лозим бўлади. Ўзбекистон аҳолиси мунтазам кўпайиб бормоқда. Мустақиллик йилларида мамлакат аҳолиси 1,7 баравар (1990 йил 20,6 млн. киши, 2020 йил – 34,0 млн. киши) кўпайган. Ўзбекистон аҳолисининг 30 % дан кўпроғини ёшлар ташкил этади.

Аҳоли турмуш даражаси муҳим ва мураккаб ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Аҳоли турмуш даражаси оладиган даромадларига, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари истеъмоли харажатларига, коммунал хизматларга, соғлиги ва саломатлигига, тинч-фаравон яшашига, маъданий ва маърифий даражасига ва бошқа кўрсаткичларга боғлиқ.

Шунинг учун ҳам аҳолининг турмуш даражасини бирор-бир интеграл кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичларни моҳияти бўйича гуруҳлаб қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Аҳолининг ижтимоий-демографик ва даромадлигини ифодаловчи кўрсаткичлари: буларга аҳоли сони, ҳаракати, даромад турлари, аҳоли жон бошига даромадлар киради.

2. Аҳолининг моддий истеъмолини ифодаловчи кўрсаткичлари: буларга озиқ-овқат, ноозиқ-овқат билан таъминланганлик ва уларнинг истеъмоли билан боғлиқ кўрсаткичлар киради.

3. Аҳолининг таълими, маънавий-маданий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар: буларга мактабгача таълим, умумий-ўрта таълим, олий таълим, маданий муассасалар, маънавий (театр, кино, китоб) кўрсаткичлар киради.

4. Аҳоли соғлиғини, санитария-гигиена ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар: буларга касалхоналар ва врачлар сони, касаллар ва шу каби кўрсаткичлар киради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, аҳолининг турмушини яхшилашга, даромадларини кўпайтиришга, соғлиғини мустаҳкамлашга аҳамият берилди. Аҳоли даромадлари турлари кўп бўлиб, ишлаб меҳнат ҳақи олади, тадбиркорликдан даромад олади, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб, ортикчасини сотиб даромад олади, мулкдан, қимматбаҳо қоғозлардан даромад олади. Пенсия ва стипендия даромадларнинг махсус турларига киради. Мамлакатда минимал иш ҳақи бир неча бор оширилди. Минимал иш ҳақи 2005 йил 1 майдан 7835 сўм бўлган бўлса, 2020 йилга энг кам иш ҳақи – 679330 сўмни ташкил этиб, 86,7 баравар кўпайган. Аҳоли даромадларида тадбиркорликдан олган даромадлар ҳиссаси ортиб бормоқда.

Аҳоли харажатларининг турлари ҳам кўп бўлиб, катта қисмини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари истеъмоли харажатлари ташкил қилади. Бу харажатларининг таркибини сифатли озиқ-овқат товарлари ва маданий-маънавий товарлари (телевизорлар, чангютгичлар, енгил машиналар) ташкил этиб, ҳиссаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Аҳоли харажатларида транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Аҳолининг маданий-маърифий даражасини ифодаловчи кўрсаткичларга таълим, соғлиқни сақлаш ва

бошқа маданий-маънавий хизматлар киради. Таълим хизматлари мактабгача таълим, мактаб таълими, олий таълим ва олий таълимдан кейинги таълимлар киради. Мактабгача таълим муассасалари йилдан-йилдан кўпайиб, ҳозирги пайтда давлат шерикчилик ва хусусий болалар боғчалари ташкил этишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, мактабгача таълим соҳаси фақат кейинги тўрт йил ичида мамлакатда боғчалар сони 3 барабар кўпайиб, болаларни қамраб олиш даражаси 28 фоиздан 54 фоизгача етган. Яқин йилларда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 80 фоизга етказиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим олиш бепул ва мажбурийдир. Умумий ўрта таълимни ўрганиш, уларнинг худудлар бўйича етарли даражада жойлашмаганлигини, айрим мактабларда дарслар 2 сменада, ҳаттоки 3 сменада олиб борилаётганлиги, мактаб синфларида 30 дан кўп, 50 тагача ўқувчилар мавжудлиги, лаборатория ва бошқа жиҳозлар етишмаслигини кўрсатди. Булар таълим сифатига жиддий таъсир қилади. Кейинги йилларда таълим сифатини ошириш, юқори синф ўқувчиларини бирор касб-хунарга ўргатиш вазифалари қўйилмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида энг замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган Президент мактаблари, атоқли ижодкорлар (Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Халима Худайбердиева ва шу кабилар) мактаблари, фанларни чуқур ўзлаштирадиган мактаблар ташкил этилмоқда. Фақат 2020 йилда 56 та математика йўналишида, 27 та кимё-биология ва 14 та ахборот технологияларига ихтисослашган мактаблар ташкил этилган. Таълим сифатини яхшилаш борасида ўқув дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш, замонавий дарсликлар ва

ўқув адабиётларини яратиш кўзда тутилган. Ўрта махсус касб-хунар таълимини ислоҳ қилиш натижасида лецейлар ОТМларига бириктирилди, кичик мутахассисликларни тайёрловчи касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар ташкил этилди.

Олий таълим узлуксиз таълим тизимининг муҳим бугини ҳисобланади. Аҳолининг билим даражаси, олий маълумотли мутахассислар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида асосий омил ҳисобланади. Кейинги йилларда ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси ошиб, мутахассислар тайёрлаш сифатига эътибор берилмоқда.

Сўнги тўрт йилда мамлакатимизда 43 та олий таълим муассасалари ташкил этилиб, уларнинг сони 124 тага етказилди. Ривожланган мамлакатларнинг нуфузли ОТМларининг филиаллари, ҳамкорликда мутахассислар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар тажрибаларини алмашиш, магистрлар, илмий-изланувчилар малакаларини ошириш, халқаро стандартлар талаби асосида мутахассислар тайёрлашга аҳамият берилмоқда. Энди асосий эътибор, ОТМларнинг моддий-техник базасини яхшилашга, замонавий жиҳозлар, лабораториялар билан таъминлашга, керакли мутахассислар тайёрлашни кўпайтириш мақсадида сиртки ва буюртма, ҳамда масофавий таълимга аҳамият берилади. Мутахассислар сифатини яхшилаш мақсадида ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа ўқув адабиётлари кўриб чиқилади. Мутахассисликка оид фанлар соатлари кўпайтирилади, ҳамда илғор амалиёт билан боғланиши кучайтирилади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан аҳолининг соғлиғини яхшилашга катта эътибор берилди, бюджетдан кўшимча маблағлар ажратилиб

ихтисослаштирилган тиббий марказлар ташкил этилди. Кейинги йилларда мамлакат Президенти тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга оид, ҳамда тиббий хизматни ривожлантириш бўйича 30 дан кўпроқ фармон ва қарорлар қабул қилди. ҚВПлар оилавий поликлиникаларга айлантирилди, тиббий ёрдам станциялари сони, тез тиббий машиналар сони кўпайтирилди. Шу билан биргаликда 2020 йилдаги Пандемия ҳали тиббий соҳада камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Бу борада давлат тиббиёт муассасалари билан бир вақтда, давлат-шерикчилик ва хусусий тиббий муассасалар сонини кўпайтириш, тиббий муассасаларни замонавий асбоб-ускуналар, лабораториялар билан жиҳозлаш, чет эллик кўзга кўринган тиббий мутахассисларининг тажрибасини ўрганиш, тиббий дори-дармонларни кўпайтириш мақсадида доривор ўсимликларни етиштиришни кўпайтириш лозим бўлади.

Аҳолининг маданий, маърифий салоҳиятини оширишда газета, китоблар, ҳамда театр-музей ва телевидениянинг аҳамияти катта. Лекин кейинги йилларда мобил телефонлар кўпайиб, ёшларнинг кўпинча уларга боғланиб қолиши юқоридаги маданий-маърифий соҳаларга қизиқишини биров сусайтирди. Айрим ёшлар мобил телефон маълумотларидан нотўғри фойдаланиб, экстремистик гуруҳлар сафига қўшилиб кетди. Газета ва журналлар вақтида жойларга етказиб берилмаганлиги сабабли обуначилар ва обуналар сони камайиб кетди. Кейинги йилларда китобхонликка эътибор кучайди. Чунки инсонлар илмни асосан китоблардан олади. Республика Президенти Ш.Мирзиёев тавсия қилган 5 ташаббуснинг бири ҳам китоб ўқишга бағишланган. Мамлакатда 3 та ёш гуруҳи бўйича

китоблар танлови ўтказилиши ва ғолибларнинг муносиб рағбатлантирилиши, ҳамда телевиденияда кўрсатилиши, жойларда китоб дўконларининг кўпайиши, китобга-билимга бўлган эътиборни кучайтирди. Лекин шу билан бир вақтда буюк аجدодларимиз ҳаётини, замонамиз қахрамонлари ишларини ёритувчи адабиётларни кўпайтириш лозим бўлади.

Аҳолининг маънавий-маърифий савиясини оширишда, маданий хордиқ чиқаришда радио ва телевидениянинг аҳамияти катта. Республика миқёсида телевидениянинг бир нечта каналлари, ундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоят телевидениялари ҳам кўрсатувлар олиб боради. Ҳар бир телеканал энг аввало ўзининг номидан ва худудидан келиб чиқиб, воқеа, ҳодисалар тўғрисида хабар беради, кинофильмлар ва бошқа кўрсатувларни ташкил этади. Кейинги йилларда телевиденияда кўрсатилаётган сериалларнинг (узундан-узоқ, неча ойлар вақтингизни кетказиб томоша қилишга тўғри келади) бизнинг урф-одатларимизга, маънавий қадриятларимизга тўғри келмаслиги (оилавий уруш-жанжаллар, бир-бирига дўстона муносабатда эмас, қора ниятда бўлиши, аёлларнинг ярим ялонғоч бўлиши ва шу кабилар) эътиборга олинishi лозим бўлади.

Шу билан биргаликда, пандемия шароитида “Оилавий” теленаналининг аҳолининг саволларига мутахассисларнинг жавоб беришини, тўғридан-тўғри ташкил этилиши кўпчилик аҳолига манзур бўлди, касалликдан тузалишда маълум даражада фойдаси теги. Кейинги йилларда мамлакатда олинган “Илҳак”, “Ибрат”, “Жалолиддин Мангуберди” тўғрисидаги фильмларнинг телевиденияда кўрсатилиши, меҳр-

муҳаббат, сабр-тоқат, ватанпарварлик руҳини инсонларга сингдиради.

Хулоса қилиб шуни эътироф этиш лозимки, рисолада аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари, уларнинг ҳолати имкони бориचा ифодалаб берилди, турмуш даражасини яхшилаш бўйича таклифлар ва тавсиялар берилди. Мамлакатда иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича амалий ишлар, ислохотлар олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2019.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. №271-272. 2018 йил 29 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлари стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4861-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент, 2016 йил, 2 декабрь.
6. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: Статистик тўплам. Тегишли йилларда. // www.stat.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. Н_271-272. 2018-йил 29-декабр.
8. Каримов И.А. Танланган асарлар тўплами. 1-20 томлар.
9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-Ж. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.

11. Ишмухаммедов А., Калонов Б., Калонова З., Суннатов М. Иқтимоий соҳа иқтисодиёти. Дарслик. Т.: ТДИУ., 2007 йил.

12. Мухаммедов М.М. ва бошқалар Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Фан ва технология”, 2018.

13. Набиев Х., Аюбжонов А., Сайфуллаев С. Иқтисодий статистика. Т.: “Иқтисодиёт”, 2014.

14. Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н. Иқтисодиёт субъектларида омилли таҳлилни такомиллаштириш. Монография. Т.: Наврўз. 2014. – 236 бет

15. Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н., Раҳимов Ҳ.А. Мехмонхона хўжаликларида самарадорликни ошириш муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2013. – 212 б.

16. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағилликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Самарқанд, 2020.

17. Пардаев М.Қ., Бабаназарова С.А., Кузиев З.Б., Очилова Ҳ.Н. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. Т.: Инновацион ривожланиш нашриёти” матбаа уйи, 2020.

18. Улмасов А. Иқтисодиёт. Оммавий қўлланма., Т.: “Иқтисод-молия”, 2017.

19. Тўхтасинов Н. Дунёнинг нуфузли эллик Олийгоҳи ҳамкоримиз. Зарафшон газетаси 2019-йил 23-Феврал.

20. Ходиев Б.Ю., Шодмонов Ш. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Баркамол файз медиа”, 2017.

21. Худайбердиев У., Исроилов Ж.И. Хизмат кўрсатувчи субъектлар статистик кўрсаткичлари. Самарқанд. 2011 йил

22. Худайбердиев У. Статистика. Ўқув қўлланма. Самарқанд, 2019.

23. Ўздавстатком. Ўзбекистонда таълим. 2015-2018. Т., 2019.

24. Ўздавстатком. Ўзбекистон рақамларда. Т., 2016.

25. Ўздавстатком. Ўзбекистон рақамларда. Т., 2018.

26. Ўздавстатком. Ўзбекистон ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. 2015-2018. Т., 2019.

27. Ўздавстатком. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш 2015-2018 й. Т., 2019.

28. Шерстнева Г.С. Социальная статистика: конспект лекций. М.: ЕКСМО, 2009. – С. 39-40.

29. Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. Т.: «Меҳнат», 1998 й. 182 б.

30. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. Т.: Ўзбекистон энциклопедияси. 2006 й. 269 бет.

ИЛОВАЛАР:

Ўзбекистон аҳолисининг ўсиши (минг киши)

Йиллар	Аҳоли сони	Йиллар	Аҳоли сони
1865	3320	1995	22562
1897	3730	2000	24654
1900	4016	2004	25857
1913	4366	2005	26100
1918	4366	2008	27100
1924	4258	2009	27767,1
1930	4926	2010	28001,4
1939	6440	2011	28564,8
1940	6264	2012	29559,1
1950	6551	2013	29993,5
1959	8119	2014	30492,8
1960	8395	2015	31022,5
1965	10068	2016	31575,3
1970	11799	2017	32120,5
1980	15757	2018	32656,7
1985	17927	2019	33255,5
1990	20322

Манба: Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. Т.: 2006 йил ва кейинги стат. маълумотлар.

Туғилиш, ўлим ва аҳолининг табиий ўсиши

(минг киши)

Йиллар	Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Аҳолининг табиий ўсиши	Ҳар 1000 аҳоли ҳисобига		
				Туғилганлар сони	Ўлганлар сони	Табиий ўсиш
1980	540,0	118,9	421,1	33,9	7,5	26,4
1985	679,1	131,7	547,4	37,4	7,3	30,1
1986	708,7	132,2	576,5	37,9	7,1	30,8
1987	714,4	133,8	580,6	37,3	7,0	30,3
1988	694,1	134,4	559,4	35,3	6,8	28,5
1989	668,8	126,9	541,9	33,3	6,3	27,0
1990	691,6	124,5	567,1	33,7	6,1	27,6
2000	531,0	136,3	394,7	21,5	5,5	16,0
2003	508,4	135,9	372,5	19,8	5,3	14,5
2004	533,1	130,0	403,2	20,5	5,0	15,5
2005	538,0	139,0	399,0	20,5	5,3	15,2
2006	555,9	139,6	416,3	20,9	5,3	15,6
2007	603,7	140,1	463,6	22,4	5,2	17,2
2008	646,1	23,6	5,1	18,5
2009	649,7	130,7	519,0	23,4	4,8	18,6
2010	634810	138411	496399	22,4	4,9	17,5
2011	622835	143253	479582	21,4	4,9	16,5
2012	625106	145988	479118	24,1	4,9	19,2
2013	679519	145672	533847	22,6	4,9	17,7
2014	718036	149761	568275	23,5	4,9	18,6
2015	734141	152035	582106	23,6	4,9	18,7
2016	726170	154791	571379	22,8	4,9	17,9
2017	715519	160723	554796	22,1	5,0	18,6
2018	768520	154913	613607	23,3	4,7	18,7

Манба: Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. Т.: 2006 йил ва кейинги стат. маълумотлар.

**Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг
худудлар бўйича жойлашиши**

(минг киши)

Вилоятлар	2001 йил	2006 йил	2011 йил	2016 йил	2019 йил	2019 йилни 2001 йилга нисбатан ўсиши, %
Қорақалпо- ғистон Республикаси	1527,0	1571,9	1680,9	1791,1	1859,8	122,4
Андижон	2216,5	2375,9	2672,3	2910,5	3066,9	138,4
Бухоро	1437,7	1525,9	1683,8	1815,2	1894,8	131,8
Жиззах	991,5	1051,4	1166,7	1276,1	1352,4	136,4
Қашқадарё	2212,5	2420,4	2722,9	3025,6	3213,1	145,2
Навоий	791,1	812,7	873,0	927,9	979,5	123,8
Наманган	1953,2	2103,6	2379,5	2603,4	2752,9	140,9
Самарқанд	2710,0	2907,5	3270,8	3583,9	3798,9	140,2
Сурхондарё	1770,4	1925,1	2175,1	2411,5	2569,9	145,2
Сирдарё	649,9	676,9	727,2	790,6	829,9	127,7
Тошкент	2370,2	2468,0	2644,4	2794,1	2898,5	122,3
Фарғона	2697,5	2878,9	3229,2	3505,3	3683,3	136,5
Хоразм	1347,7	1453,9	1601,1	1746,9	1835,7	136,2
Тошкент шаҳри	2137,9	2140,6	2296,5	2393,2	2509,9	117,4
Ўзбекистон Республи- каси	24813,4	26312,7	29123,4	31575,3	33255,5	134,0

**Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг
худудлар бўйича таркиби**

(минг киши)

Вилоятлар	Аҳоли сони, минг киши	Салмо ғи, %	1 кв. км.га тўғри келадиган аҳоли сони, киши
Қорақалпоғистон Республикаси	1869,8	5,6	11,2
Андижон	3066,9	9,2	713,2
Бухоро	1894,8	5,7	47,1
Жиззах	1352,4	4,1	63,8
Қашқадарё	3213,1	9,7	112,5
Навоий	979,5	2,9	8,8
Наманган	2752,9	8,3	370,0
Самарқанд	3798,9	11,4	226,5
Сурхондарё	2369,9	7,7	127,9
Сирдарё	829,9	2,5	193,9
Тошкент	2898,5	8,7	190,1
Фарғона	3683,3	11,1	544,9
Хоразм	1835,7	5,5	303,4
Тошкент шаҳри	2509,9	7,6	7514,9
Ўзбекистон Республикаси	33255,5	100,0	74,1

Ўзбекистон Республикасида туғилганлар сони
(йилларда туғилганлар сони, минг киши)

Вилоятлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2015 йил	2018 йил	2018 йилни 2000 йилга нисбатан фарқи, %
Қорақалпо- ғистон Рес- публикаси	36408	32456	37942	41345	40108	110,2
Андижон	43897	47522	59953	69562	72387	164,9
Бухоро	28618	30119	34597	39352	40338	140,9
Жиззах	24049	24157	25942	31887	33801	140,5
Қашқадарё	57681	53317	63861	78543	81919	142,0
Навоий	15305	16230	18409	20259	21595	141,1
Наманган	40772	42309	50799	61980	66490	163,1
Самарқанд	61266	63147	75213	88649	98909	161,4
Сурхондарё	44834	41847	51103	64424	68259	152,3
Сирдарё	14315	14365	16260	17862	18349	128,2
Тошкент	43820	46335	54830	58692	59300	135,3
Фарғона	53168	56701	70622	79241	81414	153,1
Хоразм	32114	31362	35965	39543	40103	124,9
Тошкент шаҳри	31333	33663	39314	42802	45548	145,4
Ўзбекистон Республи- каси	527580	533530	634810	734141	768520	145,7

Ўзбекистон Республикасида ўлганлар сони

(йилларда тузилганлар сони, минг киши)

Вилоятлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2015 йил	2018 йил	2018 йилни 2000 йилга нисба- тан фарқи, %
Қорақалпо- ғистон Рес- публикаси	8496	9199	8342	8094	8602	101,2
Андижон	11513	12213	12862	14860	15377	133,5
Бухоро	6731	6864	7383	7976	7978	118,5
Жиззах	4308	4459	4440	5348	5596	130,0
Қашқадарё	9641	9938	10271	11954	13023	135,0
Навоий	4225	4328	3984	4110	4161	98,5
Наманган	9879	10210	10553	12236	12200	123,5
Самарқанд	14223	14469	14262	15895	16254	114,3
Сурхондарё	8158	8259	8446	9887	10698	131,1
Сирдарё	3524	3716	3449	3786	3794	107,6
Тошкент	15307	16771	15385	16251	16307	106,5
Фарғона	14389	14941	15870	17437	16975	118,0
Хоразм	6959	6671	7022	7855	8203	117,9
Тошкент шаҳри	18245	18547	16142	16346	15745	86,3
Ўзбеки- стон Рес- публикаси	135598	140585	138411	152035	154913	114,2

Ўзбекистон Республикаси аҳолисining механик ҳаракати

Ўзбекистон Республикасига кўчиб келганлар сони

(йилларда тузилганлар сони, минг киши)

Вилоятлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Қорақалпо- ғистон Республи- қаси	12927	12783	14275	10850	9866	10746	10816
Андижон	6113	4751	5737	6452	5854	6332	6599
Бухоро	6126	3965	4244	6497	5994	6783	6091
Жиззах	6231	7312	7950	8323	7938	9339	11055
Қашқадарё	11750	8323	10077	11598	10194	11091	11015
Навоний	11247	12043	11442	11752	12104	13047	13145
Наманган	4258	3190	4393	4628	4619	4226	4561
Самарқанд	9891	10814	12332	10709	10273	10326	12017
Сурхондарё	11122	10684	11600	11748	12925	14456	11936
Сирдарё	7789	6349	6708	6804	5799	7651	8599
Тошкент	23639	23232	15467	18575	19689	18755	19176
Фарғона	12804	12984	12747	12241	12135	13196	13312
Хоразм	7182	6433	7239	6542	6175	6639	6308
Тошкент шаҳри	14801	21915	15564	12561	17983	24562	25473
Ўзбекистон Республи- қаси	145880	144778	138077	139280	141548	157149	160103

Ўзбекистон Республикасида кўчиб кетганлар сони

(йилларда тузилганлар сони, минг киши)

Вилоятлар	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2015 йил	2018 йил	2018 йилни 2000 йилга нисбатан фарқи, %
Қорақалпоғистон Республикаси	16846	34106	26971	16181	14861	88,2
Андижон	8193	6854	6296	7947	8460	103,3
Бухоро	9642	8888	6929	8069	8766	90,9
Жиззах	9296	18911	11174	8912	11878	127,8
Қашқадарё	14098	9838	10894	11489	15235	108,1
Навоий	14497	21435	13719	13235	14110	97,3
Наманган	6203	4916	5099	5192	5520	89,0
Самарқанд	17219	19090	15371	14266	15774	91,6
Сурхондарё	14034	14041	12742	13027	13824	98,5
Сирдарё	10879	12267	8758	7314	9125	83,9
Тошкент	32143	37131	27547	25189	24909	77,5
Фарғона	185832	16798	14052	13673	14678	79,2
Хоразм	8565	9981	8315	6975	7452	87,0
Тошкент шаҳри	32325	32130	15991	17110	10240	31,7
Ўзбекистон Республикаси	212472	246386	183858	168579	174832	82,3

Аҳолининг таълим даражаси¹⁶

(Уй хўжаликлари танлама кузатиши натижаларига асосан)

16 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳоли					
	2014	2015	2016	2017	2018
Жами, фоизда шу жумладан:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Олий	13,0	13,3	13,4	13,5	13,6
Ўрта махсус, касб-хунар	41,2	41,4	47,7	51,1	53,4
Ўрта	45,7	45,2	38,8	35,3	32,9
Бошланғич ва қуйи	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
25 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳоли					
Жами, фоизда шу жумладан:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Олий	15,7	15,8	16,3	16,3	16,4
Ўрта махсус, касб-хунар	39,3	39,5	46,2	47,3	50,1
Ўрта	44,9	44,6	37,4	36,3	33,4
Бошланғич ва қуйи	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда таълим 2015-2018. -Т.: 2019, 17-6

2018 йилда ҳудудлар бўйича мактабгача таълим муассасаларида болалар сони ва қамрови¹⁷

(йил охирига)

	Мактабгача таълим муассасаларида болалар сони, минг киши			1-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши, фоизда		
	Жами	Шахар жойларида	Қишлоқ жойларида	Жами	Шахар жойларида	Қишлоқ жойларида
Ўзбекистон Республикаси	874,4	566,1	308,3	21,0	30,0	13,4
Қорақалпоғистон Республикаси	57,7	40,8	16,9	25,2	38,4	13,7
вилоятлар:						
Андижон	78,7	38,7	40,1	20,3	20,8	19,9
Бухоро	56,3	31,4	24,9	23,4	41,2	14,9
Жиззах	32,4	21,9	10,5	18,7	29,6	10,5
Қашқадарё	50,2	32,8	17,4	10,7	16,8	6,3
Навоий	26,9	22,0	4,9	23,0	41,1	7,8
Наманган	76,0	38,0	38,0	21,2	18,5	25,0
Самарқанд	81,5	49,2	32,3	15,9	33,2	8,8
Сурхондарё	36,9	22,0	14,9	10,0	18,2	6,0
Сирдарё	25,3	15,2	10,1	24,5	37,0	16,2
Тошкент	72,3	48,3	24,0	22,3	33,3	13,4
Фарғона	111,4	61,4	50,0	25,2	26,7	23,6
Хоразм	45,4	21,1	24,3	20,5	33,0	15,4
Тошкент ш.	123,4	123,4	-	49,9	49,9	-

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда таълим 2015-2018. -Т.: 2019, 32-б.

Худудлар бўйича 1-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиниши¹⁸

(фоизда)

	2014	2015	2016	2017	2018
Ўзбекистон Республикаси	15,3	15,5	17,3	17,0	21,0
Қорақалпоғистон Республикаси	15,8	16,4	17,1	20,0	25,2
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	12,7	14,2	15,8	14,7	20,3
Бухоро	14,4	14,8	16,2	17,4	23,4
Жиззах	11,2	10,8	14,6	10,6	18,7
Қашқадарё	7,2	7,3	12,0	12,0	10,7
Навоний	17,5	17,8	19,6	21,3	23,0
Наманган	14,1	14,6	16,4	15,5	21,2
Самарқанд	12,6	11,7	15,2	12,1	15,9
Сурхондарё	7,5	7,6	8,4	7,4	10,0
Сирдарё	14,5	15,4	18,9	17,2	24,5
Тошкент	18,2	18,9	19,5	20,3	22,3
Фарғона	17,0	17,0	17,9	18,3	25,2
Хоразм	9,8	9,6	10,0	14,7	20,5
Тошкент ш.	49,8	51,7	52,3	49,8	49,9

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда таълим 2015-2018. -Т.: 2019, 33-б.

Умумтаълим муассасаларида машғулотлар сменаси¹⁹
 (ўқув йили бошига; жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли
 бўлган болалар учун мактабларсиз)

		2014/ 2015	2015/ 2016	2016/ 2017	2017/ 2018	2018/ 2019
Машғулотлар олиб борадиган умумтаълим муассасалари сони:						
1.	бир сменада: <i>бирлик жами сонидан фоизда</i>	3 603 37,4	3 411 35,4	3 148 32,7	2 498 25,9	1 960 20,2
2.	икки сменада: <i>бирлик жами сонидан фоизда</i>	6 027 62,5	6 195 64,3	6 465 67,2	7 095 73,9	7 694 79,6
3.	уч сменада: <i>бирлик жами сонидан фоизда</i>	6 0,1	16 0,2	12 0,1	20 0,2	19 0,2
Таълим олаётган ўқувчилар сони:						
1.	биринчи сменада: <i>минг киши жами ўқувчилар сонидан, фоизда</i>	3 386,6 75,1	3 425,9 73,8	3 474,1 72,4	3 589,2 68,5	3 800,7 65,2
2.	иккинчи сменада: <i>минг киши жами ўқувчилар сонидан, фоизда</i>	1 123,2 24,8	1 214,0 26,1	1 312,8 27,6	1 650,4 31,4	2 021,0 34,7
3.	учинчи сменада: <i>минг киши жами ўқувчилар сонидан, фоизда</i>	2,4 0,1	3,5 0,1	2,0 0,0	3,5 0,1	4,5 0,1

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда таълим 2015-2018. -Т.: 2019, 81-б.

**Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг
(ўриндошларсиз) таълим даражаси бўйича сони²⁰**

(2018/2019 ўқув йили бошига; фоизда)

	Жами минг киши	Улардан маълумотга эга булганлар, фоизда				Умумий сондан аёллар улуши, фоизда
		<i>Олий</i>	<i>Тугал- ланма- ган олий</i>	<i>Ўрта махсус</i>	<i>Шу жумладан педагогик</i>	
Жами ўқувчилар	444,2	83,9	0,1	16	15,8	70,3
шу жумладан:						
фанлар бўйича дарс ўтмайдиган умум-таълим муассасалари раҳбарлари	7,8	98,5	-	1,5	1,4	48,5
Ўқитувчилар:						
1-4 синфлар	118,8	60,9	0,1	39	38,4	91,3
5-9 синфлар	145,4	98,3	-	1,7	1,6	68,0
Музыка ва ашула, тасвирий санъат ва бошқалар	72,2	70,9	0,1	29	28,9	45,6
Ўқитувчилар умумий сонидан:						
<i>Мақтаб директорлари:</i>						
Бошланғич	0,0	100,0	-	-	-	75,0
Умумий ўрта	9,4	100,0	-	-	-	34,6
<i>Директор ўринбосарлари</i>						
Ўқув ишлари	12,4	99,8	-	0,2	0,2	47,7
Маънавий- маърифий ишлар бўйича бўйича	11,7	99,8	-	0,2	0,2	39,9

²⁰ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда таълим 2015-2018. -Т.: 2019, 110-6

Олий таълим муассасалари талабаларининг таълим олиб бориладиган тиллар бўйича тақсимланиши²¹

(ўқув йили бошига)

	<i>2014/ 2015</i>	<i>2015/ 2016</i>	<i>2016/ 2017</i>	<i>2017/ 2018</i>	<i>2018/ 2019</i>
Жами	261,3	264,3	268,3	297,7	360,2
<i>шу жумладан тилларда таълим олаётганлар:</i>					
Ўзбек	206,5	205,9	209,1	231,3	282,3
рус	37,8	40,1	39,8	44,4	54,3
қорақалпоқ	9,9	10,2	10,3	11,8	13,2
қозок	0,9	1,0	0,8	0,9	0,7
тожик	0,6	0,6	0,6	0,6	0,7
туркман	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
қирғиз	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
инглиз	5,4	6,3	7,5	8,5	8,8
<i>Талабалар умумий сонидан фоизда</i>					
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
<i>шу жумладан тилларда таълим олаётганлар:</i>					
Ўзбек	79,0	77,9	78,0	77,7	78,4
рус	14,5	15,2	14,8	14,8	15,1
қорақалпоқ	3,8	3,9	3,9	4,0	3,7
қозок	0,3	0,4	0,3	0,3	0,2
тожик	0,2	0,2	0,2	0,2	0,2
туркман	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
қирғиз	0,0	0,0	0,0	0,1	0,0
инглиз	2,1	2,4	2,8	2,9	2,4

²¹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда таълим 2015-2018. -Т.: 2019, 206-б

**Худудлар бўйича олий таълим муассасалари
талабаларининг ёш таркиби²²**

(2017/2018 ўқув йили бошига; минг киши)

	Жами	<i>Шу жумладан ёши бўйича:</i>			
		<i>19 ёш ва ундан кичик</i>	<i>20 ёш</i>	<i>21 ёш</i>	<i>22 ёш</i>
Ўзбекистон Республикаси	297,7	39,3	38,8	46,0	48,5
Қорақалпоғистон Республикаси	19,4	2,5	2,5	3,5	2,9
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	19,2	1,8	2,3	2,8	3,2
Бухоро	15,9	2,4	2,2	2,4	2,5
Жиззах	12,5	3,6	2,5	1,6	1,8
Қашқадарё	15,9	1,7	1,7	2,6	2,9
Навоний	9,7	1,0	1,4	1,9	1,7
Наманган	13,3	1,0	1,5	2,0	2,2
Самарқанд	29,1	2,5	3,2	4,4	5,1
Сурхондарё	9,3	0,5	0,9	1,0	1,2
Сирдарё	4,6	0,3	0,6	0,5	0,6
Тошкент	8,1	0,9	0,8	1,1	1,3
Фарғона	21,5	2,2	3,1	3,5	3,5
Хоразм	10,5	1,9	1,0	1,5	1,8
Тошкент ш.	108,7	17,0	15,1	17,2	17,8

²² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда таълим 2015-2018. -Т.: 2019, 207-6

Бошқа давлатлардан республикамиз олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар сони²³

(ўқув йили бошига; киши)

	2014/ 2015	2015/ 2016	2016/ 2017	2017/ 2018	2018/ 2019
Жами	762	724	603	1 320	2 685
<i>шу жумладан МДХ</i>					
<i>давлатларидан</i>	660	620	524	611	2 480
<i>улардан:</i>					
Озарбайжон	10	9	7	6	5
Арманистон	1	1	2	7	2
Беларус	-	-	-	-	-
Қозоғистон	119	108	94	108	136
Қирғизистон	43	41	27	36	53
Молдова	16	-	3	-	-
Россия Федерацияси	129	134	133	174	220
Тожикистон	25	17	13	20	43
Туркменистон	296	296	230	246	2002
Украина	21	14	15	14	19
<i>Шу жумладан кундузги бўлимларда</i>					
Жами	762	724	603	1 320	2 685
<i>шу жумладан МДХ</i>					
<i>давлатларидан</i>	660	620	524	611	2 480
<i>улардан:</i>					
Озарбайжон	10	9	7	6	5
Арманистон	1	1	2	7	2
Беларус	-	-	-	-	-
Қозоғистон	119	108	94	108	136
Қирғизистон	43	41	27	36	53
Молдова	16	-	3	-	-
Россия Федерацияси	129	134	133	174	220
Тожикистон	25	17	13	20	43
Туркменистон	296	296	230	246	2 002
Украина	21	14	15	14	19

²³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистонда таълим 2015-2018. -Т.: 2019, 211-б

УДК: 330.59

Худайбердиев Умар Худайбердиевич

Аҳоли турмуш даражаси

Монография

11.01.2021 йилда босишга рухсат этилди:
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60×84_{1/16}.
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т. 9,75. Шартли б.т. 13,1.
Адади 100 нусха. Буюртма №20/04.

— СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93.

332.50